**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**“Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси**

# Мавзу: Анвар Лутфуллаев - созанда, педагог ва ташкилотчи

**(ижодий портрет)**

**Бажарувчи: Х.Мизамова**

**Илмий раҳбар: А.Р.Ташматова**

**ТОШКЕНТ - 2014**

**Мавзу: Анвар Лутфуллаев - созанда, педагог ва ташкилотчи (ижодий портрет)**

Мундарижа:

**Кириш.**

**1- боб.** Халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихидан кискача маълумот ……................................................................................ 7

**1.1** Ёшлар тарбиясида мусиқа санъатининг ўрни................................ **8**

**1.2** Халқ чолғуларида ўқитиш услубиёти (чанг ижрочилиги мисолида)

**2-боб.** Анвар Лутфуллаевнинг ҳаёти ва ижоди.

**2.1** Анвар Лутфуллаев - созанда, педагог ва ташкилотчи ....... **8**

**2.2**........................................................................................................

.

**Хулоса.**

**Глоссарий.**

**Иловалар.**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

# КИРИШ

*«Ватанимизнинг келажаги халқимизнинг эртанги куни,*
*мамлакатимизнинг жаҳон хамжамиятидаги обрў – эътибори,*
*авваламбор фарзандларимизнинг униб – ўсиб, улғайиб,*
*қандай инсон бўлиб, ҳаётга кириб, боришига боғлиқдир.*
*Биз бундай ўткир ҳақиқатни  ҳачон унутмаслигимиз керак.»*

***Ислом Каримов***

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик йиллари Ўзбекистон Республикаси, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда том маънода туб ўзгаришлар даври бўлди. Республикада ҳуқуқий  давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг истиқболли ривожланиш йўли сифатида эътироф этилганлигини барча соҳаларда бўлгани каби шахс дунёқарашини ўзгартириш, тоталитар тузум даври мафкуравий сарқитларидан халос қилиш заруриятини юзага келтирди.

Ҳар томонлама, баркамол авлод тарбияси барча даврларда хам муҳим бўлган энг долзарб масаладир. Мана шундай маъсулиятли, вазифани амалга ошириш хар бир педагогнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Баркамол авлодни тарбиялаш учун уларнинг ижодий қобилятини ўстириш, мустақил фикрлаш малакаларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Педагогларнинг таълим – тарбия жараёнини тўғри ва муваффақиятли ташқил этишларида ўқувчиларнинг  ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олиш самарали натижаларидан биридир.

**Илмий тадқиқотнинг мақсади** – таълим муассасаларида “Халк чолгуларида ижрочилик санъати тарихи”,  “Халк чолгуларида укитиш услубиёти”, “Ихтисослик”, “Дирижёрлик”,  “Ансамбл синфи”, буйича утказиладиган фанлар машгулотларида интерфаол услубларидан фойдаланиш орқали таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Илмий тадқиқотнинг вазифалари** — белгиланган мақсадни хар томонлама ўрганиш; бу борадаги мавжуд тажрибалар билан танишиш; самарали ва самарасиз холатларни аниқлаш; тажриба ва синов ишларини ўтказиш; олинган натижаларни таҳлил қилиш; мантиқий хулосалар чиқариб амалиётчиларга тавсия этиш.

**Муаммони ишлаб чиқилиш даражаси** - шуни кўрсатадики, Республикамиздаги бир канча оммавий ахборот воситаларида хамда, газета, журналларида янги педагогик технологиялар, интерфаол усуллар бўйича бир қанча монография, ўқув қўлланма, маколалар, тезислар ва услубий тавсияномалар нашр этилди .

**Тадқиқотнинг объекти** – Узбекистон давлат консерваторияси, Маданият ва санъат коллежлари, мусика Академик лицейларининг махсус мусика фанлари машгулотларида интерфаол услубларни самарали қўллаш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети** - мусиқий таълим жараёнида интерфаол услубларидан фойдаланишнинг мазмуни, шакли, усуллари ва методлари.

**Тадқиқотнинг амалий ахамияти** – тайёрланган диссертацион ишимиз материалларидан факультет талаблари, магистрлар ва таълим муассасаларининг ёш ўқитувчилари илмий-услубий тавсия сифатида фойдаланишлари илмий-услубий тавсия сифатида фойдаланишлари мумкин.

**Бажарилган ишнинг тузилиши** - кириш, уч боб хулоса, илова, глоссарий ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## 1- боб. Халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихидан киcкача маълумот.

### 1.1. Ёшлар тарбиясида мусиқа санъатининг ўрни.

Чанг чолғуси ҳақида биз узоқ ўтмишда яшаб, ўлмас асарларни ёзиб қолдирган олимлар ва шоирларимиз меросига назар ташласак, фикримизга етарлича далил топамиз. Жумладан, Абу Наср ал-Фаробий (873-951) «Китоб ал-мусиқий ал-Кабр» («Мусиқа ҳақида катта китоб») рисоласида чолғуларга, хусусан чанг, рубоб, най, доира каби созларга алоҳида ўрин ажратади. Ал-Фаробий яратган асарлар унинг замондошлари ва ундан кейинги давр олимларининг мусиқа илми назарияси бўйича илгари сурилган фикрлари ва рисолалари учун асос бўлди.

Айниқса, XVII аср машҳур созандаси ва мусиқий назариётчиси Дарвеш Али Чангий соз ва созандаларни уларнинг ижрочилик санъатини ўз рисолаларида тараннум этадилар. Улуғ санъаткор-шоирлар чанг созини халқ оммаси орасида севиб ижро қилинганини, қадрланганлигини, ижрочилар томонидан юксак маҳорат намойиш этилганлигини қайд этишган. Тингловчилар эса, ўз навбатида, чолғудан таралган куйлардан руҳий озуқа олган, дардига малҳам топишган, шодликларига шодлик қўшилган.

Ҳар қайси даврларда ҳам шоир ва олимлар ўз асарларида санъатнинг яратувчанлик қудратига, оҳангларнинг инсон қалби торларига ҳамоҳанг бўлишига алоҳида саҳифалар бағишлаганлар.

1930 йиллардан бошлаб, ўзбек мусиқа маданияти ҳар томонлама куртак ёза бошлаган давр бўлди. Хусусан, 1934 йилда Ўзбек давлат филармонияси, 1936 йилда Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси) ва бошқа кўпгина маданият, санъат муассасалари ташкил этилди. Ўзбек халқ чолғулари қаторида чанг созининг қайтадан ясалиши, такомиллаштирилиши, натижада оилавий турларнинг яратилишида –

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Ашот Иванович Петросянцнинг хизматлари беқиёсдир.

А.И.Петросянц раҳбарлигида соз усталари билан биргаликда ўзбек халқ чолғуларига киритилган янгиликлар натижасида чанг чолғусда ўзбек халқ куйларидан ташқари барча халқларнинг мусиқа асарларини ва композиторлик ижодини ўзлаштиришга имконият яратилди. Жаҳон композиторлари асарларини ижро этишга очилган йўл – янги ўзбек санъатини ривожлантиришда ва халқ чолғуларида, хусусан, чангда ижрочилик санъатига янги услуб – замон руҳи билан йўғрилган оқимни олиб келди.

Чанг созини такомиллаштириш натижасида жаҳондаги барча халқлар мусиқа маданиятини ҳамда профессионал мусиқа ижодиётидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди. Бу эса чолғунинг садоланиш қудратини ошириб, ижрочилик маҳоратини юксак даражага олиб чиқиш йўлини янада бойитди. Ҳар хил миллат халқлари орасида чолғу санъати ва ўзбек мусиқа маданиятини тарғиб қилиш учун замин ҳозирлади.

Миллий мусиқа маданиятини, халқ чолғуларида ижрочилик санъатини чанг сози билан бир қанча хорижий мамлакатларда тарғибот қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этди. Жаҳоннинг машҳур ва энг катта концерт залларида чанг чолғуси усталари: Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Бахтиёр Алиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Фахриддин Соддиқов, Аҳмад Одилов, Темур Махмудов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фозил Харратов, Абдусалом Муталов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Фазилат Шукурова, профессор Рустам Неъматов кабиларнинг турли йилларда муваффақиятли ва бетакрор чиқишларини томошабинлар самимий олқишладилар. Шунингдек, улар телевидение экранлари ва радио тўлқинлари орқали профессионал ижрочилик санъатини маҳорат билан элга манзур қилдилар. Созандаларнинг бундай сермазмун ва ёрқин ижодий парвозлари Ўзбекистон композиторларини чанг чолғуси учун

оригинал асарлар яратишга даъват этди. Композиторлардан И.Адмони, С.Бобоев, И.Хамроев, А.Отажонов, М.Тожиев, Н.Зокиров, М.Насонов, Т.Тошматов, С.Варелас, Т.Азимов, Б.Гиенко, М.Бафоев, Р.Абдуллаев, Х.Рахимов, А.Мансуров, М.Отажонов, О.Абдуллаевалар каби Таникли ва машҳур ижодкорларнинг асарлари мутахассислар ҳамда тингловчилар томонидан самимий олқишланмоқда.

Халқимизнинг дид ва маданияти, санъатга бўлган талаби ва эҳтиёжи кун сайин юксалиб бормоқда. Шундай экан, ҳар бир созанда мусиқа асарини ўрганар экан, уни халқ эътиборига ҳавола этиш учун ўзлаштираётган асарини чуқур тушуниб етмоғи ва бу йўлда тинмай ижодий изланмоғи лозим. Зеро, созанда санъати ҳам халқчил, ҳам замонавий, ҳам юксак профессионал даражада бўлгандагина тингловчилар томонидан муносиб олқишланади ва бунёдкор халқимиз кўнглини ола билади.

XX асрнинг бошларида ўзбек мусиқа санъати ва маданияти жадал равишда тараққий эта бошлади. 1920- йилларда мусиқа таълими, хусусан узбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати соҳаларида муайян ютуқларга эришилди.

Ўзбек халқ чолғуларини ўзлаштиришнинг анъанавий услублари — мусиқа асарларини ижро этиш бой оғзаки анъаналарга асосланган бўлиб, устоз-мураббий, куй-ни ўз шогирдига оғзаки узатиш, яъни чолғуда. бевосита ижро этиб бериш йўли билан етказиш, шогирд эса уни деярли ёдлаб олиши орқали олиб борилган. Шу боис халқ. созандалари орасидаги устоз-шогирдлик анъаналари ёшларга мусиқа ижрочилигини ўргатиш усуллари сифатида моҳир чолғучиларнинг шаклланишига катта имкон яратган.

«Шашмақом» билимдонлари Ота Жалолиддин Носиров (1845—1928), Ота Ғиёс Абдуғаниев (1859—1927), шунингдек, ўзбек ва тожик халқ мусиқаси ижрочиларидан бири, танбур ва дутор нжрочилиги ҳамда хонан далик ва ўзбек бастакорлик санъати ривожига салмоқли

ҳисса қўшган Ҳожи Абдулазиз Расулов (1852—1936), таниқли аскиячи Юсуфжон қизиқ Шакаржонов (1868— 1959), моҳир доирачи Уста Олим Комилов (1875—1953), дуторчилар Абдусоат Ваҳобов (1875—1934), Қўзихон Мадраҳимов (1888—1952), атоқли хонанда ва ташкилотчи Муҳиддин Қориёқубов (1896—1957)ларнинг етишиб чиққанлиги фикримизнинг далилидир. Кейинчалик ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг усталари деган номга сазовор бўлган бир қатор созандалар, республикамизнинг мусиқий ҳаётида фаол иштирок этиб, янги давр, янги ижодий ғояларни амалга ошириш учун замин яратдилар. Мусиқий тарихимизнинг анъаналарига асосланган ҳолда 1920—1930-йилларда ўзбек халқ чолғулари ансамбллари таркибидаги ижрочилик ва якканавоз созандачилик санъати, айниқса, Фарғона водийси, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида кенг ривож топди. Халқимиз «уста» номини берган машҳур чолғучилар —Олим Комилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Абдуқодир Исмоилов, Рўзимат Исабоев, Матюсуф Харратов, Тўхтасин Жалилов, Ризқи Ражабий, Юнус Ражабий, Жўрабек Сайдалисв, Абдумутал Абдуллаев, Ориф — гармон Тошматов, Хайрулла Убайдуллаев, Ориф Қосимов, Муҳаммаджон Мирзаев, Аюб Қодиров, Қомилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Саиджон Калонов, Фахриддин Содиқов, Ғанижон Тошматовлар тингловчилар муҳаббатини қозондилар. Уларнинг ибратли ижрочилик фаолиятлари, мусиқий таълим соҳасидаги ўгитлари ҳозирги давр ўзбек халқ чолғуларида ижрочиликнинг ривожига замин бўлди.

Устозларнинг ҳар бири бой миллий мусиқа меросимизни сақлашда, замонавий мусиқа маданиятимизнинг шаклланиши ва равнақ топишида ўзларининг бетакрор ҳиссаларини қўшдилар.

Тарих шоҳидки, мусиқа санъати шаклланишида анъанавий ва янги йўналишдаги ижро услубларининг муносабатлари ҳамиша катта

аҳамият касб этиб келган. Бири биридан ўрганган, бири бирига ўргатган уста санъаткорлар ижро сиру сеҳрларидан бир-бирларини баҳраманд этишган. Йиллар ўтиб халқ чолғуларида ижрочилик санъати замон талабига кўра янги йўналиш бўйича ривожланди. Натижада Ўзбекистан республикасининг мусиқий ижрочилик санъатида янги авлод усталарининг шаклланишига замин яратилди. Буни най чолғуси-бўйича Мирза Тоиров, чангда Фозил Харратов, қашқар рубоби бўйича Рифатилла Қосимов, дутор бўйича Боқижон Раҳимжонов, гижжак бўйича Мурод Тошмуҳамедов, дойра ва урма зарбли чолғулар бўйича Илҳом Икромовлар мисолида кўришимиз мумкин.

Ёшларни касб ҳунарга ўргатиш, дунёвий илмлар билан пухта қуроллантириш билан бир қаторда баодоб ва хушаҳлоқ, камтарин ва ширинсўз, дидли ва фаросатли, маданиятли ва ҳар томонлама баркамол кишилар қилиб тарбиялаш бугунги кунда давлат  аҳамиятига молик масала даражасига кўтарилди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан  ҳам жаҳонни қойил қилишлари лозим”.

Юксак  маънавият ва баркамоллик сари етаклашда тарбиянинг кўплаб омил ва воситалари қаторида мусиқа  ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Мусиқа ўз табиати билан ўзгача бир олам. Мўжизакор  товушлар, мафтункор куйлар, ажиб туйғулар , ғаройиб  хиссий кечинмалар ана шу мусиқага хос. Мусиқа  ва қўшиқ  жўшқин ҳиссиётлар ва ранг-баранг ҳаёт таассуротларининг кучли туғёни билан туғилади. У диллардан - тилларга, тиллардан яна дилларга оромбаҳш ҳарорат бўлиб қўйилади. Сўз ва куйнинг бундай ғаройиб таъсири қалбларда  юксаклик, поклик ва эзгулик ҳисларини уйғотади, ижод ривожига туртки беради,  онгли ва тафаккурини ўсишига кўмаклашади, ўзини чуқурроқ англашга, ҳаётни кенгроқ тушунишга ёрдам

беради. Бу холат ўз навбатида ҳар бир устоз мураббий учун катта тарбиявий ишларини амалга ошириш имконини яратиб беради.

Куй таралса, олам ўзра оҳанглар оқади ва улар сизни ширин ҳисларга ошно этади. Шу ҳисларга ошно этади. Шу вақтга қадар одамзод ақлу заковати ила бир қанча мусиқа асбобларини яратди: дутор, най, чанг, рубоб, танбур, ғижжак, каби асбобларнинг ҳар биридан ўзига хос куй таралади, куйни эса бастакор яратади.

Мусиқа, хақиқатдан ҳам жуда катта таъсир кучига эга бўлган санъат туридир. Ижодкорлар илоҳий бир қонуният асосида товушлар воситаси билан бадиий образлар яратадиларки, инсон ички дунёсини, туғёнларини тугал, мукаммал асарларида мужассам бўлади, унинг кучи инсониятни, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тан олмай иложимиз йўқ.

Кундалик ҳаётимизда мусиқа чарчаганда чарчоқни чиқарадиган, сиқилганда дилларнинг чигимини ёзадиган шерик бўла олади.

Мусиқа инсонни сеҳрлайди, эзгуликка, меҳр шавқатсиз, ширин орзуларга ундайди, ёмон йўлдан қайтаради, ўйлатади, йиғлатади, кулдиради. Мусиқа инсон ҳаётига кўмакдош, ҳамрох. Мусиқани ёруғликка, ёниб турган чироқларига ўхшатиш жоиз.

Мусиқанинг пайдо бўлиши қадим- қадим даврларга бориб тақалади. Инсон онгли, ақлли мавжудот сифатида шаклланиб, ўзаро муносабатлар, муаммолар тиклана борган сари, ҳўзурбахш этувчи усуллар, товушларни кашф эта борган. Энг аввалги аждодларимиз асосан овчилик билан машғул бўлганликлари боис биринчи мусиқа намуналарини ҳам шундай услубда яратилган. Бу ҳақда ўзоқ гапириб, бир- бирига ўзвий боғлиқ ҳодисалардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Тинч-тотув юртнинггина халқи қўшиқ айтади, рақсга тушади. Акс ҳолда ҳеч нарса юракка сиғмайди. Хонанда- ю, гуруҳлар кўпайиб кетаётгани, ҳам яхши, фақат уларни юракни кенг қилиб тинглаш, саралаш зарур. Инсонлар ҳамиша орзу-ҳаваслар билан яшайди, “Бир қўшиқ айтиб саҳнага чиқсам

эди”,- деган орзу билан яшаётган ёшлар жуда кўп. Шу боис, тарихимиздан маълумки, доно ҳалқимиз қадим-қадимдан мусиқа ва қўшиқни нафақат севган, балки уни ўз маданий ҳаётининг муҳим бўлаги деб билган. Оилада фарзандини қўшиқ айтишга ўргатиш ота-оналарнинг орзуси саналган. Ҳар бир хонадонда бирон мусиқа асбоби уйнинг тўрида савлат тўкиб туриши анъанага айланган. Бешикдаги болага алла айтиш, исм қўйилишида бола қулоғига азон айтиш, карнай ва сурнай садолари остида ўғил болани хатна қилиш, қўйингки, муқаддас қуръон оятларини ҳам мунгли қироат билан ўқилиши ҳам бежиз бўлмаган.

Қўлида соз тутган одам ҳеч қачон қабоҳатга бормайди, - дейди доно ҳалқимиз. Энг қадимги нодир манбаларда ҳам, қомусий олимларимиз, донишманд алломаларимиз ёзиб қолдирган ўгитларда ҳам мусиқани буюк кучига баҳо берилган. Мусиқа ўзининг табиати ва ҳиссиёт кучи билан донишмандлик ва фалсафадан юксакроқ дил изҳори деб саналган.

Мусиқа ва маънавият бир-бирига мазмунбахшдир. Бугунги жамиятимизда, аввало ёшлар қалбида юксак маънавиятни қарор топтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Лекин мусиқа бозоридаги талаб, таклиф, мусиқа тарғиботи ва рекламаси аҳволини таҳлил этмасдан туриб, бу масалада кўнгилдагидек натижага эришиш мушкул.

Аввало, талаб ҳусусида. Ёшлар мусиқаси ҳақида гапирар эканмиз, демак, ёшларнинг қандай мусиқа асарларига нисбатан талаби кўпроқлигини билишимиз керак. Ижрочилар кўпинча талаб борлиги учун фалон “асарларни” ижро этишаётганини айтишади. Лекин булар орасида профессионал мусиқачилар томонидан таклиф этилаётган асарлар ниҳоятда камлиги ҳаммамизга маълум. Ахир, мусиқа асарларини бозорида тингловчига нимани таклиф этсак, у шунга мос равишда ўзи учун асар ахтаради ва улардан қайсиларидандир сотиб олиб кетади.

Бу ўринда гап тўғридан - тўғри мусиқа асарлари тарғиботи масаласига ҳам бориб тақалади. Бугунги кунда қайси йўналиш ва мазмундаги мусиқалар тарғиб этилаётгани аён. Савияси хусусида эътироз

билдириладиган айрим "мусиқа асарлари" ни тарғиб этишда хусусий радио ва телеканаллар биринчиликни қўлдан бермай келишмокда. Тўғри, бугун улар эфирга тақдим этаётган репертуарни ҳеч ким қатъий белгилаб бераётгани йўқ. Лекин, барибир, ушбу муассасалар хусусий бўлишига қарамасдан, жамиятимизда маънавиятни қарор топтириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш учун масъул, деб ўйлаймиз.

Баъзида мумтоз ашула ёки ҳалқ мусиқаси услубида яратилган, миллий чолғу асбоблари жўрлигида ижроэтиладиган замонавий куй қўшиқларни ёшлар унчалик севиб тинглашмаётганлигини ҳақида гапириб қоламиз. Лекин улар бу асарларни нима учун тингламаётганликлари хусусида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Тингловчи кўпинча ўзига таниш мусиқани тинглашни хуш кўради. Демак, юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишидаги мусиқа намуналарини ёшлар кўпроқ тинглаши учун имконият яратиш лозим. Яъни, радио ва телевидение бундай асарларни кўпроқ эфирга бериш зарур.

Умуман олганда, юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари тарғиботи бугун талаб даражасида эмас. Бундан ташқари, чолғу асарлари концертларини миқдоридан ҳамда концерт ташқилотлари репертуарларидан ҳам билиш мумкин. Агар бу масалага етарли эътибор қаратилса, тингловчиларнинг, айниқса, ёшларнинг бадиий мусиқий савиясини ўсиши, мусиқий маданияти юксалиши, маънавиятининг ўсиши учун янада кенг имкониятлар яратишига замин хозирлаган бўлар эди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият- енгилмас куч"[1],-асарида ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавияти, олами ва маданий савиясини юксалтиришда мусиқа санъатимизнинг тутган ўрни ҳақида қимматли фикрларни билдирганлар: "Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта мақсадга мусиқа санъатисиз эришиб бўлмайди. Халқимиз ҳаётида мусиқа азалдан беқиёс ўрин тутиб келади. Самарқанд

---

2. Каримов.И.А. "Юксак маънавият - енгилмас куч", - Т., "Маънавият". 2008йил.

яқинидаги Мўминобод қишлоғидаги 3минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат беради.

Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вақили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларини ифода этади. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзиниг “Зафарнома” китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, “Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазал-у, нақш айтур эрдилар ва турку мўғул, хитой-у, араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди”,- деган маълумотларни келтиради.

Мустақиллик йилларида, улуғ боболаримизнинг ана шундай анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга қаратилган дастур ва ривожлантиришга қаратилган дастур ва режалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мумтоз мусиқий меросимизни асраб - авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш мақсадида кўплаб кўрик-танловлар, нуфўзли халқаро мусиқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Барчамизга аёнки, куй - қўшиққа, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халқимзда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира, ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак, муболаға бўлмайди.

Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда.

Бу масалада айниқса ёшлар қалбини ўзига ҳар томонлама жалб этадиган эстрада санъатини аҳамияти беқиёс эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Айтиш мумкинки, ўтган асрнинг бошларида илк намуналари пайдо бўлган ўзбек эстрадаси истиқлол йилларида сифат жиҳатидан янги босқичга

кўтарилди. Бундай натижаларга эришишида миллий ва умумбашарий мусиқа санъати ютуқларини, жаҳон эстрадасининг энг яхши намуналарини ўрганиш бўйича катта имкониятлар очилганини, бу соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор, ёш истеъдодларининг ўзини намоён этиши учун яратилаётган қулай шарт - шароитлар муҳими роль ўйнамоқда...

Биз эстрада санъатини бугунги ва эртанги ривожи ҳақида сўз юртитар эканмиз, авваламбор “миллий эстрада” деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор беришимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, “оммавий маданият” руҳида оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади. Айрим ёш ижрочи ва ижодий гурухларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган “асар”лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан- очиқ ажнабий “оммавий маданият” кўринишларига тақлид қилиш,“юлдузлик” касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта.

Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, аҳлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффўзни атайлаб бўзиб айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, авваломбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлик, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очиқ билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Биз учун аҳлоқий жиҳатдан номаъқул миллий қадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб бораётган мана шундай кўринишларни

бамисоли юқумли касаллик деб қабўл қилишимиз лозим ва айни шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз зарур.

Нега деганда, агар инсоннинг қулоғи енгил - елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора - бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир - оқибатда бундай одам “Шашмақом” сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдонларини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабўл қилиш қийин бўлади.

Бундай ҳолатларнининг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий мухит ташқил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маьнавий олами ва маданий савиясини юксалтириши, ёшларимизнинг миллий ва жахон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада саньатини намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мусиқий таълимни янада ривожлантириш, масалалари ўта мухим ахамият касб этади”.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтирши,ёшларимизнинг миллий ва жахон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг бахраманд бўлиши учун зарур шарт - шароитлар яратиши ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириши, соха педагог ва мутахассисларнинг мехнатини рағбатлантириш мақсадида “Болалар мусиқа ва саънат мактабларининг моддий техник базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши эълон қилинди[2].

---

[2] “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора – тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. - Гулистон. 1998йил.

Фармойишда Республикадаги мавжуд барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларнинг холатини танқидий баҳолаш орқали бугунги кун талабларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш; ушбу мактабларни янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар томонлама асосланган ҳулоса ва таклифлар тайёрлаш; ёш авлоднинг мусиқий истеъдодини ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли ва ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда энг камида биттадан замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатишини кўзда тутиш; янгитдан қуриладиган, тўлиқ реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатишни кўзда тутиш; биноларнинг уч хилдаги намунавий (типовой) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда уларнинг моддий - техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бу борада ҳудудларидаги мавжуд бўш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, тегишли жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мақсадида експертиза хулосаларини тайёрлаш;умумтаълим хамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа фани бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарсликлар ва методик асосида такомиллаштириш; болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш,соха учун ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг мехнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш вазифалари белгиланди. Президентимизнинг мазкур Фармойиши биз - мусиқа ўқитувчилари, ёш илмий ходимлар олдига мусиқа таълимини сифат ва самарадорлигини кўтариш, ўқитиш ва тарбиялашнинг таъсирчан усул ва методларини чуқур ўзлаштириш ва бу ишда педагогик технологияларини пухта ўзлаштириб, ранг-баранг интерфаол услубларни қўллаш санъатини егаллаб боришни тақозо этади.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ёшларнинг ўз ижодий ва интелектуал салохиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз

йигит-қизларини XXI-аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 2010- йил “Баркамол авлод йили” , 2014–йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани муносабати билан “Баркамол авлод йили”, “Соғлом бола йили” Давлат дастурлари тасдиқланиши бугунги кунда ўқитувчи педагогларнинг маъсулиятини яна бир карра оширади. Ушбу дастурлар болалар ва ёшларнинг хуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг хуқуқий базасини такомиллаштиришга, амалдаги қонунчилик хамда меьёрий хужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга дастурал амал бўлиб ҳизмат қилади[3].

“Соғлом она - соғлом бола” дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мухофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантиршни тиббий хизмат моддий техника базасини мустахкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялашни кучайтириш. Таълим жараёнига янги ахборот –коммуникация ва педагог технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларда ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустахкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар мехнатини моддий хамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимини янада ривожлантириш; замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари хамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни хар бир оила хаётига жорий етиш, кенг

---

[3] “Соғлом бола йили” давлат дастури халқ сўзи 20 феврал

ўзлаштириш; ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш сохасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб етиш, янги спорт анжомлари ва жихозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустахкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш. Илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб етиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салохиятини рўёбга чиқариш учун барча шароит яратиш каби вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

## 1.2 Халқ чолғуларида ўқитиш услубиёти

(чанг ижрочилиги мисолида)

Ўзбек халқ чолғуларининг тарихи қадимдан ўрганилиб келинади. IX-XVII асрларда яшаб ўтган Ўрта Осиё олимларининг рисолаларида мусиқий чолғуларнинг тавсифини, машҳур мусиқачилар номларини, машҳур мусиқий асарлар номларини учратиш мумкин. Ўзбек анъанавий мусиқасини йиғиш ва ўрганиш XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб, кенг миқёсда олиб борила бошлади. Бу ишларни асосан ҳарбий капельмейстерлар олиб боришган. Улар оркестрда ишлаш билан бирга, этнографик фаолият билан ҳам шуғулланишган. Биринчи навбатда, булар А.Эйхгорн ва Ф.Лейсеклардир.

Халқ чолғуларини йиғиш ва ўрганиш бўйича олиб борилган ишларда машҳур композитор, этнограф ва педагог В.Успенский чуқур из қолдирган. Унинг фаол иштироки ва ҳаракати натижасида 1919 йили Тошкентда мусиқий-этнографик бўлим очилади ва у бу бўлимга раҳбарлик қилади. Бу бўлим олиб борган ишлардан бири халқ чолғулари коллекциясини йиғиш ва уларнинг ижрочилик имкониятларини ўрганиш бўлди.

Ўзбек мусиқасини ўрганиш тарихида кенг кўламдаги олим, истеъдодли фольклорчи, педагог В.Беляевнинг хизматлари ҳам каттадир. Мусиқа назариясини ўрганишда В.Беляев Шарқ олимларининг мусиқа ҳақидаги рисолаларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтади. Унинг ўзбек халқ чолғулари ривожи тарихи бўлимида олиб борган изланишлари, уларни синфлаштириш ва ўлчаш ишлари катта қизиқиш уйғотади. 1933 йили Москвада В.Беляевнинг «Ўзбекистон мусиқий чолғулари» номли китоби нашр қилинади. Унда 50 дан ортиқ чолғуларнинг тавсифлари берилган.

Халқ чолғуларини қайта таъмирлаш ва такомиллаштириш натижасида товуш ҳосил қилишнинг техник усуллари, янги ижрочилик кўникмалари ишлаб чиқилди. Чолғуда ижронинг эшитиш услубидан нота ёрдамида ижро услубига ўтилиши ўқув репертуари устида кўп ишлашга, халқ чолғуларида ижро мактабларини ташкил қилишга олиб келди. Халқ чолғу ижрочиларига таълим беришнинг услубий ва дидактик асосларини ишлаб чиқиш худди шу йўналишда олиб борилди. Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан бир қатор фундаментал дарсликлар, ўқув қўлланмалар, тўпламлар чоп эттирилди. Халқ чолғуларида ижрочилик мактаблари пайдо бўлди. Шу билан бирга, халқ чолғулари оркестрини ташкил қилиш ва ишлаш бўйича ўқув-қўлланмалар ёзилди. Шундай қилиб, халқ чолғулари йўналиши бўйича мусиқий таълимнинг бошланғич бўғини учун таълим асослари шаклланди. Ҳар қандай талаба бутун ўқув йили мобайнида етарли миқдорда кенг умумтаълим ва касбий билимларга эга бўлиши керак. Чунки, ҳаммамизга маълумки, кўпгина битирувчиларимиз ўз ҳаётларини педагогик фаолият билан боғлайдилар. Бу эса психология, педагогика, услубиёт бўйича яхши тайёргарликни, кенг дунёқарашга эга бўлишни талаб этади. Аммо шу пайтгача педагогика тамойилларига асосланган, таълимнинг ўзига хослигини очиб берувчи, ижрочилик маданияти ютуқларини ифодалаган умумий ва шахсий услублар ишлаб чиқилмаган.

Нашр қилинган кўпгина дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда таълимга тор маънода ёндашилган. Ҳамма тавсиялар чолғуда ижро ҳолатига, товуш ҳосил қилишнинг техник услубларига, ижрочиликни эгаллашга доир бўлиб, ўқув-тарбиявий жараён ва педагогик этика масалалари ҳам бирмунча ёритилган. Лекин таълимнинг тарбиявий аҳамияти, ғоявий-маърифий йўналиши, илмийлиги ва шу каби долзарб масалаларга камроқ эътибор берилган. Олий ўқув юртларида бундай услубиётнинг ишлаб чиқилмаганлиги ижрочилик санъати бўйича таълимнинг сифатига, педагогик тайёргарлигига салбий таъсир этади.

Услубиёт тушунчаси ўқитувчилик нуқтаи назаридан қараганда икки хил маънода ишлатилади:

– услубиёт - ўқув юртларида олиб бораладиган назарий курс, ўқув фани сифатида;

– услубиёт - ўқитувчининг иш услуби ва шакллари сифатида.

Услубиёт ҳақида гапирилганда, таълимнинг асосий объектив ва субъектив омиллари йиғиндисидан келиб чиқиш керак. Услубиёт таълим амалиётининг самарали услубларини ўрганиш асосида ишлаб чиқилади, илмий-назарий изланишлар жараёнида амалиётда асослаш ва умумлаштириш натижасида ҳосил қилинади. Пировардида иккита асосий услубиёт ҳосил бўлади: яъни **умумий услубиёт** ва **махсус услубиёт**. Умумий услубиёт таълим жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятларини ўрганиш билан шуғулланади. Махсус услубиёт эса таълимнинг махсус билим кўникмаларини тезроқ эгаллаш услуби ва шаклларини ишлаб чиқади.

Халқ чолғуларида ижрочилик услубиётини такомиллаштиришни қуйидаги асосий босқичларга бўлиш мумкин:

- замонавий умумий ва мусиқий педагогика, психология ва дидактика масалаларини чуқур ўрганиш;

- махсус услубиётлар натижаларини, дарс бериш тажриба-ларини ўрганиш ва умумлаштириш;

- олдинги мактаблар ҳамда йўналишларни танқидий таҳлил қилиш, бунинг натижасида замонавий таълим ривожи тамойилларини ишлаб чиқиш.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлашимиз керакки, бугунги кунда замонавий талабларга жавоб берувчи ўзбек халқ чолғуларини ўқитиш услубиётини, таълимнинг ҳар бир босқичига (бошланғич, ўрта, олий) алоҳида, ўзига хос равишда ёндашиб, келажакда янги авлод адабиётларини яратган ҳолдагина касбий тайёргарликнинг сифатини таъминлашимиз мумкин. Биринчи навбатда, мусиқий мактаблар, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун замонавий талабларга жавоб берувчи ўқув дастурларини яратиш ва ижрочилик санъати маданиятини юқори савияда тарбиялаш масалаларини ҳал этишимиз лозим бўлади. Умуман олганда, бугунги кунда ўзбек халқ чолғуларига бағишланган бир қанча ўқув-услубий ва услубий адабиётлар нашр этилган. Чунки бу, бир томондан, махсус соҳа бўлиб, унинг асосини чуқур ўрганиш кераклиги бўлса, иккинчи томондан, халқ чолғуларининг ниҳоятда кўплигидир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва Спорт Вазирлиги тизимидаги Олий ўқув юртларида, маданият, санъат ва мусиқа коллежларида, махсус академик лицейларда ҳозирги даврда 16 хил кўринишдаги чолғулар ижроси бўйича тайёргарлик олиб борилади. Бу ўқув ва тарбиявий йўналишда, ҳар бир ихтисослик фанлари бўйича ўқитувчининг вазифаси – бўлажак созанда-ижрочини чолғуда ижрочилик кўникмаларига ўргатибгина қолмай, балки ўзлаштирилаётган асарни ҳам техник, ҳам бадиий жиҳатдан чуқур ҳис қилиш, дунёқарашини шакллантириш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бунинг учун эса, ўқитувчилик фаолиятини тўғри ташкил қилиниши муҳим омил ҳисобланади. Машғулотларда асардаги ҳар бир товушга, ҳар бир техник ижрочилик услубига алоҳида эътибор берилиши асарнинг шаклини, мазмунини, моҳиятини, бадиий хусусиятларини чуқур

ўрганиши, билиши ва пировардида, асарни юқори даражада маҳорат билан ижро этиши - бу ёш созанда-ижрочи дунёқарашларининг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирги вақтда халқ чолғуларида ўқитиш услубиётининг асослари етарли даражада ишлаб чиқилган бўлмаса-да, лекин ўқитувчилар учун амалий фаолиятда асос бўла оладиган ҳар бир чолғунинг тарихи, ижрочилик ҳолатлари, ижро услублари ҳақидаги маълум бир вазифа ва тавсиялар дарсликларда, ўқув қўлланмаларда ҳамда тўпламларда мавжуддир. Аммо шунга қарамай, дарсликларда ҳам, ўқув-услубий адабиётларда ҳам, халқ чолғулари синфида дарс берувчи ўқитувчи-ижрочилар учун шу пайтгача замонавий талабларга кўра касбий ўқитишнинг муаммолари ўз ечимини топмаган.

Ҳар бир чолғу ўз шакли ва конструкциясига эгадир, чолғуларда ижро услублари турличадир, аммо ижрочининг техникасини шакллантириш асосида қўл ва бармоқлар ҳаракати ётади. Бу эса елкага, баданга, оёққа, қўл ва бармоқларнинг ҳаракатига боғлиқдир. Масалан, чанг чолғусида ижро техникасини шакллантиришда бармоқлар тезкорлиги устида ишлашнинг кераги йўқ, доира ижрочилигида эса, аксинча, қўл ҳаракатлари бошқа кўринишда бўлади. Мизробли чолғулар ижрочилигида чап қўл бармоқларининг ҳаракати горизонтал кўринишда, камонли чолғулар ижрочилигида эса вертикал кўринишда олиб борилади. Шунинг учун ижрочилик ҳаракатлари шаклланиш тамойилларини ҳар бир чолғуга нисбатан ўзига хослиги билан алоҳида, батафсилроқ кўриб чиқиш керак.

Халқ чолғуларида ижрочилик бўйича дарс берувчи ўқитувчиларнинг айримлари асосий эътиборни ўқувчининг мусиқий ривожланишига қаратади, лекин унинг ижро ҳаракатлари устида камроқ ишлашади. Ҳаракат эркинлиги фақат ижро техникасини эгаллашгина эмас, балки сифатли товушни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади, бу эса ўз навбатида, кераклн, ўзига хос бўлган ижрочилик услубини яратишга олиб келади. Зеро, халқ чолғуларида ижрочилик йўналиши бўйича нашр қилинган дарсликларда, ўқув-услубий

қўлланмаларда асосан зарур ижро ҳаракатларини шакллантиришга, ижро ҳолатига катта эътибор қаратилган, уларда амалий тавсиялардан ташқари назарий кўрсатмалар ҳам ишлаб чиқилган.

Халқ чолғуларида ижрочилик бўйича дарс берувчи ўқитувчилар бошқа турдаги чолғулар, масалан, скрипка, виолончель, флейта, валторна, балалайка, домбра ва бошқа чолғулар учун ёзилган дарсликлар, қўлланмалардан фойдаланишмоқда. Бу эса, албатта фойдадан ҳоли эмас, чунки созанда-ижрочиларнинг индивидуал сифатларини очиб беришга, техник маҳоратларини оширишга ёрдам беради. Халқ чолғуларида ўқитиш услубиёти ва чолғуларнинг тарихи ҳақидаги мазкур мақола, Ўзбекистонда халқ чолғуларидаги мусиқий ижрочилик илмининг бир бўлаги сифатида хизмат қилади деган умиддаман. Мен муаллиф сифатида чанг ижрочилиги йўналиши бўйича мутахассис бўлганлигим туфайли, алоҳида, чангда ижрочилик услублари ҳақида кўп йиллик ўқитувчилик тажрибамга таянган ҳолда, ўз кузатишларимни шунингдек, мусиқий педагогика масалаларини ёритишга уриндим. Ҳозирги пайтда мусиқий педагогиканинг асосий вазифаси - мусиқий маданиятни оммалаштирувчи, юқори малакали созанда-ижрочиларни тарбиялашдан иборатдир.

Чангда ижрочилик услублари, чанг ижрочилигининг ривожланиши, такомиллаштирилиши унда бадиий асарни ижро этиш техникасини эгаллаш даражаси - олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан назарий билимларини, маҳоратларини оширишнигина эмас, балки ижрочилик услубий муаммоларга ҳам катта эътибор беришни талаб этади. Асосий масала чангда ижрочилик санъати услубларини аста-секин ва мустаҳкам эгаллашга бориб тақалади.

Чанг кўпгина бошқа халқ чолғулари сингари академик концерт чолғусига айланди, янги ижрочилик услублари унинг ифодалилик имкониятларини анча бойитди, ижрочилик маҳоратини оширди, репертуарини кенгайтирди. Чангда яхши товуш чиқиши - чолғунинг

сифатига боғликдир, шунингдек, уни созлашда чолғу симларининг бир хиллигига ва қулоқларининг тенглигига эътиборни қаратиш лозим. Чангда яхши мусиқа ижро этишнинг муҳим шартларидан яна бири, бу чолғу олдида ўтириш ҳолатидир. Чангнинг баландлиги ўтирган ижрочининг қўл тирсагидан ошмаслиги керак. Стулнинг баландлиги ва чанг билан орадаги масофа ижрочининг бўйи ва қўллари узунлигига мос бўлиши керак.

Замонавий чанглар ҳозирда яхши ўрнатилган сўндирувчилар, корпус ичидаги педаль механизми ва олдинги оёқ пастки қисмига ўрнатилган лапкадан тузилган. Педальдан фойдаланиш техникаси товуш чиқаришни яхшилаш, тозалаш, куйни яхшироқ ижро этиш, арпеджио ва иккиталик ноталарни ижро этиш имкониятини беради. Амалиёт шуни кўрсатадики, товуш жарангининг тембри, чўпларнинг торларга урилган зарбларига боғлиқ. Тўлиқ ва қуюқ товуш чиқариш учун чўплар билан харраклар устига ўрнатилган чанг симлари орасидаги масофа камида 3-4 см тепаликдан урилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Урма зарб услуби чангда товуш чиқаришнинг асосий ижрочилик услубидир. Чўплар билан торларга урилганда чуқур, тўла товуш чиқиши керак. Зарб қанчалик эркин бўлса, торнинг жаранги шунчалик ёрқин бўлади.

Торларни ўнг ёки чап қўл билан чертиш қуйидагича белгиланади:

П – ўнг қўл зарби;

V – чап қўл зарби;

ПV – иккала қўлда бараварига зарб;

**Тремоло** - иккита чўп ёрдамида узлуксиз, тез зарбларнинг кетма-кетлигидир. Чангда узлуксиз товушни фақат иккита қўлнинг эркин ҳаракатида тремоло услуби ёрдамида чиқариш мумкин, юқори, сифатли товуш ҳосил қилиш учун эса ижрочи бир текис ва эркин зарбга эришиши

керак. Чангда тремоло услубини иккиталик ноталарда ижро этиш имконияти ҳам бор.

**Легато** - тордан торга сезилмас узлуксиз тремоло ёрдамида эҳтиётлик билан ўтиш услубидир. Легатода бир нафасда бир неча нотани ижро этиш мумкин. Билаклар ҳаракати ниҳоятда эркин бўлиши керак. Легато бир текис узлуксиз товуш жарангини таъминлаб бериш билан бирга, ижро этилаётган асарга ўзига хос бўёқ беради.

**Чўп чертмак** - чўпнинг текис бўлган орқа ясси қисми билан торларни тирнаб чертиш ёрдамида ҳосил қилинади. Бу услубга ўтилганда чўпларни юқорига ўгириб, бош ва кўрсаткич бармоқлар ёрдамида сиқилади. Чертиш худди зарбга ўхшаб ижро этилади.

**Бармоқ чертмоқ** - услубида торларга бармоқлар билан майин чертилади. Бу услуб амалиётга чанг ижрочилигининг такомиллашуви натижасида киритилди. Чангда пиццикато қуйидагича ижро этилади: иккита қўл бармоқлари билан икки ва ундан кўп товушларни чертиш; қўлларнинг бирида биттадан то учтагача товушларни чертиш; бир вақтнинг ўзида битта қўлда чертиб, иккинчи қўлдаги чўпда эса зарб бериш ёки чертиш ҳам мумкин. Бармоқ чертмоқ услуби чанг ижрочилигини ифодавий ва техник жиҳатдан бойитди.

**Пиццикато** - услубида бемалол уч, тўрт, олти товушдан иборат аккордларни ижро этиш мумкин. Пиццикато ижроси ***pp*** дан то ***p*** гача бўлган жаранг динамикасини чегаралайди. Тўрт товушли аккордда катта ва ўрта бармоқлар қатнашади. Олти товушли аккордда катта, ўрта ва кичкина бармоқлар ишлатилади. Очиқ педалда товушлар узоқ вақтгача тинмайди. Гармонияни ўзгартирганда педаль механизмидан фойдаланиш керак. Пиццикато услубини чанг диапазонининг ихтиёрий бўлагида ижро этиш мумкин, лекин уни чангнинг ўрта регистр қисмида қўллаш қулайроқдир.

**Урма-зарб -** услубида бир қўл билан торга берилган зарбни бир зумда иккинчи қўл бармоғи билан товуш оҳанги сўндирилади. Бу услуб ёрдамида товуш жарангининг одатдаги узунлиги камайтирилади, товуш юмшатилиб, кучсизлантирилади. Урма-зарбни, одатда, биринчи пастги группада, яъни **кичик октава сольдан, биринчи октава сольгача** бўлган диапазонда қўллаш тавсия этилади. Ўрта ва юқори регистрларда товуш қўполроқ чиқади, аммо ижрочилик амалиётида ундан ҳам баъзида фойдаланилади.

**Чўп тарак** - услубида чўпнинг иккинчи ясси, яланг қисми билан торларга зарб берилади. Бу эса шовқин эффектини беради. Бу услубни ижро этаётганда билаклар ва чўплар зарбдан кейин бир зумда торлардан қочиши керак. Шундагина жарангли узлуксиз товуш ҳосил бўлади. Бу услуб биринчи марта С.Бобоевнинг халқ чолғулари оркестри билан ижро этган Концертино асарида қўлланилган. Чўп тарак чангнинг ўрта регистрида жуда яхши жаранглайди. Иккиланган ноталар, тремоло, легато, турли арпеджиоларни ҳам ижро этиш мумкин. Товушларни ижро этишда имкон қадар ***p*** ёки ***mp*** да ижро этиш мақсадга мувофиқдир.

**Тебратма** - услубида қўл бармоқлари билан торга зарб берилгандан сўнг иккинчи қўл бармоғи билан аста-секин тебратилади. Бу услубнинг одатда, чўп тарак услуби билан биргаликда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

**Чўп-чизма** - услубида бир тордан бошқасига чўпнинг ясси томони билан керакли товушгача сирғаниб ўтилади. Бунда ноталар узунликларига қараб, тез ёки секин темпларда хроматик йўллар ҳосил бўлади. Глиссандони бир вақтнинг ўзида иккита қўлда чолғунинг бутун диапазонида ижро этиш ҳам мумкин. Ўнг қўл бошлайди, чап қўл давом эттиради ва аксинча.

**Сакратма-зарб** - услубида ўнг ва чап қўлларда чўплар торларга енгил ва тез зарб берилиши натижасида товуш ҳосил қилинади. Зарбдан сўнг аниқ

бўлинган акцентли товуш ҳосил бўлади. У битта тордан ёки бир тордан бошқасига ўтилаётганда ҳам ижро этилиши мумкин.

**Терма зарб** - услубини чангнинг бутун ижро диапазонида қўллаш мумкин. Айниқса гармоник аккордлар чангда яхши жаранглайди. Чангдаги арпеджио ижроси рус халқ чолғуси - жарангдор гуслини эслатади. Бу ижро услубларни амалиётда қўллаш ва ўрганиш ижрочи-чангчиларнинг касбий маҳоратини ўстиришига ёрдам беради.

Умуман олганда, ҳар бир чолғуда ижрочилик санъати сирларини ўрганишда бошланғич даврнинг ўзидаёқ - ўтириш ҳолатларига, ижро кўникмаларига ва чолғунинг ўзига хос услубларини эгаллашга муҳим аҳамият берган ёш созанда-ижрочининг келажаги порлоқдир. Шунингдек, ижрочи мусиқий асарни ўзлаштиришда, унинг бадиий жиҳатларини рўёбга оширишда албатта, мусиқани эшитишга, асарнинг динамикасига, интонациясига алоҳида эътибор беришлиши лозим. Шунинг учун ҳам мусиқа асарини юқори санъат даражасига олиб чиқишдаги ушбу хусусиятлар ҳақидаги фикрларни ёритиш мақсадга мувофиқдир.

**Мусиқий эшитишнинг аҳамияти - м**аълумки, мусиқий эшитишнинг фаоллигини нозик мусиқий эшитув ҳиссиётларисиз, таассуротларисиз на мусиқани ижро этиш мумкин, на уни тўғри қабул қилиш мумкин. Ривожланган мусиқий эшитиш қобилиятига эга бўлган инсонгина мусиқий товушларни қабул қилиши, эслаб қолиши, кўз олдига келтириши ва ижро этиши мумкин. Бу фазилатлар қанчалик ёрқин намоён бўлса, мусиқий эшитиш қобилияти шунчалик ўткир бўлади. Мусиқий эшитиш қобилияти нисбий ва абсолютга бўлинади.

**Нисбий эшитиш қобилияти** ёрдамида берилган товушлар баландлигини аниқлаш учун товушларни эталондагиси билан таққослаш керак.

**Абсолют эшитиш қобилияти** ёрдамида бундай таққослашларсиз товуш баландлигини аниқлаш мумкин. Абсолют эшитиш қобилиятига эга бўлган созанда мусиқани тинглашдан олдин ҳар бир товуш баландлигини аниқлай олади. Аммо созандада бундай қобилият йўқлиги, унинг яхши ижрочи бўлишига тўсқинлик қилмайди.

Амалиёт шуни кўрсатдики, нисбий эшитиш қобилиятига эга бўлган созандалар ҳам жуда катта ижрочилик маҳоратига эришишлари мумкин. Бунинг учун ижрочининг мусиқий эшитиш қобилияти нозик ва эгилувчан бўлиб, доимий ривожланиш ва такомиллашув жараёнида бўлиши керак.

Ижрочилик санъатининг амалиётида қўлланиладиган воситаларидан бири бу - **динамикадир**. Динамика (юнонча – dinamikos - кучли) – мусиқа товушларининг қаттиқ ёки секин ижро қилиниши. Динамикада товушни турлича ижро этиш, яъни бир йўла баланд ёки паст, аста-секин кучайтириш, ёки секинлаштириш, айрим товушларни алоҳида таъкидлаб, урғу бериб эшиттириш ва шулар каби ижро услублари бўлиши мумкин. Динамиканинг асосий турлари ***forte*** (форте, нота ёзувида қисқартирилиб – ***f*** ҳолида ёзилади) - қаттиқ, кучли; ***Piano*** (пиано, нота ёзувида қисқартириб ***p*** ҳолида ёзилади) – секин; ***crescendo*** (крешчендо – товушни аста-секин кучайтириш); ***diminuendo*** (диминуэндо – товушни аста-секин пасайтириш). У товуш жаранги тавсифи бўлиб, товуш жаранги кучининг тўсатдан ёки аста-секин ўзгариши, алоҳида товушларнинг куч билан ажратилиб кўрсатилишида намоён бўлади.

Мусиқада динамика белгисининг аҳамияти жуда каттадир. У мусиқий ижрони бир хилликдан, яъни монотонликдан сақлаб, мусиқани жўшқин ва кўп маъноли бўлишига ёрдам беради. Асосий кўрсаткичлардан бири шуки, созанданинг ижрочилик фаолиятидаги мазмунини, мусиқанинг бадиий ижросини ва қай даражада ёритиб берганлиги билан белгиланади. Созанда композиторнинг нота ғояларини, ўйларини тингловчига етказиб бериш билан бир қаторда, ижрочининг шахсиятини, унинг мусиқий иқтидорини,

ҳиссиётини, эҳтиросини, фикрлашини, характерининг ўзига хослигини ҳам акс эттира билиши керак. Шундагина ижрода юксак бадиийликка эришилади.

**Интонация** (лотинча intono) – кенг маънода: бадиий образни мусиқа товушлари билан тўғри ва тоза ифода этиш. Тор маънода:

- Мусиқа товушлари ҳаракатида юқориги товушлар муносабати.

- Мусиқадаги баланд-паст товушларнинг тўғри ва аниқ ижро этилиши.

Айниқса ашула айтганда ёки пардасиз чолғулар ижросида товушларни «соф» (аниқ) ёки «нософ» (ноаниқ) эшитилиши интона-цияда товуш баландлигининг тўғри ёки нотўғри ижро этилишини билдиради.

Ижро жараёнида созанданинг тоза интонациялашиши, яъни баландлиги, жаранги ва тембри бўйича максимал даражада аниқ товушларни ола билиши, унинг касбий тайёргарлиги етарли даражада эканлигидан далолат беради. Ижрочи товушларнинг баландлиги муносабатларини аниқ топа олиши жуда қадрлидир. Амалиётдан маълумки, ижрочи қанча яхши фазилатларга эга бўлмасин, чолғуда у куйни фальш (нотўғри) ижро этса, бу бадиий таассуротни бузади. Интонациянинг софлиги, ижрочининг сезгирлигидир - дейди машҳур испан виолончелисти П. Казалс. Бу ҳиссиётни, тозаликни назарга илмаслик мумкин эмас. Акс ҳолда, ижрочи ўз қадр-қимматини пасайтиради, агарда у яхши мусиқачи ҳисобланса ҳам.

Интонациянинг софлиги мусиқачи иқтидорининг сўзсиз далолати бўлиб, у ўзида муҳим ижрочилик воситаси вазифаларини акс эттиради, чунки аниқ, соф ва ёрқин интонация ёрдамида ижрочи мусиқий товушлар бадиий образини очиб беради. Мусиқий интонация бу мураккаб жараён, шунинг учун ҳам ҳар хил чолғуларда турлича бўлади. Бу чолғуларнинг конструктив хусусиятларига боғлиқдир. Бу борада клавишли ва торли чолғуларни қарама-қарши қўйиб солиштириш мумкин. Торли чолғуларда ижрочи хоҳлаганича оҳанг (интонация) ни ўзгартириши мумкин, клавишли чолғуларда эса ижрочи мусиқий темперация қоидалари билан мустаҳкам боғлангандир.

Хуллас, чолғуларнинг бу хусусиятлари уларни интонацион принцип ёрдамида классификациялашга асос бўлади. Бу классификацияга кўра, торли чолғулар - ихтиёрий интонацияли, клавишли чолғулар - маҳкамланган интонацияли, дамли чолғулар ярим ихтиёрий ёки ярим мустаҳкамланган интонацияли чолғулардир.

Ҳозирги куннинг мусиқий педагогикаси - жаҳон мусиқий педагогика илми ривожининг янги давридир. Унинг асосини янги, бугунги кун ўқув тизимининг талабига жавоб берадиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ташкил қилади. У эса, ўз навбатида, илмий-ижодий услубга асосланади, янги тажрибаларни умумлаштиради, фан ва маданият соҳасининг эришган ютуқлардан фойдаланади. Кенг дунёқарашга эга бўлган ўқимишли, ҳар тарафлама камол топган инсонни тайёрлаш - унинг асосий мақсадидир. Айнан ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган ёшларни тарбиялашда ўқитувчининг роли ва таъсири анча масъулиятлидир.

Мусиқий педагогика - энг инсоний, олийжаноб, шу билан бирга, мураккаб инсоний фаолиятдир. Ўқитувчилик - бу ижодий касбдир. Ўқитувчи билан талаба орасидаги мулоқот, бу инсонлар орасидаги мулоқотнинг энг гўзал шаклидир. Бу ҳақда машҳур пианиночи Г.Нейгауз: «Агар мен ўз ўқувчиларимга у бу нарса берган бўлсам, улар ўз навбатида менга кам нарса бермадилар. Бунинг учун мен улардан ниҳоятда миннатдорман. Чунки санъатни билиш ва ўрганишдаги умумий интилишларимиз дўстлигимизга асос солди, бир-биримизга яқинликка, ҳурматга ўргатди ва бу ҳиссиётлар дунёдаги ҳис қилиш мумкин бўлган нарсаларнинг энг олийжанобидир», - деган эди.

Мусиқий педагогика билан шу касбга иқтидори бўлган инсонлар шуғулланиши керак. Бундан ташқари, ўқитувчилик касби инсондан юқори этик фазилатларни талаб қилади. Бу жиҳатдан ўқитувчилик касбини тиббиётчилик касби билан солиштирса бўлади. Ўқитувчи талабага нисбатан

ҳар доим тўғри сўз бўлиши керак. Ўқитувчилик касби - узлуксиз ижодий жараёндир. Бу касбнинг мураккаблиги яна шундаки, натижа анча кейин кўринади. Ўқитувчилик касби чуқур ва кенг кўламли билимларни билишни талаб қилади. Шунинг учун ҳамиша ёшларни тарбиялаш энг ақлли, билимдон инсонларга топширилган.

Яхши ўқитувчи, биринчи навбатда, ўз чолғусида мукаммал ижро эта билиши керак. Аммо шу билан бирга, шуни эътироф этиш керакки, яхши чолғучи бу ҳали яхши ўқитувчи, дегани эмас ва ўрта миёна чолғучи эса ёмон ўқитувчи экан, дегани ҳам эмас. Ушбу ҳолат ўқитувчилик тажрибасида кўп учраган табиий ҳолдир.

Истеъдодли ўқитувчи томонидан бошқарилаётган синф бу ижодий лаборатория, ижодий устахонадир. Талабаларга билим бериш билан бирга, ўқитувчининг ўзи ҳам ўрганади, изланади. Бунинг натижасида у қуруқ ижрочилик билан шуғулланувчи мусиқачига нисбатан кенг кўламли билимларга эга бўлади. Аммо айни бир пайтда, ижрочиликнинг аҳамиятини ҳам камайтириш ярамайди. Ижрочилик билан шуғулланувчи ўқитувчи тинимсиз ўсади, ижрочиликнинг бадиий ва техник маҳоратларини камолга етказиш учун янги йўлларни излайди. Бу эса унинг ўқитувчилик фаолиятига яхши таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, ўқитувчи педагогик, яъни дидактик фазилатларга эга бўлиши ва ўз билимларини талабаларга ўргата билиши керак. У кенг кўламдаги педагогик билимларини ва ўқитишнинг замонавий услубларини эгаллаши керак. Ўқитувчи яхши мусиқачи бўлиш билан бир қаторда, кенг дунёқарашга эга бўлган шахс бўлиши, адабиёт, рассомчилик ва санъатнинг бошқа турлари ҳақида маълумотга эга бўлиши керак. У тўғрилик ва ҳозиржавоблик, ҳаққонийлик ва принципиаллик, кучли ирода ва ташкилотчилик фазилатлари билан ҳам ўз ўқувчиларига намуна бўлмоғи лозим.

Бу фазилатлар билан бир қаторда, ўқитувчи талабанинг индивидуаллигини кўра билиши ва уни ривожлантира олиш қобилиятига алоҳида эътибор бериши зарур. Амалиёт шуни кўрсатадики, битта синфда ҳар томонлама бир хил иккита талаба бўлмайди. Талабаларнинг ҳар бирига якка тарзда ёндошиб, уларнинг истеъдодини ривожлантириш керак. Бири учун маъқул бўлган услуб, иккинчиси учун қийинроқ бўлиши мумкин, чунки уларнинг анатомо-физиологик ҳамда психик хусусиятлари, мусиқий қобилиятлари ҳар хилдир. Шундан келиб чиқиб, ижрочилик аппаратини шакллантиришга ягона услубни ишлаб чиқиш мумкин эмас.

Талабаларнинг психик ва нерв фаолиятларининг ишлаши турличадир. Катта тажрибага эга бўлган ўқитувчилар ўз талабаларини ниҳоятда яхши ўрганиб, уларнинг ҳар бирига мос ёндашишга ҳаракат қиладилар. Талабага якка тарзда ёндашишнинг ташқи шакли бу талабада ижодий индивидуалликни тарбиялашдир. Бир синфда ўқиётган талабаларнинг бир-бирларидан фарқ қилишлари бу аниқ. Буни ўқитувчи аввалдан пайқаши, тўғри ривожлантириши ва индивидуалликнинг намоён бўлишига кўмаклашиши керак.

Маълумки, мусиқий ижрочилик дарслари якка тарзда ўқитиш тизими бўйича олиб борилади. Ўқитувчи ҳар бир талаба билан дарс давомида мулоқотда бўлиб, унинг ривожланишини тизимли кузатиш, таълим натижаларини билиш, бу жараённи бошқариш имконига эгадир. Мусиқий ижрочилик дарсларини ўтказишнинг турли шакллари мавжуд. Улар орасида энг кўп тарқалган шакллардан бири уч қисмдан иборат бўлган умумлашган шаклидир, яъни:

- талабанинг мустақил ишини текшириш;

- мустақил иш камчиликларини кўрсатиш, тузатиш ва талабага янги билимларни ўргатиш;

- навбатдаги топшириқни аниқлаштириш.

Баъзи бир ўқитувчилар дарснинг биринчи қисмига етарлича аҳамият бермайдилар. Бу нотўғри, чунки бу қисм уй вазифаси ва синф ишини бир-бири билан боғлаб, бир бутун жараённи ҳосил қилади. Текширув талабанинг мустақил фаолиятини бошқариш, ижрочилик маҳоратини фаоллаштириш имконини беради. Доимий текширув, фаолиятни баҳолаш, талабани тизимли ишлашга ундайди, унинг характерида касбий фазилатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Текширув асосида тартиблаштирувчи текширув ғояси ётади. Шу билан бирга, моҳирлик билан ўтказилган текширув талабанинг ўзлаштирган билимларини, ижрочилик кўникмаларини мустаҳкамроқ эгаллашга ёрдам беради. Текширув камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга имкон беради. Текширувни диққат ва тантанаворлик руҳида ўтказиш керак. Ижрони бўлиб, талабани тўхтатиш йўли билан, унга халақит бериш мумкин эмас. Ўқитувчи талабани диққат билан тинглаб, ҳамма нарсани эслаб қолишга ҳаракат қилиши лозим. Бу талабага охиригача ўз фикрини мустақил ифодалаш ва жавобгарлик ҳиссини кўтариш имконини беради.

Дарснинг иккинчи қисми давомийлиги ва аҳамияти бўйича марказий қисм ҳисобланади. Ўқитувчи талаба ижросини тўлиқ таҳлил қилади, камчиликларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш йўлларини излайди. Талабанинг эътиборини аввал энг муҳим, бош муаммога қаратиши керак. Кейинги дарслар давомида иккинчи даражали камчиликлар бартараф этилиши керак. Камчиликлар билан бир қаторда, талаба эришган ютуқлар ҳам кўрсатилиши керак, албатта.

Бу қисмда таҳлил ва мустақил ишни баҳолаш билан бирга, ўқитувчи талабага янги билимларни ўргатади, янги ижро кўникмаларини шакллантиради, эскиларини такомиллаштириб, мустаҳкамлайди. Дарс талабага маълум ахборотларни берибгина қолмай, балки унинг олдига маълум бир вазифларни ҳам қўяди. Талаба олган билимларини солиштириши, таҳлил қилиши, умумлаштириши керак. Бунинг натижасида талаба ўз тушунчаларини ҳосил қилишга эга бўлиши керак.

Усталик билан ўтказилган дарс ниҳоятда яхши якунланиши керак. Дарснинг учинчи қисми олдинги машқларга якун ясашга ва янги машқларни аниқлашга бағишланади. Бу машқлар талабанинг кучига мос бўлиши ва секин-аста мураккаблашиши тартибида бўлиши керак. Айрим вазиятда уй вазифасининг баъзи элементларини бироз машқ қилиш ҳам мумкин. Аммо у услуб ўқитувчини бир қолипга солиб қўймаслиги, дарсларининг бир-бирига ўхшамаслиги, ижодий ривожлантириб туриши керак.

Баъзи бир ўқитувчилар ўз дарсларини техник ва бадиий дарсларга ажратадилар. Биринчиси, материални ўрганишга бағишланса, иккинчиси, жўрнавоз ёрдамида бадиий асарлар устида ишлашга бағишланади. Бунинг натижасида ўқитувчи ва талаба диққатини интонация, ритм, товуш маданияти, штрихлар каби турли хил ижрочилик муаммолари жалб қилади. Кўпгина ўқитувчилар таълимнинг «монодарс» шаклидан ҳам фойдаланадилар. Бундай дарслар маълум бир вазифани ҳал қилишга бағишланган бўлади. Бундай дарсга имтиҳон олдидан ўтказиладиган назорат дарсини мисол қилиш мумкин. Дарснинг мазмуни ва шакли талабанинг индивидуаллигига, унинг ёшига, имтиҳоннинг яқин-узоқлигига қараб ўзгариши мумкин. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, болалар мусиқа мактаблари, академик лицей ва мусиқа коллежлари ёки консерваторияда дарсни ўтказиш услублари бир-биридан кескин фарқ қилади. Дарсни ташкил қилиш ва ўтказиш услублари ҳар бир ўқитувчи учун индивидуалдир. Бу жараёнда мусиқий педагогиканинг камолотга чексиз интилиши ўз аксини топади. Дарс вақти чегаралангандир. Уни тежамли ва самарали ўтказиш учун ўқитувчи олдиндан тайёргарлик кўриши, яъни олдиндан ўқув дастурларини, бадиий ва мусиқий материалларни, ўқув адабиётларни ўрганиши керак. Якка иш режаларини тузиши шарт. Улар ҳар ярим йилга тузилиб, талаба шу ярим йил ичида бажариши шарт бўлган барча ишларни қамраб олиши лозим. Масалан:

- ўқув дастури талабларига жавоб бериш;

- талабанинг индивидуал томонларини ҳисобга олиш;

- мураккабликнинг изчил ўсиб боришини таъминлаш;

- ўрганилаётган мусиқий асарларнинг бадиийлигини, шаклини ва хусусиятларини ҳисобга олиш;

- ижрочилик маҳоратининг ҳамма услубларини қамраб олиб, гармоник тарзда ривожланишини таъминлаш;

- талабанинг хоҳиш ва қизиқишларини ҳисобга олиши ва шу каби талабларга тайёргарлик кўриш.

Режа туза туриб, ўқитувчи ўқув жараёнининг умумий занжирида талабанинг тутган ўрнини аниқ кўз олдига келтириши, унинг мақсади ва бошқа дарслар билан ўзаро алоқасини аниқлаши шарт. Дарснинг мазмунини, уни ташкил қилиш шаклини ва ўтказиш услубини аниқлаши керак. Талабага бериладиган мусиқий асарни ўзи ўрганиши, тегишли бўлган ҳамма маълумотлар билан танишиб чиқиши керак. Шу вақтнинг ўзида талабага бериладиган уй вазифаларини олдиндан режалаштириши керак. Ўқитувчининг бадиий иш фаолияти изланувчанликни талаб қилади. Иқтидорли ўқитувчи ўргатибгина қолмай, балки дарс жараёнида ўзи ҳам ўрганиб боради. Ана шу жараёнда ўқитувчининг индивидуал иш услуби, унинг маҳорати шаклланади.

Дарс жараёни ўқитувчи таълимнинг турли услубларидан фойдаланади: оғзаки тушунтириш, асарни ижро этиш, куйлаш, дирижёрлик қилиш ва ҳоказо. Бу услублар ичида дирижёрлик - айниқса самаралидир. Дирижёрлик ўзининг эмоционаллиги, талабаларни қизиқтира олиши билан ўқитувчилар эътиборини ўзига тортади. Бу услубнинг ютуқли томони шундаки, унинг ёрдамида талабага ижро вақтида уни бўлмасдан, тўхтатмасдан таъсир қилиш мумкин. Баъзи бир ўқитувчилар дирижёрликни куйлаш билан биргаликда олиб боришади, бу услуб эса янада фойдалидир.

Яна катта таъсирга эга бўлган услублардан бири, ўқитувчининг ижросидир. Аммо бу усул қўлланилаётган вақтда талабанинг ўқитувчи ижросидан нусха кўчиришига йўл қўйиш керак эмас. Бу услуб талабанинг ижрони тушунишига, билишига кетадиган вақтини қисқартиради, холос. Аммо энг кенг тарқалган, соддагина таъсир кучига эга бўлган услуб - бу оғзаки, сўз билан тушунтиришдир. Бу услубни эгаллаган ўқитувчи талабага энг қийин, мураккаб ғоя ва тушунчаларни ўргатишга эришади. Сўз ёрдамида ўқитувчи бадиий асарнинг мазмунини, мусиқий ижрочилик санъатининг қонуниятларини, ижрочилик аппаратининг қўйилишини, техник ижро услубларини, талабанинг камчиликларини очиб бериши мумкин. Сўз ёрдамида катта ютуқларга эришиш мумкин, албатта, уни билиб, меъёрида ишлатилса, лекин шу билан бирга, бу тушунтиришлар ёрдамчи характерга эга бўлиши керак. Шунингдек, ижрочининг эмоционаллигига ҳам эътибор бериш керак. Таълим жараёнида фақат техник воситаларга эмас, балки эмоционал кайфиятга ҳам эътибор берилса, катта ютуқларга эришиш мумкин. Чунки ўқитувчи ўз синфида ҳосил қилган эмоционал муҳит ёрдамида талабани қизиқтириши, ўз касбини севишга ўргатиши мумкин. Ўқитувчи бор кучини синфда ижодий муҳитни ҳосил қилишга ҳаракат қилиши керак. Асарни ўзлаштиришнинг бошланғич давридаёқ жўрнавоз билан ишлаши тизимли давом этиши керак, чунки бунинг натижасида талаба мусиқий ансамбль қонуниятларини ўрганади.

Катта ихлос, завқ берувчи куч - бу концерт саҳнасидир. Талабалар фақатгина академик концертлар ва имтиҳонларда эмас, балки ҳар хил турдаги концертлар, танловларда иштирок этишлари лозим. Ўз касбига қизиқиш, муҳаббат уйғотиш учун ўқитувчи машҳур мусиқачилар, уларнинг санъати ва ҳаёти ҳақида гапириб бериши лозим. Якка дарслар билан бир қаторда, синфий дарслар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундай вазиятда талаба курсдошларининг ижросини тинглаши, ўқитувчи маслаҳатларини эслаб қолиши, биргаликда ижро этилаётган асар устида ишлаши, фикрлаши, мулоҳаза юритиши мумкин.

Фикримизнинг якунида дарс олиб бориш этикасига ҳам тўхталсак. Дарслар ҳар доим мунтазам олиб борилиши, ўқитувчи ва жўрнавоз дарсга кеч қолмаслиги, шу билан бирга, талабага ҳам кеч қолишга рухсат бермаслиги шарт. Талабаларга бақириш, уларни ҳақоратлаш, камситиш асло мумкин эмас. Ҳамма талабаларга бир хилда муносабатда бўлиш керак. Ўқитувчи ва талаба орасидаги муносабатларнинг этик асосини ўқитувчи ва ёзувчи А.Макаренко қўйидагича ифодалаганди: «Инсонга иложи борича кўпроқ талаб ва иложи борича кўпроқ ҳурмат...». Шунинг учун ҳам ўқитувчи талабага нисбатан юқорида келтирилган талабларга амал қилса, келажакда ижобий натижаларга эришади ҳамда келажакда катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлади.

## 2-боб. Чангчи созанда - Анвар Лутфуллаевнинг ҳаёти ва ижоди.

### 2.1. Анвар Лутфуллаев - созанда, педагог ва ташкилотчи

Чанг чолғусини ва унинг ижросида тараладиган тароналарни халқимиз севиб тинглайди. Создан чиқаётган оҳангларга мусиқий шинавандалар меҳр билан қулоқ тутадилар.

Унинг тўла ва тиниқ садоси, ёқимли навоси, товушларнинг жарангдорлиги, қолаверса баъзи ривоятларга қараганда, бемор кишиларни даволаш қудратига эга бўлганлиги учун ҳам ундаги оҳанг таратиш санъати халқимиз томонидан авайлаб эъзозланади.

Ўзбек халқ чолғуларидан чанг ижрочилиги алоҳида эътиборга молик бир мактабни ташкил этади. Ушбу мактаб фаолияти — чанг чолғусининг моҳир ижрочиси, заҳматкаш ва фидоий санъаткор Аҳмад Одилов номи билан боғлиқдир.

Биз магистрлик диссертациямизда ҳозирги кун ўзбек мусиқа сан'атининг усталаридан бири Ўзбекистон давлат

консерваториясининг профессори, чанг чолғу созининг дарғаси, элларни элларга, дилларни дилларга боғлаган созанда, Анвар Лутфуллаевнинг серқирра фаолиятини ёритишга баҳоли қудрат ҳаракат қилдик.

Халқ чолғуларида ижрочилик санъати мустақил Ўзбекистон мусиқа маданиятида устивор йўналиш сифатида белгиланганлиги бежис эмас. Тарихдан маълумки, бу ноёб қатлам кўп асрлик миллий мусиқа анъаналарига таянгани, узлуксиз равишда сайқал топаётгани, босқичма-босқич ривожланаётганининг гувоҳимиз. Ўзига ҳослиги билан ажралиб турган бу бетакрор санъат нафақат республикамизда, балки хорижий мутахассислар ҳамда мусиқа шинавандаларининг эътиборини ўзига тортганини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Ўзбекистонлик иқтидорли ёш мусиқачиларнинг харқаро ва республика танловларида кўзга кўринган муваффақиятларга эришиши – Ўзбекистон давлат консерваториясининг педагогик мактаби чуқур илдиз отганлиги ва мустаҳкам шаклланганлигидан далолат беради. Консерватория педагоглари ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга маъсулият билан ёндошиб, ўз касбий бурчларини сидқидилдан бажариб, билимларини аямасдан комил инсонларни тарбиялаш мақсадига йўналтирмоқдалар. Бу аснода мисол тариқасида “Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси собиқ мудири Анвар Қудратович Лутфуллаевнинг фаолиятини келтиришимиз мумкин.

Анвар Лутфуллаев – бугунги кунда миллий чолғуларда ижрочилик санъатининг атоқли намоёндасидир. Таниқли чанг ижрочиси касбий мактабини Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган санъат арбоби Аҳмад Одилов синфида ўтаган ва айни пайтда ўз устозининг ишларини самарали давом эттирмоқда. Қолаверса, XX аср оҳири - XXI асрнинг бошларида чанг чолғу ижрочилиги санъатининг сайқал топишида Анвар Лутфуллаевнинг ҳизматлари беқиёсдир.

Анвар Лутфуллаев саъй ҳаракатлари натижасида Ўзбекистонда турли шаклдаги танловлар, фестиваллар, “Узтоз сабоқлари” – маҳорат дарслари ташкил этилган ва бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Унинг эришган ютуқлари нуфузли мукофотлар ва илмий-услубий ишларида ўз аксини топган. Хусусан, у 2006 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши билан “Ўзбекистон мустақиллигига 15 йил” эсталик нишони, 2007 йилда Халқаро танлов ва фестивалларда эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан таъсис этилган “Тасанно” Сертификати билан тақдирланган.

Анвар Лутфуллаев – Ўзбекистондаги “Дўстлик” халқаро ҳамжамияти доирасида Швейцария, Бельгия ва Миср маданий марказлари билан алоқа ўрнатиш ҳамда республика миқёсида ўтказилаётган давлат байрамлари (Мустақиллик, Наврўз) ташкилий қўмитаси аъзоси сифатида ҳам нафақат республикамизда, балки халқаро миқёсда ҳам обру эътиборга эга. Анвар Лутфуллаев – Россия Шарқий-Сибир мусиқа ва маданият Академиясининг, ҳамда Тожикистон миллий консерваториясининг фахрий профессори (2010) илмий унвонига сазовор бўлган. Шунингдек у “Байкал кубоги” номли (2003, 2007, 2010,2013) халқаро танловларда ҳакамлар ҳайъати раисининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган.

Серқирра ижодкор Анвар Лутфуллаевнинг илмий-услубий ишлари ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Унинг қаламига мансуб бўлган барча китоблар, илмий мақолалар ва илмий-услубий ишлар малакали кадрларни тарбиялаш масалаларига бағишланган. Олий таълим муассасалари учун мўлжалланган “Ўзбек халқ мусиқа чолғулари” номли ўқув-услубий қўлланмаси Ўзбекистон республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Т.Е.Соломонова ҳаммуаллифлигида яратилган бўлиб, мазкур соҳага оид катта маълумот базасини ўз ичига қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Юқорида

қайд этилган ўқув қўлланманинг янгилиги шундан иборатки, улар танлаган мавзу бўйича касбий билим ва тажрибаларини тўплаб, ўзбек халқ чолғулари мавзусини мусиқа соҳасида илмий нуқтаи назардан талқин этишга пойдевор ясаганлар.

Бундай ёндашув ҳозирги замон услубиёти жиҳатдан, аниқроғи, турли халқ чолғуларида ижрочилик санъатини ўрганиш кесимида ўта долзарб бўлганлиги сир эмас. Чунончи, у мусиқа ижрочилиги қатламида педагогика, яъни ўқитиш, чолғуларда ижрони ўзлаштириш муаммоларига алоҳида аҳамият қаратмоқда. Дарвоқе, айнан шундай ёндашув Анвар Лутфуллаевнинг бошқа бир қатор нашрларида ҳам ўз аксини топган. “Аҳмад Одилов”, “Рустам Неъматов” монографиялари, “Чанг дарслиги” шулар жумласидандир. Диққатга сазовор жойи шундаки, юқоридаги асарларда Анвар Лутфуллаевнинг ўзбек миллий чолғучилик маданиятининг табиати ҳусусидаги мустақил жиддий кузатувлари янги фикрлар билан бойитилади ва ўйларга чорлайди.

Янги авлод ўқув адабиётларини яратиш – давр тақазосига айланганлигини идрок этиб, Анвар Лутфуллаев олий таълим тизимидаги санъат ва маданият тармоқлари учун “Ўзбек халқ мусиқа чолғуларида ижрочилик” қўлланмасини яратади ва уни 2010 йилда нашрдан чиқаради. Бу китоб илгари ёзилган ўқув адабиётларга нисбатан янги сифатни белгилайди деган хулоса чиқарсак, муболаға бўлмайди. Ўз устози Аҳмад Одиловнинг “Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи” китобига таянган ҳолда у ўзгача услубий талқинни тавсия этади, хусусан, тарихий босқичларни ўзгартиради, ижрочилик соҳасидаги моҳир созандалар ва ўқитувчилар фаолиятига эътибор қаратади. Қувонарли томони яна шундаки, муаллиф мусиқа чолғуларини яратиш масалаларига, ҳамда машҳур мусиқа усталари ҳақида маълумотларни келтиришга қўл урган ва буни талаб даражасида уддалаган.

Йиллар давомида тўпланган бой тажрибаси билан Анвар Лутфуллаев республика ва халқаро конференциялар, услубий семенарлар ҳамда “Устоз сабоқлари”да ўртоқлашади. Унинг чиқишлари мутаҳассислар томонидан юқори баҳоланган. Мисол тариқасида Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият ва санъат  институти ташаббуси билан  ташкил этилган илмий-амалий конференцияда ўқилган маърузани келтиришимиз мумкин. Ўзбек халқ чолғуларида ўқитиш жараёнининг долзарб муаммоларига  бағишланган мазкур тадбирда Анвар Лутфуллаев томонидан берилган тавсиялар ва кузатувлар анжуман аъзолари диққатини ўзига жалб этди, мутахассисларда  чуқур қизиқиш уйғотди ҳамда музокараларга асос солди.

Унинг диққатга сазавор бўлган фикрларидан бири: “Замонавий педагогик технология – тарихан шаклланган анъанавий тажриба ҳамда энг замонавий услубларни  ўзида мужассам этиши лозим. Фақат бу қоришма йўлида интеллектуал ва юқори малакали мутахассисларни тарбиялаш мумкин. Бу шароитда жаҳон бозор иқтисодиётига бардош бера оладиган кардлар етишиб чиқиши муқаррар”[4]. Анвар Лутфуллаевнинг ижодий ва илмий-услубий тажрибаси ўқувчилар, малака ошириш курсларининг тингловчилари, республика санъат ва маданият коллежи ўқитувчилари ҳамда кафедрадаги ёш ҳамкасабалари томонидан ўз давомини топмоқда.

Анвар Лутфуллаев ўз соҳаси йўналишида етакчи олим, билимдон услубчи, тажрибали педагог ва ташкилотчи сифатида ҳурмат қозониб келмоқда. Унинг серқирра ижоди, илмий ва педагогик фаолияти ёш ўқитувчилар, ўсиб келаётган авлод учун тажриба мактабини ўтайди деган умиддамиз. Қолаверса, ушбу мўъжазгина ишимизда “халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасининг профессори Анвар Лутфуллаевнинг ҳаёти ва ижодини ёритишни ўз олдимизга мақсад

---

[4] Муаллифнинг А.Лутфуллаев билан бўлган суҳбатидан ёзиб олинган.2014 й 20 февраль.

қилиб қўйдик. Ўйлаймизки, ушбу маълумотлар келгуси илмий ишларни ёзиш учун хизмат қилади.

## 2.2. Болалик ва талабалик йиллари

1957 йилнинг 24 август куни Тошкент шаҳрининг «Комолон» маҳалласида истиқомат қилувчи Лутфуллаевлар оиласида яна бир ўғил фарзанд дунёга келади. Ота-онаси яхши ният ила унга Анвар деб исм қўяди. У кун сайин зийрак ва соғлом бўлиб ўса бошлайди. Отаси —

Анвар Лутфуллаев Тошкент шаҳрининг «Комолон» маҳалласида, 1957 йил 24 август куни зиёлилар оиласида таваллуд топади. Отаси — Лутфуллаев Қудрат Тошкент вилояти адлия вазирлиги тизимига қарашли даргоҳларда хизмат фаолиятини олиб борган. Онаси — Ғуломова Карима, олдинига ўқитувчилик, уй бекаси ва кейинчалик эса тақдир тақозосига кўра ошхонада ошпазлик касби билан шуғулланган. Қудрат аканинг саккиз нафар фарзанди бўлиб, улардан икки нафар қизлари ёшлик чоғиданоқ нобуд бўлганлиги туфайли оилада беш ўғил ва бир қизни тарбиялаб, вояга етказганликлари, мўътабар ва дуогўй, маслаҳатгўй ва меҳрибон бўлганликларини болалари фахр билан эслашади.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандини асраб-авайлаб, меҳр-муҳаббат билан парвариш қилишни, касбу ҳунарли, илму маърифатли, меҳнатсевар, одамларга ғамхўр қилиб ўстиришни орзу қилади. Лекин, 1964 йили 6-ёшли Анвар бошқа фарзандлар билан биргаликда отадан эрта ажралиб қолиб, бир онананг қарамоғида қолади. Шунинг учун ҳам ёлғиз Карима аянинг ўзлари фарзандларини яхши инсон бўлиб етишиши учун бор имкониятларини сарфлаб, яхши орзу-умидлар билан тарбиялайдилар. Оилада ҳамжиҳатлик ва тотувлик

бўлганлиги сабабли фарзандлар ҳам илмга чанқоқ, ҳунарга иштиёқманд бўлиб ўсадилар.

Анвар 7 ёшга тўлгач, ҳамма тенгқурлари каби, Карима ая уни Тошкент шаҳар, Чилонзор туманида жойлашган 173-сонли умумтаълим мактабига ўқишга олиб боради. Бошланғич синфларда ўқиб юрган кезларидаёқ, радио тўлқинлари орқали жаранг сочаётган мумтоз халқ куй ва қўшиқларини қунт билан тингларди. Шу тариқа Анварнинг мусиқа санъатига, айниқса халқ чолғуларидаги ижрочилик санъатига бўлган қизиқиши ортиб боради.

Кунларнинг бирида мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Собир ака мусиқага иқтидори бор ўқувчиларни тўплаб, уларга халқ чолғуларида ижро этиш сирларини ўргатиш учун ҳаваскорлик ансамблини тузади. Ушбу ансамбль таркибида ёш Анвар ҳам бор эди. Болаларча қизиқиш ва иштиёқ билан рубоб, дутор, дойра ва бошқа чолғуларда кичик-кичик куйларни ижро этиш ўқувчиларга, шу билан бирга ёш Анварга ҳам, ўзгача завқ бағишлар эди.

Бошланғич таълимни, яъни тўртинчи синфни аъло ва яхши баҳоларга тамомлагандан сўнг, мусиқага бўлган қизиқишини билган онаси, Анварни, Р.Глиэр номидаги Республика мусиқа мактаб-интернати (ҳозирда РИМАЛ) га кириш имтихонларини топшириш учун олиб боради. Бу имтиҳон бирор бир нарса ижро қилиб бериш ёки нота саводини текшириш эмас, балки мусиқий оҳангларни илғаш ва усулларни эшитиб қайта такрорлашдек синовларни ўз ичига олган эди.

Унинг тенгдошлари орасида ўткир зеҳнга эга эканлиги имтиҳон жараёнида яна бир карра исботланди. Эшитиш қобилятининг яхшилиги эса жаранглаган ҳар бир овозни тўғри куйлаш ва аниқ топиб беришига, чалинган усулларни айнан ўзидек қайтаришига катта ёрдам берди. Имтиҳон талабидаги барча синовлардан мувоффақиятли ўтган ёш Анвар, чанг чолғуси бўйича Фаррух Мирусмонов синфига қабул қилинади.

Ўша кундан бошлаб у чангда ижро этиш сирларини ўрганиш учун тинимсиз ҳаракат қилади, устозининг гаплари ва ҳар бир ҳаракатига қунт билан назар солади, ўзгача бир иштиёқ билан машқларни бажаради. Анварнинг меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги бошқа ўқувчилардан фарқли ўлароқ, берилган ҳар бир вазифани эсда сақлаб қолиш ҳамда чолғуда ижро этиш сабоқларини тезлик билан эгаллашига ёрдам берар эди.

Ўзининг шаҳсий чолғуси бўлишини ҳоҳлаган ёш Анвар, онаси билан Марказий Унверсамга бориб, чанг чолғусини ҳарид қилади. Унинг бошқа чолғулардан ажралиб туриши, бежиримлиги, овоз тароватининг беқиёслиги, саловатлилиги, чиройли ва ўзгача шаклга эга эканлиги Анварнинг эътиборини янада кўпроқ тортади. Чолғуда янада кўпроқ ижро этиши, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши, ўтказилган машғулотлардан завқ олиши, чанг чолғусига бўлган меҳрини янада орттиради.

Устози Фаррух Мирусмонов қаттиққўл ва талабчан бўлиши билан бир қаторда, болалар психологиясини яхши тушунадиган, ҳар бир ўқувчига ўз иқтидоридан келиб чиққан ҳолда, индивидуал, яъни ўзгача тарзда ёндашадиган моҳир мураббий эди. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири шогирдлар диққатини тезда жамлаб олиш мақсадида, болаларга тушунадиган мисоллар билан ёки қизиқарли ва эсда қоладиган тарзда машғулотларни ўтказар эди.

Мусиқа ўқитувчиси қанчалик қобилиятли ва тажрибали бўлса, у ўз шогирдларини ўзидан ҳам юқори даражадаги моҳир созанда сифатида тарбиялайди ҳамда унинг етакчи мутахассис бўлиб шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Ф.Мирусмонов айнан ана шундай устозлар сирасига кирарди. У ҳеч қачон ўқувчиларга баланд оҳангда гапирмас, дарс тайёрлаб келмаганларни уришмай, ҳайдаб юбормай, балки оталарча меҳрибон бўлиб насиҳат қилар эди. Устозининг ширин

сўзлигидан уялган болалар эса кейинги галда албатта дарс тайёрлаб келишга ҳаракат қилишарди.

Бунинг учун ўқитувчи ўзидаги бор билим ва малакаларини тўғри таърифлаб бера оладиган ва бола онгига етиб борадиган тарзда тушунтира олиш маҳоратига эга бўлмоғи лозим. Бундай устозлик сирлари Фаррух Мирусмоновга хос эди. Шунингдек у болаларни ўз касбига қизиқтира оладиган, ўрганаётган созини қўлдан қўймайдиган, устози берган топшириқларни сидқидилдан бажарадиган даражада тарбиялаш маҳоратига ҳам эга эди.

Мактаб йилларини эслаб, айниқса, чанг чолғусида ижрочилик кўникмаларини ҳосил қилишда ўз кучи ва билимини аямаган Фаррух Мирусмонов ҳақида Анвар Лутфуллаев шундай ҳикоя қилади: « Ҳа, тақдирга кўра бахтли бола бўлган эканман. Биринчи устозим — Фаррух Мирусмонов аввалом бор, болажон ўқитувчилардан эди. Бунинг далили сифатида айтишим мумкинки, уларнинг меҳрибонликлари, ғамхўрликлари, ўз фарзандларидек кўришлари битта менга нисбатан эмас эди, балки ҳамма ўқувчиларга ҳам шундай муносабатда бўлганлар. Лекин Фаррух ака менинг мусиқага астойдил ихлос қўйишимга, чанг чалиш сирларини қунт билан ўрганишимга сабабчи бўлганлар. Уларнинг: «Ҳар нарсага саъй-ҳаракат орқали эришилади. Меҳнат қилиш инсонларни эзгу-орзуларини рўёбга чиқаради, қатъият билан ижодий ишга бел боғлаганлар, эртами ё кеч ўз мақсадларига албатта етадилар»[5], — деган панду-насиҳатлари асло ёдимдан чиқмайди.

Анварнинг орзуси — қандай бўлмасин санъат олийгоҳида ўқиш, мусиқий билимларни эгаллаш эди. Шунинг учун ҳам ўзининг созандачилик маҳоратини ошириш, мусиқий-назарий билимларини чуқурлаштириш мақсадида тинимсиз меҳнат қилар эди. Унга мактабда

[5] Муаллифнинг А.Лутфуллаев билан бўлган суҳбатидан ёзиб олинган. 2014 й 3 январь

ўқиб юрган кезларида сабоқ берган устозларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Тошматов шундай таърифлайди:

— Мен Анварни, унинг онаси ва акаси — дуторчи Илёсхўжани жуда яхши биламан. Оилавий самимий муносабатда бўлганмиз. Оналари ширин сўз, суҳбатлари маъноли, очиқ кўнгил, одамларга доим ёрдам қўлини чўзадиган умрбоқий инсон эдилар, гоҳ-гоҳ ашулалар ҳам айтиб берардилар. «Мен ўқимаганимга яраша, ўғилларим ўқисин, ҳунарли бўлишсин, эл-юртга фойда келтирадиган, обрў-эътиборли бўлишсин», — деган эзгу ниятлари ҳали-ҳали ёдимда. Анвар билан эса мактабга келган пайтидан бошлаб яқиндан танишман. У ўта тарбияли, ўткир зеҳнли бўлгани туфайли тезда ўсди, ёш бўлса ҳам созанда-ижрочи даражасигача кўтарилди.[6]

Ушбу масканда ўқиш даврида Анвар Лутфуллаев чолғудан тўғри фойдаланиш, қўлларнинг эркин ҳаракатланишига эришиш, миллий куй ва қўшиқлар ҳамда композиторлар томонидан яратилган асарларни ўзлаштириш, концерт залларида ўзини тутиш қонун-қоидаларига риоя қилиш билан бирга, чолғуда ижро этиш кўникмаларини ҳам қунт билан ўрганганлиги туфайли саҳна маҳоратини пухта эгаллайди.

А.Лутфуллаев 1975-йилда Р.Глиэр номидаги болалар мусиқа мактаб-интернатини муваффақият билан битириб, ўша йили олий мусиқа билим юртига кириш имтихонларини аъло баҳоларга топшириб, биринчилар қаторида Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасига чанг синфи бўйича ўқишга қабул қилинади. Қанчадан-қанча буюк созанда-ю хонандаларга маскан бўлган бу даргоҳ Анварни ҳам ўз қучоғига олади.

Консерваторияда таҳсил олаётган йилларидаёқ у созандалик сирларини пухта эгаллаш билан бир қаторда мусиқий назарий билим

[6] Муаллифнинг Э.Тошматов билан бўлган суҳбатидан ёзиб олинган. 2014 й 10 январь

доирасини кенгайтиришга, ижодий ва концерт ижрочилик соҳаларида фаол қатнашишга жонкуярлик билан ёндашади. Унинг талабалик йилларидаёқ Ўзбекистон радиоси ва телевиденияси орқали узлуксиз чиқишлари унинг келажакда устоз санъаткорлар қаторида бўлишидан бевосита дарак берар эди.

У талабалик йилларида ўзбек халқ куй ва қўшиқлари билан бир қаторда Ўзбекистон композиторларининг чанг учун яратилган махсус асарларини, жаҳон мумтоз мусиқасини қунт билан ўрганар эди. Бу эса унинг ижро маҳорати ва техникасининг ўсишига, дунёқарашининг бойишига, қолаверса чанг чолғусининг ижро имкониятларини кенг тарғиб этишга туртки бўларди. Энг асосийси ёш созанданинг серқирра ижрочи сифатида шаклланишига имкон яратарди.

Анвар Лутфуллаев консерваторияда чанг синфида тахсил олиш билан бир қаторда дирижёрлик сирларини ҳам қунт билан эгаллайди. Бу борада унинг устози Ўзбекистонда в Қорақолпоғистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Мардон Насимовнинг хизматлари чексиздир. Унинг маъноли қўл ҳаракати, асарга ижодий ёндашуви, унинг мазмунини мусиқий оҳанглар орқали таърифлаб бериши Анварда катта қизиқиш уйғотган ва дирижёрлик санъатини эгаллашига катта ёрдам берган.

Сеҳрли таёқчанинг мафтункор мўъжизаси ёш ижодкорни ўзига ром этади. Унинг мазмун моҳиятини тўла ўрганиш мақсадида кўплаб адабиётларни мутолаа қилади ва ниҳоят ўз ижро услубига эга бўлади. Ижро малакасини ошириш мақсадида амалиёт учун болалар мусиқа мактабида оркестр синфларини ташкил этади ва унга бошчилиқ қилади. Қизиқарли ва жозибадор куйларни танлаб, ёш мусиқачиларда оркестр синфи ва дирижёрлик касбига қизиқиш уйғотади. Шу билан бирга ўзининг дирижёрлик маҳоратини ҳам оширади.

Устози “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби”, “халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасининг профессори Аҳмад Одилович Одиловдан чанг чўпини тўғри ушлаш сирлари, қўл ҳаракатларининг ўзига хослиги, асар устида ишлаш ва унинг бадиий томонларини ёритиш ҳамда профессионал ижро маҳоратини эгаллашга эришди. Ижод жараёнида рўй берадиган қийинчиликлар ва уларни енгиш йўллари, санъаткор учун зарур бўлган ўз устида мунтазам равишда ишлаш йўлларини ўрганади.

А.Лутфуллаев консерваторияда ўқиб юрган кезларида ижрочи, ўзбек халқ чолғулари оркестри дирижёри ва педагог сифатида шаклланишига барча шароитлар яратилган эди. Ягона мақсад бор имкониятлардан унумли фойдаланиб, устозлар сабақларидан баҳраманд бўлиш ҳамда серқирра мутахассис бўлиш ниятида ўз устида тинимсиз изланишдан иборат эди. У ўз олдига қўйган вазифаларга масъулият билан ёндашиб, давлат имтиҳонларига ҳам пухта тайёргарлик кўрди.

1980 йил май ойининг охирги кунлари. Беш йил давомида тўплаган билимларни ва ижро маҳоратини намойиш этиш даври келди. Концертларнинг бетакрор иштирокчиси, моҳир созанда, саҳна сирларини мукаммал эгаллаган Анвар Лутфуллаев ижод палласининг айни гуркираган пайти. У давлат имтиҳонида ижро этилиши лозим бўлган асарларни нафақат ёддан чалишга, балки асар мазмунини батафсил ёритиш учун унинг барча хусусиятларини меъёрига етказиб ижро этишга эришган эди.

Консерваториянинг катта концерт зали талабалар, уларнинг ота-оналари ва тингловчилар билан лиқ тўла эди. Давлат имтиҳони раисининг котиби саҳнага А.Лутфуллаевни чорлайди. У саҳнага чангини кўтариб, шаҳдам қадамлар билан чиқади. Сўнгра у ўзбек халқ куйларидан “Гулбаҳор ва таноvар”, И.Хамраевнинг чанг учун ёзилган I-концертини, Глинканинг “Руслан ва Людмила” операсига муқаддимаси

ҳамда Паганинининг “Кампанелло” асарларини моҳирона ижро этиб тингловчилар қалбидан чуқур жой эгаллашга муяссар бўлади.

Талабалик йиллари ва ассистент-стажёрлик (1981-1984) курсларида таҳсил олган кезлари ёш созанда ҳаётида бир умр унутилмас давр бўлиб қолдики, буни А.Лутфуллаев шундай эслайди: — «Аҳмад Одилов, Мардон Насимов, Фаттоҳ Назаров, Ғофир Қодиров, Борис Гиенко, Иброҳим Ҳамраев, Феруза Абдурахимова, Аркадий Юргаев каби санъат арбоблари менинг меҳрибон устозларимдир. Булар катта мусиқий назарий билимга, юксак тажрибага, ижрочилик маҳоратига, инсонийлик фазилатларига эга фидоий мураббий, яхши инсон бўлганлар. Мен улардан аждодларимизнинг табаррук мусиқа меросига, ўзбек халқ созларида ижрочилик санъатига бўлган улкан меҳрни, садоқатни, ижодий меҳнатда саботли бўлишни, жаҳон мумтоз композиторларининг дурдона мусиқий асарларини моҳирона ижро этиш сирларини ўргандим ва босқичма-босқич ўзлаштирдим».[7] Келажакда эса уларга ўхшаган устоз бўлиб, ёш кадрларни баркамол инсон сифатида тарбиялашга аҳд қилади.

Маҳоратли созанда А.Лутфуллаев давлат имтиҳонларини аъло баҳоларга топшириб, Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасини концерт ижрочиси, халқ чолғулари оркестри дирижёри ва ўқитувчи ихтисосликлари бўйича имтиёзли дипломга битиради. Билим даражаси ва савиясини юқори баҳолаган мутахассислар бир овоздан уни ёш мутахассис сифатида ушбу кафедрада ўқитувчи лавозимида ишлашга тавсия этади.

Шу кундан эътиборан у ўзининг илк ўқитувчилик фаолиятини айнан ўзи ўқиган кафедрада, ўз устозининг қўл остида, кўмагида ва бевосита раҳбарлиги остида бошлайди. Йиллар давомида ўрганган билим ва кўникмаларини, тўплаган тажриба ва малакасини ёш авлодни

[7]. Муаллифнинг АЛутфуллаев билан бўлган суҳбатидан ёзиб олинган. 2014 й 10 январь

баркамол инсон сифатида тарбиялашга ва янги иқтидор эгаларини етказиб чиқишга сафарбар этади.

## 2. ПЕДАГОГЛИК АМАЛИЁТИ

Анвар Қудратович Лутфуллаев Ўзбекистон давлат консерваторияси “Шарқ мусиқаси” факультетининг “халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасини 1980 йилда имтиёзли диплом билан тугатиб, шу йилнинг август ойидан бошлаб ўқитувчи лавозимида иш бошлайди. Устозининг ўгитлари асосида “Устоз-шогирд” анъанасига таянган холда аста секин ёш мусиқачиларни профессионал ижрочилар даражасига олиб чиқиш мақсадида, уларнинг ҳар томонлама ривожлантирига қўл уради.

Чанг синфи бўйича илк шогирдлари: Одилов Ҳаёт, Исамуҳамедов Юнус, Абдуллаев Ниғмат, Суюнова Гулноза, Мирзаев Абдусаттор, Мирзараҳимова Қиммат, Васихов Ахрор, Юсупова Умрбону, Асқарова Моҳира, Хакимов Иброҳим билан ўзи босиб ўтган йўлни янада бойитган холда ўташига бор кучини сарф этади. Бу ишда унга устози ҳамда ҳамкасби Аҳмад Одилович Одилов ҳамиша раҳнамолик қилиб келган. У илк иши талабаларнинг билим даражаси, ижро кўникмалари, савия ва иқтодоридан келиб чиққан холда уларга репертуар танлашдан бошлар эди. Шу билан бирга ижро этиладиган асар ҳақида тўла маълумот бериб, қандай ижро этиш усулларини тушунтириб берар эди. Керак бўлса ижро этиб кўрсатиб ҳам берарди.

Устозининг ижросидан илҳомланган шогирдлар ўз устозлари сингари чанг устида қўлларнинг эркин ҳаракатига эришиш, чанг чўпларининг ҳар бир товуш учун қандай куч билан ташлаш лозимлиги ҳамда ҳар бир штрих устида алоҳида ишлашга интилишарди. Ҳар бир дарс жараёнида Анвар Лутфуллаев маҳоратли созанда бўлиш учун нафақат иқтидор, балки ўз устида

тинимсиз меҳнат талаб этилишини ўқтириб ўтарди. Зеро, кўзланган мақсадга ҳаракатсиз ва сабр-тоқатсиз эришиб бўлмаслигини эслатиб ўтади.

У дарс жараёнини бошлашдан аввал шогирдининг хулқ-атвори ва рангу-рўйига эътиборини қаратар эди. Соғлиғи ва кайфияти жойида бўлгандан кейингина дарсни бошлар эди. Сўнгра бутун диққатини талабанинг ижросига, унинг қўл ҳаракати ва чўпларнинг ишлатилишига синчиклаб назар соларди. Асарни охиригача тинглаб, кейингина ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирарди. Юзага келган хато-камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўлларини ҳал этишга ёрдам берарди. Шу тариқа Анвар Лутфуллаев ўз педагоглик фаолиятини давом эттиради.

Ижро маҳоратини янада ошириш ва назарий жиҳатдан ўз дунёқарашини янада бойитиш мақсадида у 1981 йили  ассистент-стажёрлик курсига ўқишга киради ва шу билан бирга ўқитувчилик фаолиятини ҳам давом эттиради. Бу давр мобайнида у ўз билимини янада такомиллаштириш ва юқори чўққиларни забт этиш мақсадида тинимсиз изланади. Илмий-амалий ва илмий-назарий анжуман ва конференцияларда ўз мақалалари билан фаол иштирок этади. Чолғу ижрочилигига бағишланган адабиётларни ўрганади.

Аста секин ўз талабаларини саҳнада ўзини беъмалол хис этишга ва концертларда кўпроқ иштирок этишга жалб этади. Анвар Лутфуллаев дарс жараёнида талабалар бир бирини тинглаб, ўз хато ва камчиликларини ўзлари топиб, ўзлари бартараф этишига ўргатади. Шунингдек уларни Республика ва Халқаро миқёсда бўлиб ўтадиган танловларга тайёрлайди ва маълум вақт ўтгандан кейин уларни саралаб, ушбу нуфузли тадбирларда иштирок этишга ундайди. Бундай саралаш эса талабаларни ўз устида тинимсиз ишлашини талаб этарди.

Педагоглик фаолияти давомида маълум даражада муваффақиятларга эришган А.Лутфуллаев 1986 йилдан бошлаб катта ўқитувчи лавозимида ишлай бошлайди. Унинг ўз касбига бўлган масъулияти янада ошади. У

ўқитувчилик амалиёти билан чегараланиб қолмай, балки талабалар билан бир қаторда ижро маҳорати ва назарий билимларини оширишга интилади. Янги-янги мусиқий асарларни ўзи ижро этар ва шундан кейингина уларни талабаларга ўргатар эди.

Ушбу давр мобайнида бир қатор талабаларни юқори малакали кадр сифатида тарбиялашга эришди. Улардан: Эргашев Ўктам (1984), Юсупова Умрбону (1984), Умиров Ўктам (1988), Шерматов Комил (1988), Ахмадалиев Баҳром (1988) лар Республика миқёсида ўтказилган танловларда ғолибликни қўлга киритдилар. Юсупова Умрбону (Баку, 1986) ва Эргашева Гулчеҳра (Душанбе 1988) лар Халқаро миқёсда ўтказилган танлов совриндорларига айландилар.

Самарали меҳнатлари туфайли Анвар Лутфуллаев 1992 йилдан бошлаб доцент лавозимида ишлашга муяссар бўлди. Ушбу илмий унвон уни янада фаолроқ ишлашга ундади. Ўз куч ғайратини чанг ижрочилиги санъатининг ривожига бахш этди. Тиниб-тинчимас устозидан ўрнак олиб, ўз устида тинимсиз ишлади. Дунё халқлари мусиқаларини чанг учун мослаштириш йўли орқали чолғунинг ижро имкониятларини кенгайтирди ҳамда ижро репертуарини бойитди.

Кафедрада талабалар сони йил сайин ортиб борди, шу жумладан чанг синфи ҳам кенгайиб борди. Натижада А.Лутфуллаев нафақат мутахассислик (чанг чолғуси)дан, балки ансамбль синфи, ўқитувчилик амалиёти, ижрочилик амалиёти фанлари бўйича талабаларга сабоқ бера бошлади. Чанг ва ансамбль синфи билан болалар мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида концертлар уюштириб, талабаларнинг ижрочилик махоратларини оширишга салмоқли ҳисса қўшди.

Талабалик йилларидаёқ ташкилотчилик ишларига ўта қобилияти бўлган Анвар Лутфуллаев, 2002 йилдан бошлаб кафедра мудири ва профессор вазифасини бажарувчи лавозимида ишлай бошлайди. Кафедрани энг илғор ва

намунали кафедралардан бирига айлантириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширди. Ўз илмий салоҳиятини ошириш мақсадида доимий ҳаракатда бўлди. Бошқа профессор-ўқитувчиларни ҳам ушбу ишга ундади. Нуфузли танловларга янада кўпроқ талабаларни жалб этди.

Натижада Анвар Лутфуллаев шогирдларидан: 22 нафари Республика кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритди. Худойбердиев Шокир (Истамбул, 2001), Худойбердиев Шокир (Анқара, 2002), Каримов Давлат (Душанбе, 2005), Иргашева Наима (Улан-Уде, 2007), Махмудова Нодира (Улан-Уде, 2010), Ашрапов Миржон (Улан-Уде, 2010), Юлдашева Хумора (Москва, 2010), Азимов Дилмуродлар (Улан-Удэ) Халқаро кўрик-танловларда нуфузли ўринларни эгаллади.

Анвар Лутфуллаевнинг ижодий йўли 1976 йили талабалик чоғлариданоқ бошланган, қарийб қирқ йилдан бери ўқитувчилик, ижрочилик, илмий-ижодий ва ташкилий-жамоатчилик ишлари бир-бирини узвий тўлдирган ҳолда кўп жиҳатдан бугунги кун ёшларига ибратлидир. У чанг чолғусини замон талаблари даражасига кўтариб, илмий-амалий асосда махсус дарсликлар, ўқув дастур ва қўлланмаларни тузган услубчи муаллифдир. Ўзбек мусиқаси меросининг кўплаб намуналарини чанг ва фортепиано учун мослаштириб ноталаштирган, ўз билими ва маҳоратини аямай талабаларга илм бериб келаётган мураббийдир.

Анвар Лутфуллаев 100 дан ортиқ юқори малакали созанда-ижрочиларга таълим-тарбия бериб, моҳир чангчи сифатида шакллантирди. Улар орасида таниқли созандалар: Халқаро ва республика танлов ғолиблари Эргашева Гулчеҳра, Шерматов Комил, Мамадалиев Ахаджон, Иргашева Наима ва бошқалар ҳозирги кунда

“Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасида устозлари билан ҳамнафас тарзда ўқитувчилик фаолиятини олиб бормоқдалар.

Худойбердиев Шокир, Абдураҳмонов Баҳтиёр, Абдураҳимова Нилуфар ва Ўткуров Жасурлар эса Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида чанг, ансамбль ва оркестр синфлари бўйича устозлари бошлаган ишни қизғин тарзда давом эттирмоқдалар.

Анвар Лутфуллаев ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон давлат консерваториясида узлуксиз фаолият кўрсатиб келмоқда. Узоқ ва мураккаб ижодий йўлни босиб ўтиб, ижрочилар, композиторлар ва ижодий зиёлилар орасида муносиб ҳурмат қозонди. У халқ чолғулари йўналиши  бўйича нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ давлатларида ҳам катта обрў-эътиборга эга. Жумладан: Россия Шарқий-Сибирь Маданият ва Санъат Академиясининг ва Тожикистон Миллий консерваториясининг “Фахрий профессори” - илмий унвони билан тақдирланган устоз санъаткордир.

Дарҳақиқат, Анвар Қудратович шогирдларига нисбатан меҳрибон ва педагог сифатида ўткир ва нозик тарбияловчи–психолог вазифасини бажаради. Унинг синфини тамомлаган юзлаб шогирдлари қаторида халқаро ва республика танловлари совриндорлари, Комил Шерматов ва Ғофур Норбоев – Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган артист унвонига эга. Унинг тажрибасини Россия, Тожикистон,  Таиланд, Ҳитой, Вьетнам каби ҳорижий мамлакатлардан ўқишга келган ёш мусиқачилар ўрганмоқдалар ва ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Устоз Анвар Лутфуллаев тўғрисида Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги «Миллий чолғу» лабораторияси илмий ходимаси Гулчехра Эргашева шундай дейди: “Устозим Анвар акани ўқитиш методикаси,  мусиқий асарга кенг нигоҳ билан қараши, ўткир билим эгаси эканлигини исботлайди. Мусиқий асар устида ишлаганда

ҳам, куйга ҳос бўлган ички унсурлар, майда безаклар устида кўпроқ машқ қилишни талаб этардилар. Ҳамиша ижро репертуарига янги асарлар билан кенгайтириш ва бойитишни ҳуш кўрардилар. Бу ўз навбатида чанг ижро репертуарини кенгайишига олиб келди. Анвар аканинг шахсини улуғловчи сифатларидан, барчага бирдек меҳрибонлиги, ҳушмуомалалиги, доимо яхшилик улашувчанлиги, айниқса, шогирдларининг барчасига бирдек оталик меҳрини бериши камдан-кам устозларга ҳос фазилатдир. Шундан бўлса керак, устозимнинг чангга ўйғотган меҳри сабаб, педогоглик фаолиятим билан бир қаторда, чангнинг устида илмий изланишлар олиб боришга, келиб чиқиш тарихи ва назарий жиҳатларини кенгайтиришга қўл урдим."[8]

Ўқитувчилик фаолиятида Анвар Лутфуллаев Аҳмад Одиловнинг таълим тамойилларига пойдевор сифатида таянган бўлиб, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб келмоқда. Анвар Лутфуллаев бу тажрибасини чуқур ўрганиб, ўзлаштириб, ўз педогогик ва ижрочилик фаолиятидан келиб чиққан ҳолда педагогика назарияси ва амалиётини бойитади ва янгилайди. Бу изланишлар кўп йиллик педагогик фаолияти давомида кўп маротаба синовдан ўтган ва ўз самарасини кўрсатиб келмоқда.

Анвар Лутфуллаевнинг педагогик услубиёти аввалом бор, психологик факторга суянади. Унинг фикрича, "ўқитувчи ўз касбдошларига ва талабаларга диққат билан эътибор қаратиши, шахсиятига тегмасдан, очиқ кўнгиллилик билан ёндошиши зарур. Ҳар бир қилаётган ҳатти-харакати шогирдлари нигоҳида бўлишини, ёш йигит-қизларга андоза бўладиган шахс эканлигини унутмаслиги лозим"[9].

Устознинг муомаласи бошқа ўқитувчилар билан таққослаганда маданиятли ва зиёли инсонларга ҳос фазилатларни ўзида мужассам

---

[8] Муаллифнинг Г.Эргашева билан бўлган суҳбатидан. 2014-йил 4-март.
[9] Муаллифнинг А.Лутфуллаев билан бўлган суҳбатидан.2014-йил. 5-апрель.

этади. Унинг шахсий кайфияти, эҳтиросга тушса ҳам, тушкун бўлганда ҳам, ҳеч қачон шогирдлар билан муносабатига таъсир қилмайди. Устоз доимо самимий ва дўстона кайфиятни сақлашга ва дарс вақтини самарали ўтказишга ҳаракат қилади. Балки шунинг учундирки, Анвар Лутфуллаев бошқарган “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасидаги талаба-шогирдлари орасида ҳам соғлом муҳит, бир-бирига ҳурмат ва эътибор одат тусига кирган.

Анвар Лутфуллаевнинг ўқитиш услубияти босқичма-босқич жараёнларни ўзига қамраб олади. Хусусан, талаба учун асосий репертуарни ўзлаштириш билан бир қаторда мусиқий онг, техникавий таъминот ва бадиий дид каби қобилиятларни шакллантириш зарур. Чангда ижрони ўрганиш дарсларида Анвар Лутфуллаев муҳим эътиборни штрихларга қаратади. Шу билан бирга тембр ранг-баранглиги, тремоло ва бошқа техникавий масалалар устида ишлашга алоҳида аҳамият беради. Унинг доимий талаби: асарни энг бошидан тўғри ўзлаштириш керак, қайтадан ўрганиш, ҳатоларни тўғирлаш ва тузатиш ҳолатларидан иложи борича воз кечишдир.

Анвар Лутфуллаевнинг синфида доимо ижодий муҳит ҳукм суради. Ўз шогирдларига саҳнага чиқиш, концерт ҳолатини сезиш, ўзининг эҳтиросларини чолғуга жо этиш ва сифатли ижрога эришиш каби масалаларга эътиборини кучайтиришни мунтазам равишда таъкидлайди. Ҳар бир саҳна чиқишидан сўнг устоз билан суҳбат ўтказилиб, ижобий ютуқлар, танқидий фикрлар билдирилади ва талабаларни янги ғоялар устида изланишга йўналтирилган тавсиялар берилади. Демакки, талабаларни нафақат ижрочилик фаолиятига, балки ўзига нисбатан талабчан бўлишга, ўз устида мунтазам ишлашга, педагогик кўникмаларни тарбиялашга чақиради.

Анвар Лутфуллаевнинг ижодий ва илмий услубий тажрибаси ўқитувчилар малака ошириш курсларининг тингловчилари, республика санъат ва маданият коллежлари педагоглари ва кафедранинг ёш хамкасабалари томонидан давом эттирилмоқда. Анвар Лутфуллаев ўз

соҳасида етакчи олим, билимдон услубчи, тажрибали педагог ва ташкилотчи сифатида ҳурмат қозонган.

## 2.4. Илмий-услубий ишлари

Анвар Лутфуллаев қарийб 38 йил давомида Ўзбекистон давлат консерваториясида фаолият юритиб, ўзининг серқирра илмий-услубий, ижодий ҳамда ташкилотчилик қобилиятларини намоён этди. Натижада 22 та илмий-услубий, илмий-ижодий, яъни, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга ҳамда 8 та ўқув қўлланмага маъсул муҳаррирлик қилишга эришди. Шунингдек Халқаро ва Республика миқёсида ўтказилган конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этди. Унинг замонавий ижрочиликнинг муаммоли масалаларига бағишланган 21 та мақоласи Республикамиз матбуотларида чоп этилган. Қуйида унинг барча ижодий қирраларини алоҳида-алоҳида кўриб чиқишни лозим топдик.

Серқирра ижодкор Анвар Лутфуллаевнинг илмий-услубий ишлари ҳам алоҳида эътиборга сазовордир. Унинг қаламига мансуб бўлган барча китоблар, илмий мақолалар ва илмий-услубий ишлар малакали кадрларни тарбиялаш масалаларига бағишланган. Олий таълим муассасалари учун мўлжалланган “Ўзбек халқ мусиқа чолғулари” номли ўқув-услубий қўлланмаси Ўзбекистон республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Т.Е.Соломонова ҳаммуаллифлигида яратилган бўлиб, мазкур соҳага оид катта маълумот базасини ўз ичига қамраб олганлиги билан ажралиб туради. Ўқув қўлланманинг янгилиги шундан иборатки, улар танлаган мавзу бўйича касбий билим ва тажрибаларини тўплаб, ўзбек халқ чолғулари мавзусини мусиқа соҳасида илмий нуқтаи назардан талқин этишга пойдевор ясаганлар.

Анвар Лутфуллаев илмий-услубий ишлар, чанг ва фортепиано учун мослаштирилиб ноталаштирилган халқ мусиқа намуналари, дарсликлар, тўпламлар муаллифи ва тузувчиси ҳамдир. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихига оид Анвар Лутфуллаевнинг китобларини Ўзбекистондан ташқари бошқа қардош халқлар ҳам зўр қизиқиш билан ўрганишмоқда. Булар ўқув-услубий, амалий қўлланма сифатида санъат ва маданият олий таълим муассасаларида, маданият ва санъат коллежларида, академик лицейларида, болалар мусиқа ва санъат мактабларида кенг қўлланилмоқда.

Анвар Лутфуллаевниig ижодий фаолияти самарали ва кўп қирралидир. Иқтидорли ижодкор бир ўқув қўлланмани ёзиб тугатиши биланоқ, зудлик билан иккинчисини яратишга киришади. Унинг баракали илмий-ижодий фаолияти уч йўналишдан иборатдир:

1. Ўзбек халқ чолғулари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва мусиқий асарлар тўпламларини яратиш;

2. Бошқа чолғулар учун яратилган асарларни чанг ва фортепиано чолғуларига мослаштириш бўйича тўпламлар яратиш;

3. Бебаҳо бой мусиқий меросимиз бўлган ўзбек халқ мусиқасини, чанг чолғуси ижрочилиги имкониятларига мослаштириб, фортепиано жўрлигида ноталаштирилган тўпламларни яратишдан иборатдир.

А. Лутфуллаевнинг илмий-методик кўрсатмалари, дарсликлари, ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихини шарҳловчи рисолалари Ўзбекистон мусиқа маданиятининг бой мероси ҳисобланади. Ўзбекистон мусиқа санъати усталари рукни остида яратилган **“Аҳмад Одилов”** номли монографияси 1998 йил “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган. Ушбу рисолада ҳозирги замон чолғу ижрочилиги санъатига катта ҳисса қўшган, ХХ аср Ўзбекистон маданияти ва санъатининг тараққиётида тинимсиз ижодий меҳнат қилган, созандалик санъатининг

янги йўналишларида кўп йиллик кузатувлар олиб бориб, олий малакали шогирдлар тайёрлашда баракали натижаларга эришган устоз-санъаткор, Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмад Одилович Одиловнинг серқирра ижодий фаолияти юксак маҳоратли бадиий талқинда ўз аксини топган.

Ўзбек халқ чолғуларидан чанг ижрочилиги алоҳида эътиборга молик бир мактабни ташкил этади. Ушбу мактаб фаолияти – чанг чолғусининг моҳир ижрочиси, заҳматкаш ва фидоий санъаткор Аҳмад Одилов номи билан боғлиқдир.

Ушбу китобниннг саҳифаларида Анвар Лутфуллаевнинг Аҳмад Одилов билан чангчилар ансамбли тўғрисидаги қимматли фикрлари киритилган: “Ўзбек халқ чолғулари ансамбли ижрочилиги ўзига хос тарихга эга… ансамбль таркибида най, чанг, рубоблар, дуторлар, танбур, ғижжак ва доира каби чолғулар киритилган. Янги давр янги ғояларни кашф этди. Халқ чолғулари замон талабига кўра, янгичасига тикланди, таъмирланди, такомиллаштирилди...

Шу боис чанг миллий чолғулар ансамбли ҳам тасодифан юзага келган эмас, унинг ўзига ҳос ижодий йўли ва тарихи бор.

1964 йилларда тажриба тариқасида Тошкент шаҳар халқ филармонияси қошида чанг ижрочилари ансамблини ташкил этишга қўл урдик.

Кейинчалик миллий чанг чолғулари ансамблини консерваторияда ўзбек халқ чолғулари факультети қошида ташкил этишга қарор қилдик...Ансамбл сафида ҳозирги таниқли якканавоз ижрочилари Рустам Неъматов, Фазилат Шукурова, Тоҳир Собиров, Талъат Хўжамбердиев, Темур Маҳмудов каби талабалар бор эди. ”[10]

“Ахмад Одилов” номли монографик рисолада Ахмад Одиловнинг ижодий сафарлари, концертлари, учрашувлари, илмий-услубий ишлари,

---

[10] А.Лутфуллаев “Ахмад Одилов”, Т.1998, 39-40 бетлар.

ташкилий-жамоатчилик фаолияти ёритилган бўлимлар ва фотохужжатлар жой олган.

Анвар Лутфуллаевнинг яна бир Ўзбекистон мусиқа саньати усталари рукни остида яратилган **“Рустам Неъматов”** ўқув қўлланмаси, олий ва ўрта махсус маданият ва санъат ўқув юртлари талабалари учун ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги санъати тарихи фани бўйича ажойиб китобдир. Ушбу рисолада созанданинг “Илк парвоз”, “Изланиш ва ижодий йиллари”, “Машҳури жаҳон бўлиб” номли сарлавҳа остида ижодий сафарлари, “Устоз-мураббий”, “Неъматов Рустам Ёқубжоновичнинг нашр ва муаллифлик ишлари рўйҳати”, эълон қилган илмий ва оммабоп мақолалари” ўрин олган.

Рустам Неъматов ўзининг бутун ҳаёти ва фаолиятини, билими ва маҳоратини чанг сози ижрочилигининг ривожига чолғунинг якканавозлик қирраларини намоён этишга, халқ чолғу асбоблари оркестрида ўрнини топишга ва республикамизда чангчи кадрлар етиштиришга бағишлаган устоз мураббий бўлган.[11]

Рустам Неъматов тўғрисида мусиқа санъати олами вакилларидан Ўзбекистон халқ артисти Тилаш Хўжамбердиевнинг фикри (2000 йил, май): “Созанда-санъаткор бўлиш бу муқаддасдир. Рустам ака Неъматов умр бўйи интилиб, устозлардан маҳорат сирларини синчковлик билан ўрганиб, ўзлаштириб, санъаткор бўлишни жуда-жуда истаб яшаб келмоқда. Бу санъаткор XX асрнинг 70-йилларидан чанг ижрочилигида юксак техникавий маҳорат эгаси сифатида чангчи-созандалар орасида карвонбошиликни қўлга киритган ва бугунги кунда Рустам ака Неъматов ҳақиқатдан ҳам чанг ижрочилигида янги қирраларини очган беқиёс созандадир. Бу санъаткор ижросидаги асарлар оҳанграболиги, таъсирчанглиги ҳамда мукаммаллиги билан ажралиб туради.”[12]

---

[11] А.Лутфуллаев “Рустам Неъматов” ўқув қўлланма. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т-2003
[12] А.Лутфуллаев “Рустам Неъматов” ўқув қўлланма. Т.2003. 55-бет

Анвар Лутфуллаевнинг **«Чанг»** дарслиги (Ахмад Одилов билан ҳамкорликда ёзилган) 2002 йили нашр этилган бўлиб, юқори илмий савияда ёзилган. Бу дарсликнинг яратилиши мусиқий маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Дарсликка ўзбек халқ мусиқаси ҳисобига кенгайтирилган дастур асосида замонавий ижронинг янги услублари киритилган. Дарсликда бошланғич мусиқа назарияси ҳақида маълумотлар ҳамда унча мураккаб бўлмаган мусиқа асарлари берилганлиги сабабли ундан чанг чалишни ўрганаётган ҳаваскорлар ҳам фойдалана оладилар. “Чанг” дарслиги икки қисмдан иборат:

Биринчи қисмда чангни такомиллаштириш тарихи, унинг тузилиши, созланиши, мусиқа назарияси ҳақида қисқача маълумотлар ва чанг чалиш услубларини ўрганиш борасида методик кўрсатмалар берилган;

Иккинчи қисмда чанг учун мослаштирилган ўзбек халқ мусиқаси, бастакорлик ижоди ва бошқа турли мусиқий асарлардан иборат. Дарсликка мусиқий асарларни танлашда уларнинг қулайлиги ва мураккаблик даражаси назарда тутилган. Чанг чолғусида ижрочилик техникасини ўстиришга мўлжалланган бу дарслик чанг ижрочилиги тарихидан бошлаб, мукаммал ижрочилик сирларини ўрганиш учун ҳар томонлама имкониятлар борлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур дарсликда ўзбек халқ куйларидан “Фарғонача”, “Шароб”, “Дилхирож”, “Роҳат”, “Тановор II”, “Жазоир”, “Роқ қашқарча” А.Нуриддиновнинг “Не ажаб дилдор”, М.Мирзаевнинг “Шодлик”, “Уфори санам ва янги тановор” ҳамда бошқа халқлар композиторлари асарларидан В.Андреевнинг “Светит месяц”, Б.Аветисовнинг “Молдаванча рақс”, И.Брамснинг “Венгерча рақс”, Ж.Бизенинг “Кармен” операсидан “Муқаддима-увертюра”, Н.Будашкиннинг “Концерт” (Домра ва оркестр учун) чанг учун мослаштирилган асарлари жой олган. Ушбу дарслик мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда лицей ўқувчилари учун мўлжалланган.

Анвар Лутфуллаев бугунги ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик соҳасининг пешқадам намоёндаларидан бири сифатида, чолғуларнинг тараққиёти ва ижрочилик тарихини ўрганишга катта эътибор бериб, талайгина китоб ва мақолалар яратди. Булар: рус тилида нашр этилган **«Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи» (“Узбекские народные музыкальные инструменты”)** рисоласидир. Ушбу ўқув-услубий қўлланма Тамара Соломонова билан ҳаммуаллифликда 2005 яратилган. Унда кўпдан бери қаламга олинмаган ўзбек халқ чолғуларида **мусиқа ижрочиларининг асосий босқичлари ҳақида илк бор сўз юритилган.** Рисолада халқ чолғулари кўҳна тарихидан то ҳозирги кунгача бўлган давр қамраб олинган. Шунингдек, тарихий рисолада машҳур соз ижрочиларининг ижодий фаолиятларига алоҳида-алоҳида ўрин берилган. Муҳаммад Ёқуб Харратов, Ота — Жалолиддин Носиров, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Уста Олим Комилов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Тўхтасин Жалилов, Николай Назарович Миронов, Муҳиддин Қориёқубов, Ашот Иванович Петросянц, Юнус Ражабий сингари устозларнинг меросларини юзага чиқариш учун алоҳида ўрин ажратилганлиги диққатга сазовордир.

Ушбу қўлланма сўзбоши, икки бўлим, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ҳамда мундарижадан иборат. “Умумий характерга эга бўлган ишлар” (“Работы обҳего характера”) номли 1-бўлими ўз ичига В.М. Беляевнинг “Ўзбек мусиқа чолғулари” (“Музыкальные инструменты Узбекистана”, М.,1933-й), Ф.Кароматов “Ўзбек чолғу мусиқаси” (“Узбекская инструментальная музыка”,1972-й), А.Петросянц “Чолғушунослик” (“Инструментоведение”,Т.1990-й), Б.Гиенко “Ўзбек халқ чолғулари оркестри учун чолғулаштириш”, (“Инструментовка для оркестра узбекских народных инструментов”, Т. 1995) китобларига берилган таърифларни ўз ичига олади.

Мазкур китобнинг 2-бўлимида “Ўзбек халқ чолғуларида ўқитиш” (“Школы для обучения игре на узбекских народный инструментах”) бўйича китобларни ўз ичига киритган.  Таҳлил қилинган дарсликларни чолғуларнинг овоз таровати бўйича 5 гуруҳга бўлади.

**1- зарбли чолғулар бўлимда** А. Петросянц, О.Камолхўжаев, А.Левиев ва И.Икромовнинг “Доира дарслиги” китоблари батафсил ёритилган.

**2-бўлим дамли чолғулар** деб номланиб, унда А.Петросянц, М.Тоировнинг “Най дарслиги” китобларининг таҳлили берилган.

**3- торли-камонли чолғулар бўлимидан** С.Алиев ва Р.Фелициантнинг “Ғижжак дарслиги”, О.Холмуҳаммедовнинг “Ғижжакда ўқитиш методикаси”, М.Тошмуҳаммедовнинг “Ғижжак дарслиги”, А.Давыдовнинг “Ғижжак-алт дарслиги” китоблари жой олган.

**4-бўлим торли чертма чолғулардан иборат бўлиб,** А.Илёсовнинг “Дуторни мустақил ўрганиш”, М.А.Асилов, Ф.Н.Васильевнинг “Дутор дарслиги”, А.К.Назаровнинг “Дутор-бас дарслиги”, Р.Қосимовнинг “Анъанавий танбур ижрочилиги”, “Уд”, Ғуломқодир Эргашевнинг “Афғон рубоб дарслиги”, Ф.Н.Васильевнинг “Рубоб дарслиги”, К.Усмонов “Бошланғич рубоб дарслиги”, Б.Мирзаахмедов, К.Усмонов, В.Тошхўжаевларнинг “Рубоб дарслиги”, Ҳ.Нурматовнинг “Қашқар рубоби”, А.Дадамухаммедовнинг “Прима рубоби дарслиги” китобларини ўз ичига қамраб олган.

**5-бўлим торли урма чолғулар бўйича** А.Одилов ва А.Петросянцнинг “Чанг дарслиги”, А.Одилов ва А.Лутфуллаевнинг “Чанг” китоблари таҳлилига бағишланган.

**“Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи”** номли Анвар Лутфуллаевнинг навбатдаги моҳирона ёзилган китоби Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Мусиқа” нашриётида 2006 йилда чоп этилган. Мазкур рисола чанг ижрочилиги санъатида ўз ўрни ва ижро услубига эга бўлган саккиз нафар катта ва ўрта авлод чангчи-созандалари Фаҳриддин Содиқов, Аҳмад Одилов, Фозил Ҳарратов,

Рустам Неъматов, Бахтиёр Алиев, Фазилат Шукурова, Тилаш Хўжамбердиев, Абдусалом Муталовнинг ижодий фаолиятига бағишланган.

“Санъатга бахшида умр” сарлавҳаси остида Ф.Содиқовнинг, “Устоз” сарлавҳаси остида А.Одиловнинг, “Чанг сози соҳиби” деб таъриф олган Ф.Харратовнинг, “Мафтункор санъаткор” ҳисобланган Рустам Неъматовнинг, “Баҳор”да бахтини топган созанда” Баҳтиёр Алиевнинг, “Эзгу орзулар қанотида” парвоз қилган Фазилат Шукурованинг, “Куй садоси-дил садоси”га йўғрилган Тилаш Хўжамбердиевнинг, “Қўлимда созим” сарлавҳаси остида Абдусалом Муталовнинг ҳаёти ва ижоди кенг ёритилган.

Анвар Лутфуллаевнинг учинчи йўналишдаги баракали ишлари ҳам мазмунлидир. Ўзбек халқ чолғучилик маданиятига синчиклаб назар ташласак, созандачилик амалиёти ҳилма-ҳил жанрлар билан боғланганлигининг гувоҳи бўламиз. Халқ оғзаки меросида мақомлар, достонлар ва мусиқий ижрочилик ижодида шаклланган дурдона куйлар ижрочилик санъатининг сермазмунлигидан далолат беради. XX асрда ижрочиликнинг ривожланиши учун янги саҳифа очилади. Бу билан бирга, анъанавий монодик йўналишдан ташқари кўп овозлик тизим мустаҳкам ўрин ола бошлайди. Бу эса ўз навбатида янги композиторлар авлодини яратишга имкон берди.

Шундай қилиб, созанда-ижрочиларнинг дастуридан ўзбек халқ мусиқасини чолғуларга мослаштирилган, ноталаштирилган, ўгирилган, оркестр ёки фортепиано жўрлигидаги намуналари алоҳида ўрин олди. Жумладан, бу янги йўналиш, янги миллий санъат ҳам Анвар Лутфуллаев ижодида ўз аксини топди. Устозлар Ф.Назаров, Ғ.Қодиров, Б.Гиенколардан олган билим ва ижодий тажрибалари асосида 1980 йиллардан бошлаб бу хайрли ишга астойдил киришиб, ижобий натижаларга эришди. Ўтган давр ичида 50 тага яқин ўзбек халқ

мусиқаси, ўзбек халқ куйлари намуналари, бастакорлар асарларини чанг ва фортепиано чолғуларига ноталаштириб, эркин мослаштиришга мувофиқ бўлди.

Булар: I. Ўзбек анъанавий мусиқа меросидан туркумли асарлар: Муножот, Савти Муножот, Уфори Муножот, Наврўзи Ажам, Ажам тароналари, Мушкулоти Дугоҳ, Уфори Мушкулоти Дугоҳ, Сегоҳ, Уфори Сегоҳ, Насри Сегоҳ, Уфори Насри Сегоҳ, Самоий Дугоҳ, Эшвой ва Уфори Қалабанди.

II. Ўзбек халқ куйлари: Фарғонача жонон, Чаман ялла, Фарғонача, Қўшчинор, Не ажаб — Дилдор, Алиқамбар, Гулбаҳор ва Тановар, Шароб ва бошқалар.

## 2.5. Концерт ижрочилик фаолияти.

Анвар Лутфуллаев Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан яқиндан ижодий мулоқатда бўлиб келмоқда. Ўзбекистон композиторлари томонидан яратилган бир неча асарларнинг биринчи ижрочиси ва ижро таҳрирчиси сифатида мусиқий-жамоачилик ҳурматига сазовор бўлмоқда. Анвар Лутфуллаев ижросида кўпгина асарлар Ўзбекистон радиоси олтин фондига ёзиб олинган. Жумладан, ўзбек халқ мусиқаларидан “Ажам тароналари”, “Муножот”, “Насри Сегоҳ” ва “Уфори насри сегоҳ”, композиторлардан М.Тожиевнинг “Саккизта шарқ рапсодияси”, Т.Азимовнинг “Концертино”си, М.Мансуровнинг “Концерт пьесаси”, “Концерт фантазияси”, М.Отажоновнинг “Концерт симфонияси”, Х. Рахимовнинг – “Тоғ наволари”, П.Халиковнинг – “Концерт услубидаги пьесаси” , Р.Абдуллаевнинг – “Чанг ва фортепиано”, Я.Сабзановнинг - “Чанг ва фортепиано учун фантазия ”, А.Кудрявцевнинг- “Молдованча рапсодия” ва бир катор ёзилган асарлари мисол бўла олади. Шу билан бирга, Анвар

Лутфуллаевнинг ижродаги бир катор асарлар вақти-вақти билан радио каналларимизда эфирга узатилиб турилади.

Анвар Қудратович созанда-чанг ижрочиси сифатида Ўзбекистон радиоси ва телевиденияси оркали концертларда мунтазам равишда узлуксиз қатнашиб турганлиги сабабли, ўзбек халк мусиқаси, жахон ва Ўзбекистон композиторлари асарлари хисобига ижрочилик репертуарларини кенгайтириб бормокда.

Бу жараёнга Анвар Лутфуллаевнинг қўшган ҳиссаси ҳам сезиларли даражада бўлди. У ўз маҳоратини ниҳоятда бойитди. Ижросида ажойиб техника, товушлар жозибаси пайдо бўлиб, ҳам анъанавий, ҳам академик ижро услубларини пухта эгаллаган чангчилар қаторига қўшилди. Унинг репертуаридан «Ажам тароналари», «Муножот» қисмлари, «Мушкулоти Дугоҳ», «Насри Сегоҳ», «Уфори насри сегоҳ», «Насруллои», «Не ажаб— Дилдор», «Муҳаммаси Мавлони», «Дилхирож», «Роҳат», «Қўшчинор», «Гулузорим» каби мослаштирилган куйлар ва туркумий асарлар ўрин олди. Шу билан бирга, И. С. Бах, Г. Гендель, Л. Бетховен, В. Моцарт, И. Брамс, А. Дворжак, Ж. Бизе, Н. Паганини, П. Чайковский. А. Хачатурян, Д. Кабалевский, М. Ашрафий, С. Юдаков, М. Бурхонов, И. Ҳамроев, Ғ. Қодиров, С. Бобоев, А. Отажонов, М. Тожиев, У. Ҳожибеков, С. Алескеров, Ҳ. Хонмамедов, Ф. Амиров каби композиторларнинг кенг тарқалган асарлари концерт саҳналарида мунтазам янграб келмоқда.

Нодир асарлардан бири ҳисобланган Италия композиторларининг ёрқин вакили Ж.Россинининг “Севилия сартароши” операсига муқаддимаси (скрипка чолғуси учун мослаштирилган) чангчилар репертуарига биринчи бўлиб Анвар Лутфуллаев томонидан 1978-йил кириб келган. Ўша йилларда Тошкент консерваторияси талабалари ўртасида рейтинг баҳолари юқори ва жамоат ишларида фаол қатнашган

талабалар қишки таътилда Москва ва Ленинград консерваториясига малака ва маҳорат дарсларини олиш учун юборилларди. Бундай имтиёзни бир қанча талабалардан қатори Анвар Лутфуллаев ҳам 1978-йил қўлга киритди. Улар маҳорат дарсларини тинглаб, ўз тенгдошлари билан фикр алмашиб, симфоник концертлар, театр ва музейларга хам борадилар.

Ўша пайтда Россинининг “Севилия сартароши”операси намойиш этилаётганлигидан ҳабар топган Анвар Лутфуллаев талабалар билан бирга катта қизиқиш билан тинглайди. Операнинг истеъдодли чолғучилар томонидан ижро этилган оркестр номерлари ҳамда яккахонлар томонидан катта маҳорат билан куйланган ария ва дуэтлар ёш талаба тасаввурида юксак ҳайрат, қизиқиш ва иштиёқни жонлантирди. Асардан илҳомланган ва руҳланган Анвар Лутфуллаев бундай нодир асарни, албатта, ўзбек ҳалқ чолғулари, ҳусусан, чангга мослаштирса қандай оҳангда янграши тўғрисида ўйлай бошлади ва асарнинг скрипка чолғусида ижро этилган муқаддима қисмини клавирини сотиб олади. Чангнинг техник ва ижро имкониятларидан келиб чиқиб, скрипка партиясини шундай маҳорат билан мослаштирадики, фортепиано томонидан ижро этиладиган мураккаб пассаж ҳамда аккордларни ҳам чанг чолғуси партиясига ўгиради. Скрипка ва чанг ўртасида баъзи ижро тафовутлар бўлганлиги сабабли, асарнинг бир қанча жойларига ижро услуби ҳамда зарб (штрих) жиҳатдан келиб ўзгартиришлар киритади. Кириш “анданте маэстосо” қисмида скрипкада сакратиб ва қисқа товушларда чалинадиган стаккато штрихини чангда шовқин бўлиб кетмаслиги ҳамда енгил ижро этиш учун чўпнинг орқа томони билан, яъни пиццикато усулида чалишни тавсия этади.

Анвар Лутфуллаев сирқирра ижодкорлардан бири ҳисобланади. У педагоглик амалиёти билан бир қаторда концерт-ижрочилик фаолиятини ҳам бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда олиб борган. У ўз фаолияти давомида, асосан яккахон ижрочи ансамбль ҳамда оркестр таркибида ўтказилган юздан ортиқ тадбирларда иштирок этган. Жумладан, 1977-йили Москва шаҳрида, 1979-йили Баку шаҳрида, 1981-йили Тожикистонда, 1984-йили Озарбайжонда, 1987-йили Украинада Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари билан ҳамда XII Жаҳон ёшлари ва талабалари фестивалида (1985-йил Москва шаҳри), Болгария (1980-йил), Германия (1985-йил), Ҳиндистон (1995,1996 йилларда) , Россия (2004, 2007,2010,2013 йиллар), Жанубий Кория (2012,2013йиллар) ва бошқа давлатлар Ўзбекистон санъати усталари билан концертларда иштирок этган.

У Ўзбекистон композиторлари билан ижодий ҳамкорликда чанг учун маҳсус яратилган янги асарлар ижрочиси ва тарқиботчиси сифатида ҳам ном қозонган. Чанг сози учун махсус яратилган илк асарлардан—Мирсодиқ Тожиевнинг “Шарқона рапсодия”лари, Рустам Абдуллаевнинг “Пьеса”си, Аваз Мансуровнинг “Концерт рапсодия”си, Муҳаммаджон Отажоновнинг “Концерт симфония”си ва бошқа композиторларимизнинг асарларининг биринчи ижрочиси сифатида чолғуда ҳилма-хил ижрочилик усулларининг янги турларини яратишга муяссар бўлди.

Бир неча йиллар давомида Халқаро ҳамда Республика миқёсида ўтказиладиган танловларда, фестивалларда ҳайъат таркибининг раиси ёки ҳайъат аъзоси, шунингдек, Россия, Жанубий Кория ва Тожикистон давлатларининг маданият ва санъат олийгоҳларида “Устоз ва шогирд” рукнида очиқ дарслар тарзида сабоқлар бериб келмоқда. Ўзбекистон телерадиокомпанияси орқали эфирга узатиладиган, “Мусиқа бўстони”, “Соз сеҳри”, “Ўзбекистон”, “Миллий чолғулар тарихи” шу билан бирга

санъат ва мусиқа соҳаларига оид бўлган эшиттиришларда ўз фикрлари билан қатнашиб келмоқда.

Анвар Лутфуллаевнинг концерт-ижрочилик фаолияти асосан якканавоз ва чангчилар ансамбли таркибида ўтказилган концертлардан иборат. Бу эса ўз навбатида А.Қ.Лутфуллаевнинг юқори даражадаги концерт-ижрочилик қобилияти эгаси эканлигининг исботидир.

Айниқса, талабалик йилларида Ўзбекистон телевиденияси кўрсатувлари орқали уюштирилган ўнлаб концертларда қатнашиши, шу билан бирга Ўзбекистон ва жаҳон мусиқа маданияти ютуқларини кенг оммага тарғибот этиши, телевидения муҳлисларининг маънавий озуқланиши йўлидаги муҳим омилларидан ҳисобланади. Ўзбекистон телевиденияси мусиқали эшиттиришлар мухарририяти созанда-ижрочи Анвар Лутфуллаевнинг ижодий, концерт-ижрочилик ва маънавий-маърифий фаолиятини ниҳоятда юқори баҳолайди ва бу ҳақида шундай дейди: “Анвар Лутфуллаев ижросидаги майинлик, жозибадорлик ва юқори профессионлик жиҳатдан ўзига хос ижрочилик йўналишига эга. Унинг ёқимли, мунгли, моҳирона ижросини эшитган ҳар бир тингловчи, чанг чолғусини етук санъаткорларидан бири сифатида тан олади”.

Талабалик даврида Анвар Лутфуллаев якканавоз ижрочи ва оркестр созандаси сифатида Тошкент шаҳрида жойлашган таълим муассасаларида, турли корхоналарда, маданият саройларида вақти-вақти билан уюштирилган концертларда қатнашди, эл назарига тушди. 1971 йил май ойида Тошкент қишлоқ хўжалиги ирригация ва мелеорация институти қошида тузилган “Ором” ашула ва рақс ансамбли таркибида Москва шаҳрида биринчи бор концертларида ҳам қатнашишга муяссар бўлди.

## 2.5. Анвар Лутфуллаевнинг жамоатчилик фаолияти

Анвар Лутфуллаев 1985—1990 йиллари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек район кенгашининг депутати, 1998-2013 йиллари Ўзбекистон давлат консерваторияси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси мудири, 1987 йилдан ҳозирга қадар консерватория касаба уюшмаси қўмитасининг раиси сифатида ва кўпгина жамоат ишларида хизмат этиб келмоқда. У ўзининг ўқитувчилик, илмий-педагогик, концерт — ижрочилик ва жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб, консерватория ёш мутахассисларига ўрнак бўлмоқда.

Анвар Лутфуллаевнинг ижодий ташаббускорлиги, ташкилотчилик қобилияти Гнесинлар номидаги Москва мусиқа педагогика институти, Россия Шарқий-Сибирь Маданият ва Санъат Академияси ва Тожикистон Миллий консерваториясининг халқ чолғулари кафедралари билан ўзаро ижодий ҳамкорлик ўрнатилишида яқиндан ёрдам берди.

Анвар Лутфуллаевнинг кафедра мудири лавозимидаги раҳбарлик фаолияти, унинг ташкилотчилиги ва кафедра аъзоларига бўлган амалий ҳамда назарий ёрдамларини аямаслиги туфайли муносиб равишда обрў эътиборига эга. Анвар Лутфуллаев Консерватория жамоат ишларида доим фаол иштирок этиб келмоқда. 1987 йилдан бошлаб шу кунга қадар консерватория профессор-ўқитувчилар ва талабалар касаба уюшмаси ташкилотининг раисидир.

Анвар Лутфуллаев доимий равишда ўз малакасини, сиёсий, иқтисодий ва амалий-назарий савиясини ошириш устида қатъият ва сабр тоқат билан ишлайди. Унинг ҳар ишидаги ташаббускорлигини, маънавий жихатдан, ўз касбдошларига ва талабаларга нисбатан меҳрибонлигини, ғамхўрлигини алоҳида қайд этиш лозимдир.

| | |
|---|---|
| Ўзбек халқ чолғулари факультети декани муовини; | 1982-1985 йй. |
| 1. Ўзбек халқ чолғулари кафедрасининг котиби; | 1985-1987 йй. |
| 2. Факультет концерт комиссиясининг раиси; | 1985-1988 йй. |
| 3. Ўзбек халқ чолғулари кафедраси мудирининг муовини; | 1988-1998 йй. |
| 4. Ўзбекистон мусиқа уюшмасининг котиби; | 1990-1991 йй. |
| 5. Ўзбекистон давлат консерваторияси Илмий Кенгашининг котиби; | 1992-1995 йй. |
| 6. Ўрта махсус билим юртлари талабалари халқ чолғуларида созанда ижрочиларининг XI (Бухоро), XII (Андижон), XV (Тошкент) ва XVII (Бухоро) Республика танловлари хакамлар ҳайъати раиси ва ўринбосари; | 1991-2005 йй. |
| 7. Ўзбек халқ чолғулари ёш созанда-ижрочиларининг I ва II Республика кўрик танлови ҳакамлар ҳайъати раисининг ўринбосари; | 2000-2004 йй. |
| 8. Ўзбекистон давлат давлат консерваторияси Илмий Кенгаши аъзоси; | 1981-2013 йй. |
| 9. Ўзбекистон давлат консерваториясининг касаба уюшмаси ташкилотининг раиси; | 1986-2013 йй. |
| 10. Ўзбекистон давлат давлат консерваторияси аттестация комиссиясининг аъзоси; | 1987-2013 йй. |
| 11. Халқ Демократик партиясининг аъзоси; | 1992-ҳ/қадар. |
| 12. Ўзбекистон Републикаси ҳорижий давлатлар билан маданий алоқалар «Дўстлик» жамиятининг аъзоси, Ўзбекистон-Ҳиндистон, Ўзбекистон-Бельгия, Ўзбекистон-Швейцария, Ўзбекистон- Миср; | 2002- ҳ/қадар. |
| 13. «Фан ва техника» давлат қўмитасининг эксперти; | 1999-2009 йй. |
| 14. Миллий чолғуларда ёш ижрочиларнинг «Байкал кубоги» номли Халқаро танлови ҳакамлар ҳайъати раисининг ўринбосари. Россия, Улан-Уде. | 2004,2007,2010 ва 2013 й.й. |

## Хотима ўрнида

Ўзбекистон Республикасининг мусиқа санъати жаҳон мусиқа санъатининг ажралмас бир қисмини ташкил этади. Анвар Лутфуллаевнинг ўқитувчилик, илмий-услубий, илмий-ижодий ва ташкилий жамоатчилик фаолияти билан ўзбек чолғу ижрочилиги санъатининг тарихи бир-бирига чамбарчас боғлангандир.

Унинг серқирра ва сермаҳсул ижоди, ўзбек халқ мусиқаси, замондош мусиқа арбоблари, санъат усталари, устозлар, мураббийлар, профессор-ўқитувчилар ва созанда-ижрочилар, умуман Ўзбекистон Республикаси мусиқа маданияти ва санъати муҳитида шаклланди.

А.Лутфуллаев 1976 йилдан бошлаган кенг илмий-ижодий фаолиятини, мусиқий қобилиятини, куч ва ғайратини, ўзбек мусиқаси халқ чолғуларида ижрочилик санъатини ривожлантиришга, жаҳон мусиқа маданияти ютуқларини тарғиб этишга қаратди. У замон талабларига хос янги ижрочилик санъати тарихининг кўп босқичларини бирма-бир босиб ўтди, устоз-санъаткор Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Аҳмад Одиловнинг шогирди сифатида Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда устози томонидан яратилган чанг чолғу ижрочилиги мактабининг давомчисидир.

Чанг чолғуси учун репертуарни шакллантиришда ўзбек халқ мусиқаси намуналарини мослаштиришда, ноталаштиришда мураббий—устоз санъаткор ва ажойиб ижрочи сифатида танилди, халқ ҳурматини қозонди. Унинг ижрочилик санъатида ўзбек халқ мусиқаси ҳозирги талаб даражасидаги пешқадам профессионал ижрочиларининг энг яхши фазилатлари мужассамлашди. Ижодкор янги-янги изланишлардан толмади, дадиллик билан ижрочилик санъатининг машаққатли йўлларини босиб ўтди.

Унинг илмий-ижодий ишлари, тарихий рисолалари, ўқув-услубий дастурлари, чанг ва фортепиано чолғуларига мослаштирилган ва ноталаштирилган халқ мусиқаси намуналаридан ташкил топган қўлланмалари Ўзбекистон Республикаси мусиқа маданиятининг бой ҳазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Анвар Лутфуллаев халқ чолғуларида ижрочилик санъатини ривожлантиришда сидқидилдан хизмат қилмоқда. У устози Аҳмад Одилов яратган чанг ижрочилиги мактабини давр руҳи билан уйғунлаштирган ҳолда дадил қадамлар билан давом эттирмоқда.

1990 йиллардан бошлаб яратган ижрочилик санъати тарихи ҳақидаги ўқув қўлланмалари, дарсликлар, тўпламлар ва рисоласи - халқ чолғуларида ижрочилик санъати тараққиётига ва ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Янги йўналишдаги мусиқа таълимотининг тараққиёти йўлида ўз куч-ғайрати, билими, керак бўлса соғлиғини ҳам аямаётган Анвар Лутфуллаев ижодий режалари ва орзу умидлари йўлида тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Чангчилар ансамблини қайта тиклаш ва амалиётга жорий этиш, чанг чолғусининг такомиллаштирилган янги нусхаларини яратиш, Анвар Лутфуллаевнинг келажакда бажарилиши лозим бўлган ва ечимини кутаётган муҳим вазифаларидан биридир.Устоз санъаткорнинг яна асосий мақсадларидан бири—чанг чолғусида умуман ўзбек халқ чолғуларида етук, моҳир созанда — ижрочиларни, юксак маънавий ва маърифий фазилатларга эга бўлган фидойи, истиқлол ғояларига садоқатли шогирдларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

**ИЛОВА**

**профессор А.Қ.Лутфуллаевнинг шогирдлари рўйҳати**

| № | Ф.И.Ш. | Тугатган й. | Иш жойи |
|---|---|---|---|
| **а) Бакалаврлар** | | | |
| 1. | Одилов Ҳаёт | 1983 | Успенский номидаги мусиқа |
| 2. | Исамухамедов Юнус | 1984 | А.Кодирий номидаги ТДМСИ |
| 3. | Абдуллаев Ниғмат | 1984 | Наманган педагогик |
| 4. | Суюнова Гулноза | 1985 | Тошкент ш. 7-сонли БМСМ |
| 5. | Мирзаев Абдусаттор | 1985 | Янгийўл ш. 2 сонли БМСМ |
| 6. | Мирзараҳимова Қиммат | 1985 | Жиззах санъат коллежида |
| 7. | Васихов Ахрор | 1986 | Тож-н Респ. Душанбе санъат |
| 8. | Юсупова Умрбону | 1986 | Андижон санъат коллежида |
| 9. | Асқарова Моҳира | 1986 | Наманган санъат коллежида |
| 10. | Хакимов Иброхим | 1987 | Тошкент ш. 27-сонли БМСИ |
| 11. | Норматов Ғулом | 1987 | Наманган маданият коллежида |
| 12. | Эшқуватова Наргиза | 1987 | Самарқанд санъат коллежида |
| 13. | Меҳмонова Муқаддас | 1988 | Андижон санъат коллежида |
| 14. | Умиров Ўктам | 1988 | Т.Жалилов номли ДАХЧО |
| 15. | Шерматов Комил | 1988 | ЎзДК катта ўкитувчиси, Ўзб. х. к. |
| 16. | Жуманиезов Искандар | 1988 | Нукус санъат коллежида |
| 17. | Абдугаппарова Дилфуза | 1989 | Тошкент ш.3-сонли БМСМ |
| 18. | Мамажонова Маъмура | 1989 | Фарғона ш. 3-сонли БМСМ |
| 19. | Эргашев Ўктам | 1989 | Тош.вил. Ангрен шаҳар БМСМ |
| 20. | Абдуллаева Ҳурматой | 1989 | Андижон ш.2-сонли БМСМ |
| 21. | Эргашева Гулчеҳра | 1989 | ЎзДК лабор.музейи мудираси |
| 22. | Суннатова Назокат | 1989 | Қарши давлат педагогика |
| 23. | Раимбаева Лобар | 1989 | Тош. вил. қибрай тумани 2-сонли |
| 24. | Аҳмадалиев Баҳром | 1990 | А.Навоий опера ва балет ДАКТ |
| 25. | Боймирзаева Зебо | 1990 | Қарши санъат коллежида |
| 26. | Хожиева Сайёра | 1990 | Тошкент ш. 16-сонли БМСМ |
| 27. | Илмуродова Гулбаҳор | 1990 | Гулистон санъат коллежида |
| 28. | Юсупова Раҳбар | 1991 | Фарғона ш. 2-сонли БМСМ |
| 29. | Хусанов Шокир | 1992 | Қарши маданият коллежида |
| 30. | Аҳмедова Мавлуда | 1992 | Бухоро санъат коллежида |
| 31. | Раҳимова Зиёда | 1992 | Анд. вил.Бўтақора Т.Содиқов номидаги РУМММ интернатида |
| 32. | Тожибоев Муносиб | 1992 | Андижон педагогика |
| 33. | Шерматов Саид | 1993 | қарши маданият коллежида |
| 34. | Рўзиохунова Хурсаной | 1993 | Тошкент ш. 29-сонли БМСМ |
| 35. | Жуманиёзов Қудрат | 1994 | Ургенч санъат коллежида |
| 36. | Бабашев Абдунаби | 1994 | Гулистон санъат коллежида |
| 37. | Алимова Сабохат | 1994 | Термез санъат коллежида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 38. | Алимова Дилорам | 1998 | Фарғона санъат коллежида |
| 39. | Қосимова Муаззам | 1998 | Тош.вил.Пскент туман 2-сон БМСМ |
| 40. | Ҳайдаралиев Умид | 1999 | Ўзб.Р ИИВ қошидаги анс. раҳбари |
| 41. | Қосимова Хуршида | 1999 | Анд.вил.Бўтақора Т.Содиқов номидаги БМСМ интернатида. |
| 42. | Орипов Мансур | 1999 | М.Уйғур номидаги санъат |
| 43. | Ниғматов Сардор | 2000 | Респ. тасвирий ва амалий санъат |
| 44. | Маматкулова Маҳфуза | 2000 | Гулистон санъат коллежида |
| 45. | Худайбердиев Шокир | 2000 | Тошкент маданият коллежида |
| 46. | Тўхсонова Хаётхон | 2001 | Самарканд давлат университетида. |
| 47. | Бойхонова Гулбаҳор | 2002 | Наманган санъат коллежида |
| 48. | Сафарова Муҳайё | 2003 | Наманган маданият коллежида |
| 49. | Холматов Алишер | 2003 | 2004-йилда вафот этган |
| 50. | Шарифбоев Умид | 2005 | Тош.вил.Бўстонлиқ туман БМСМ |
| 51. | Абдурахимова Нилуфар | 2005 | Глиэр номидаги РИМАЛда |
| 52. | Акромов Азиз | 2006 | «Ўзбекнаво» бирлашмаси созандаси |
| 53. | Абдуқодиров Фахриддин | 2007 | ЎзДК магистранти |
| 54. | Гаппарова Гулноза | 2007 | Анд.вил.Бўтақора, Т.Содиқов номидаги мусиқа мактаб |
| 55. | Турсунова Наргиза | 2007 | Ю.Ражабий номли Тошкент |
| 56. | Сангиров Дониёр | 2008 | Тош.вил.маданият ва спорт ишлари |
| 57. | Усмонов Зафар | 2008 | Тош.вил.маданият ва спорт ишлари |
| 58. | Мирзаев Бекзод | 2009 | «Ўзбекнаво» бирлашмаси созандаси |
| 59. | Қурбонова Сохибжамол | 2009 | Фарғона санъат коллежида |
| 60. | Тойирова Шаҳноза | 2009 | Бухоро санъат коллежида |
| 61. | Хамрокулова Нигора | 2009 | Андижон санъат коллежида |
| 62. | Толипов Иззатилла | 2010 | «Сўғдиёна» камер оркестри |
| 63. | Ибрагимов Махмуд | 2010 | Тош.вил.Қибрай туман 2-сон БМСМ |
| 64. | Режаббоев Тоҳир | 2010 | «Ўзбекнаво» бирлашмаси созандаси |
| 65. | Саидова Г. | 2011 | Тошкент шахар 6-сонли БМСМ |
| 66. | Мизамова Хулкар | 2012 | ЎзДК магистранти |
| 67. | Курбонов Вохоб | 2012 | Т.Жалилов номидаги ДАХЧО |
| 68. | Фармонова Чарос | 2012 | Бекобод санъат коллежи ўқитувчиси |
| 69. | Абдуллаев Сардор | 2012 | Андижон санъат коллежи |
| 70. | Ўткуров Жасур | 2013 | Глиэр номидаги РИМАЛ |
| 71. | Сафаров Нусрат | 2013 | Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси |
| **б) Магистрлар** | | | |
| 74. | Маматкулова Маҳфуза | 2003 | Гулистон санъат коллежида |
| 75. | Худайбердиев Шокир | 2003 | Тошкент маданият коллежида |
| 76. | Мамадалиев Аҳат | 2006 | ЎзДКсида ўқитувчи |
| 77. | Маматқулов Ойбек | 2006 | Гулистон санъат коллежида |
| 78. | Ботирова Хилола | 2008 | Андижон пед.университет ўқитувчи |
| 79. | Мирхонова Азиза | 2008 | Тошкент мусиқа коллежида |
| 80. | Иргашева Наима | 2011 | Тошкент мусиқа коллежида |
| 81. | Махмудова Нодира | 2013 | “Сўғдиёна” камер орк. ижрочиси |
| 84. | Тўхтамишев Ровшан | 2013 | “Ўзбекистон” ашула ва рақс анс. |

| в) Ассистент-стажёрлар | | | |
|---|---|---|---|
| 85. | Икромов Илхом | 1987 | ЎзДК доценти |
| 86. | Йўлдошев Алишер | 1998 | ЎзДК хузуридаги академ лицей дир. |
| 87. | Жуманиёзов Қудрат | 2001 | Ургенч санъат коллежида |
| 88. | Ибрагимова Нилуфар | 2004 | Гулистон санъат коллежида |
| 89. | Каримов Довлат | 2008 | Тожикистон миллий консерватория |

## А.Лутфуллаевнинг Халқаро ва Республика танловларида совриндор бўлган шогирдлар рўйҳати

| а) Халқаро | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Юсупова Умрбону | 1986 | Озарбойжон, Боку |
| 2. | Эргашева Гулчеҳра | 1988 | Тожикистон, Душанбе |
| 3. | Худойбердиев Шокир | 2001 | Туркия, Истанбул |
| 4. | Худойбердиев Шокир | 2002 | Туркия, Анкара |
| 5. | Каримов Довлат | 2005 | Тожикистон, Душанбе |
| 6. | Иргашева Наима | 2007 | Россия, Улан-Уде |
| 7. | Махмудова Нодира | 2010 | Россия, Улан-Уде |
| 8. | Ашрапов Миржон | 2010 | Россия, Улан-Уде |
| 9. | Юлдашева Хумора | 2010 | Россия, Москва |
| а) Республика | | | |
| 1. | Эргашев Ўктам | 1984 | Тошкент |
| 2. | Юсупова Умрбону | 1984 | Тошкент |
| 3. | Умиров Ўктам | 1988 | Тошкент |
| 4. | Ахмадалиеву Бахром | 1988 | Тошкент |
| 5. | Орипов Мансур | 1996 | Тошкент |
| 6. | Неъматов Сардор | 1996 | Тошкент |
| 7. | Ибрагимова Нилуфар | 1996 | Тошкент |
| 8. | Худойбердиев Шокир | 2000 | Тошкент |
| 9. | Жуманиёзов Қудрат | 2000 | Тошкент |
| 10. | Мамадалиев Ахат | 2004 | Тошкент |
| 11. | Абдурахимова Нилуфар | 2004 | Тошкент |
| 12. | Ботирова Хилола | 2004 | Тошкент |
| 13. | Абдукодиров Фахриддин | 2004 | Тошкент |
| 14. | Акромов Азиз | 2005 | Тошкент |
| 15. | Тўхтамишев Ровшан | 2005 | Бухоро |
| 16. | Қурбонова Соҳибжамол | 2005 | Бухоро |
| 17. | Тоирова Шахноза | 2005 | Бухоро |
| 18. | Ўткуров Жасур | 2007 | Тошкент |
| 19. | Асадов Завқиддин | 2007 | Тошкент |
| 20. | Қурбонов Вохоб | 2007 | Тошкент |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 21. | Ўткуров Жасур | 2009 | Қарши |
| 22. | Сафаров Нусрат | 2009 | Қарши |
| 23. | Мусаева Азиза | 2009 | Қарши |
| 24. | Хасанов Ихтиёр | 2009 | Қарши |
| 25. | Ўтамуродова Шахло | 2011 | Самарқанд |
| 26. | Қодирберганова Дилрабо | 2011 | Самарқанд |
| 27. | Заретдинова Ж. | 2011 | Самарқанд |
| 28. | Халилов Умид | 2013 | Тошкент |

**А.Лутфуллаевнинг Ўзбекистон радиоси магнит ленталарига ёзилган мусиқий асарлари рўйҳати**

| **а) Якканавоз сифатида** | | |
|---|---|---|
| 1. | Т.Ўлмасов, Я.Сабзанов | “Фантазия” чанг ва фортепиано учун |
| 2. | М.Кудрявцев | “Молдаванча Рапсодия” |
| 3. | Ўзбек мумтоз мусиқаси | “Наврўзи Ажам” |
| 4. | Ўзбек мумтоз мусиқаси | “Ажам Тароналари” |
| **б) Чангчилар ансамбли таркибида** | | |
| 1. | Ж.Бизе | “Муқаддима” “Кармен” операсига |
| 2. | И.Брамс | “Венгерча рақслар” №1, №2, №5 |
| 3. | Г.Артимовский | “Запарожье рақси” |
| 4. | С.Юдаков | “Дугоналар” |
| 5. | Х.Рахимов | “Севимли ёрим” |
| 6. | С.Юдаков | “Мен ўзбек қизиман” |
| 7. | М.Ливиев | “Бухороча Мавриги” |
| 8. | Ўзбек мумтоз мусиқаси | “Курд” |
| 9. | Н.Ризоль | “Чардаш” |
| 10. | Г.Нариманидзе | “Давлури” |
| 11. | В.Моцарт | “Муқаддима” “Фигоронинг уйланиши операсига” |
| 12. | В.Моцарт | “Рондо” |
| 13. | Ўзбек мумтоз мусиқаси | “Янги Тановар” |
| 14. | А.Вивальди | “Концерт” ля минор |

## А.Лутфуллаевнинг илмий услубий ва илмий_ижодий фаолияти.

| № | Илмий-услубий ва ижодий ишлар номлари | Бажар йили | Ҳажми | Сақланаётган жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ўқитувчилик амалиёти дастури. | 1981 | 1,0 б.т. | ЎзДК |
| 2. | Ўзбек мумтоз мусиқаси - «Мирзадавлат I, II» (чанг учун мослаштирилган) | 1982 | 1,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 3. | Ўзбек мумтоз мусиқаси - «Тановар» (чангчилар ансамбли учун мослаштирилган) | 1982 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 4. | С.Бобоев - «Байрам увертюраси» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1982 | 3,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 5. | Н.Зокиров - «Концерт фантазияси» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1983 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 6. | А.Кудрявцев - «Молдаванча рапсодия» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1983 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 7. | Тожик халқ куйи - «Суруди кўҳистон» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1983 | 1,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 8. | Т.Азимов - «Гўзал диёрим» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1983 | 1,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 9. | Н.Ризоль - «Чардаш» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1984 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 10. | «Сегох» мақомидан - «Мухаммаси Сегох» (чанг учун мослаштирилган) | 1984 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 11. | Ўзбек мумтоз мусиқаси - «қаландар I» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1984 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 12. | У.Хожибеков - «Фантазия II» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1984 | 3,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 13. | Д.Россини - «Неополитанча тарантелла» (чангчилар ансамбли учун мослаштирилган) | 1985 | 4,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 14. | Ф.Назаров - «қўшиқ ва рақс» (чангчилар ансамбли учун мослаштирилган) | 1985 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 15. | А.Мансуров, А.Лутфуллаев - «Концерт пьесаси» (чанг учун якканавоз асар) | 1985 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 16. | М.Глинка - «Вальс фантазия» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1986 | 3 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 17. | Румин халқ куйи - «Тўрғай» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1986 | 1,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 18. | А.Бобоев - «Концерт рапсодияси» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1986 | 4,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 19. | «Дугох» мақомидан - «Самои Дугох» (чангчилар ансамбли учун мослаштирилган) | 1987 | 1,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 20. | Ўзбек мумтоз мусиқаси - «Сояи» (чангчилар ансамбли учун мослаштирилган) | 1987 | 4,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 21. | Ўзбек мумтоз мусиқаси - «қўшчинор» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1988 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 22. | Г.Свиридов - «Вальс» (чангчилар ансамбли учун мослаштирилган) | 1988 | 3,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 23. | М.Тожиев - «Шарқ рапсодияси №4» (чанг ва фортепиано учун) | 1988 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 24. | Ўзбек халқ чолғулари санъати усталари (Ижодий ёритма) – А.Одилов | 1989 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 25. | А.Кулиев - «Концертино» (чанг ва фортепиано учун мослаштирилган) | 1990 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 26. | «Чанг мактаби» дарслиги (А.Одилов билан ҳамкорликда) | 1991 | 15,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 29. | «Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати усталари» (ижодий ёритма) – Р.Неъматов. | 1993 | 5,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 30. | Ўзбек мумтоз куйи - «Хожиниёз I-II-III», М.Ашрафий - «Фарғонача ялла» (чангчилар ансамбли учун мослаштирилган) | 1993 | 6,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 31. | Ў.Х.Чларида ижрочилик санъати усталари. (ижодий ёритма) - М.Тошмухамедов. | 1995 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 32. | Чангчилар ансамбли учун дастур (усл иш) | 1995 | 0,5 б.т. | ЎзДК |
| 33. | Ўзбек халқ чолғуларида ансамбль ижрочилигининг қисқача тарихи | 1996 | 1,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 34. | «Ўзбек мусиқаси санъати усталари» (А.Одилов ижодидан намуналар) | 1998 | 3,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 35. | Чангчилар ансамбли учун пьесалар тўплами | 1999 | 2,0 б.т. | ЎзДК |
| 36. | Миллий чангчилар ансамблининг ташкил топиши тарихидан (ўқув қўлланма) | 2000 | 10,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 37. | «Ўзбек мусиқа санъати усталари» (ижодий ёритма Фазилат Шукурова) | 2001 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 38. | Чанг ва фортепиано учун мосл.-ган Чайковский - «Шелкунчик» балетидан «Гуллар рақси» | 2001 | 2,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 39. | Шарқ мусиқаси факультетининг 50 йиллиги (тарихий мақола) | 2002 | 1,0 б.т. | ЎДК кутубхонаси |
| 40. | «Чангчилар ансамбли» номли ўқув қўлланма | 2003 | 15,0 б.т. | ЎзДК кутубхона |
| 41. | Чанг ижрочилигининг тарихи. (мақола) | 2003 | 1,0 б.т. | ЎзДК кутубхона |
| 42. | Ўзбек халқ чолғуларида ёш ижрочиларининг танлови ҳақида тарихий ёритма (мақола) | 2004 | 4,0 б.т. | ЎДК кутубхонаси |
| 43. | «Чанг тараннум этганда» (Рустам Неъматовнинг ижрочилик дастуридан ) | 2004 | 10,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 44. | «Узбекские национальные музыкальные инструменты» ўқув қўлланма Т.Е.Соломонова билан ҳамкорликда | 2005 | 5,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 45. | Ф.Амиров «Араб мавзуларига концерт» чанг ва фортепиано учун мослаштирилган | 2005 | 4,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 46. | Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи | 2006 | 6,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 47. | Ч.Теодаракис.«Квартал фариштaлари» опера муқаддима. Чанг ва фортепиано учун | 2006 | 4,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 48. | Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъатининг тарихи. Ўқув қўлланма | 2007 | 14,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 49. | “Дойра дарслиги” И.Икромов билан ҳамкорликда. | 2008 | 15,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 50. | Ўзбекистон композиторлари асарларидан чанг ва фортепиано учун тўплам. | 2008 | 6,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 51. | А.Мансуров ва М.Отажоновларнинг чанг ва ў.х.ч.оркестри учун концертларининг тахлили. | 2008 | 6,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 60. | «Баян дарслиги» педагогика. Фанлари доктори Ф. Халилов билан ҳамкорликда | 2009 | 12,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 61. | «Аккордион дарслиги» педагогика. Фанлари доктори Ф. Халилов билан ҳамкорликда | 2009 | 10,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 62. | «История исп-ва на народных инструментах» | 2010 | 10,5 б.т. | ЎзДК |
| 63. | Чанг учун концертлар | 2010 | 9,5 б.т. | ЎзДК |
| 64. | Чанг ва фортепиано учун асарлар тўплами | 2010 | 12,0 б.т. | ЎзДК |
| 65. | Халқ чолғуларида ўқитиш услубиёти | 2010 | 8,0 б.т. | ЎзДК |
| 66. | Чолғушунослик (Ш.Рахимов билан ҳамкрлик) | 2010 | 15,0 б.т. | ЎзДК |
| 67. | Чанг чолғусида ижрочилик услубларини ўзлаштириш | 2011 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 68. | Тошкентлик созанда Аҳмад Одилов ижодига чизгилар | 2011 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 69 | Чанг учун Ўзбекистон композиторларининг махсус концертлар тўплами. | 2011 | 4.0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 70. | Чанг ва фортепиано учун асарлар тўплами | 2011 | 8,0 б.т. | ЎзДК |
| 71. | “Дойра” дарслиги доцент И.Икромов билан ҳамкорликда | 2012 | 16,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 72. | “Баян” дарслиги профессор Ф.Халилов билан ҳамкорликда | 2012 | 13,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 73. | “Аккордион” дарслиги профессор Ф.Халилов билан ҳамкорликда | 2012 | 10,25 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 74. | Чанг ва фортепиано учун асарлар тўплами | 2013 | 6,0 б.т. | ЎзДК |
| 75. | Шарқона поппури – чанг ва фортепиано учун мослаштириш | 2013 | 4,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |

## А.Лутфуллаевнинг концерт-ижрочилик фаолияти.

1980 йилдан бошлаб ҳар йили якканавоз ижрочи сифатида ҳамда чангчилар ансамбли билан Ўзбекистон давлат консерваторияси, А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти, Хамза номидаги мусиқа коллежи ва бошқа олий таълимгоҳларнинг катта ва кичик залларида ўтказиладиган концертларда қатнашиб келмоқда. Ижро дастурларида ўзбек халқ мумтоз мусиқаси, МДХ халқлари мусиқаси, хорижий ва Ўзбекистон композиторларининг оригинал асарлари, шунингдек ўзининг ижодидан, чанг ва фортепиано учун мослаштирилган асарлар ҳам кенг ўрин олган.

| | |
|---|---|
| Москва. Гнесинлар номидаги давлат мусиқий-муаллимлик Олий таълимгоҳининг залида; | 1984, Якканавоз концерт. |
| Москва. П.Чайковский номидаги Москва Давлат консерваториясининг залида; | 1984, Якканавоз концерт. |
| Боку. У.Ҳожибеков номидаги Озарбайжон консерваториясининг катта залида; | 1984, Якканавоз концерт. |
| Душанбе. Мақсуд Турсунзода номидаги | 1984, Якканавоз концерт. |

| | |
|---|---|
| Тожикистон санъат олийгоҳининг залида; | |
| Москва. XII жахон ёшлари ва талабалари концерт фестивалида; | 1985, Якканавоз. |
| Ўзбекистон давлат консерваториясининг талаба чангчилар ансамбли таркибида Ўзбекистон маданият кунларида; | 1977, Озарбайжон,<br>1981, Тожикистон,<br>1988, Украина |
| Ўзбекистон санъат усталари гурухида хорижий мамлакатларда. | 1980, Болгария<br>1981, Тожикистон<br>1985, ГДР<br>1985, Польша<br>1988, Украина<br>1995, Ҳиндистон<br>1996 Ҳиндистон<br>2005 Қирғизистон<br>2006, Қирғизистон<br>2007, Тожикистон<br>2007, Россия<br>2008, Тожикистон<br>2010, Россия<br>2012, Жанубий Корея<br>2013, Жанубий Корея<br>2013, Россия |

Россия телевидениеси ва Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпанияси орқали, А.Навоий номидаги опера ва балет Катта театри ҳамда Истиқлол санъат саройининг залларида ўтказилган давлат, республика ва шаҳар миқёсидаги маъсулиятли концертларда фаол қатнашиб келмоқда.

**Лутфуллаев Анвар Қудратовичнинг мукофотлари**

| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи марказий маҳкамасининг Фаҳрий ёрлиғи билан; | 1983 й. |
| Собиқ Совет Иттифоқининг Олий ва ўрта махсус билим юртлари вазирлигининг «Меҳнатда аъло даражадаги ютуқлари учун» тақинчоғи билан; | 1988 й. |
| Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллик медали билан; | 2006 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Фаҳрий ёрлиғи ҳамда, Ўзбекистон Республикаси жамоат ташкилотларининг кўплаб Фаҳрий ёрлиқлари билан тақдирланганман; | 1980-2013 йй. |

# А.Лутфуллаевнинг нашр этилган асарлар рўйхати

| № | Ижодий ишларнинг номлари | Нашр йили | Ҳажми | Нашриёт номи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «Концертино для чанга с оркестром узбекских народных инструментов» С.Бобоева. (Методическая разработка) | 1994 | 1,25 б.т. | «Университет» |
| 2. | «Концерт №1» для чанга с оркестром узбекских народных инструментов И.Хамраева. (Методическая разработка) | 1994 | 1,25 б.т. | «Университет» |
| 3. | «Концерт для чанга с симфоническим оркестром» А.Атаджанова. | 1994 | 1,25 б.т. | «Университет» |
| 3. | «Ўзбекистон мусиқа санъати усталари» А.Одилов (Монография) | 1998 | 3,5 б.т. | «Ўқитувчи» |
| 4. | «Ўзбекистон мусиқа санъати усталари-А.Одилов» (Ижодкорлик ва ижрочилик бисотидан намуналар) | 2001 | 22,5 б.т. | ДП «Авлод» нашириёти |
| 5. | «Чанг мактаби» (Дарслик, А.Одилов билан ҳамкорликда) | 2002 | 16,0 б.т. | Ғ.Ғулом нашриёти |
| 6. | «Ўзбекистон мусиқа санъати усталари» Р.Неъматов (Монография) | 2002 | 3,25 б.т. | Ғ.Ғулом нашриёти |
| 7. | «Чангчилар ансамбли» (Дарслик) | 2003 | 15,0 б.т. | «Мерос» нашриёти |
| 8. | «Чанг тараннум этганда» (Ўқув қўлланма) | 2004 | 10,0 б.т. | «Мусиқа нашриёти» |
| 9. | Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи (ўқув қўлланма) | 2006 | 5,0 б.т. | «Мусиқа» нашриёти |
| 10. | «История исполнительства на народных инструментах» | 2010 | 10,5 б.т. | «Мусиқа» нашриёти |
| 11. | Чанг учун концертлар | 2010 | 9,5 б.т. | «Мусиқа» нашриёти |
| 12. | Чанг ва фортепиано учун асарлар тўплами | 2010 | 12,0 б.т. | «Мусиқа» нашриёти |
| 13. | Халқ чолғуларида ўқитиш услубиёти | 2010 | 8,0 б.т. | «Мусиқа» нашриёти |
| 14. | Чолғушунослик (Ш.Рахимов билан ҳамкорликда) | 2010 | 15,0 б.т. | «Мусиқа» нашриёти |
| 15. | Чанг чолғусида ижрочилик услубларини ўзлаштириш | 2011 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 16. | Тошкентлик созанда Аҳмад Одилов ижодига чизгилар | 2011 | 0,5 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 17 | Чанг учун Ўзб. композиторларининг махсус концертлар тўплами. | 2011 | 4.0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |
| 18. | Чанг ва фортепиано учун асарлар тўплами | 2011 | 8,0 б.т. | ЎзДК кутубхонасида |

**А.Лутфуллаевнинг**
**нашр этилган мақолалари рўйҳати**

| | Ижодий ишларнинг номлари | Нашр йили | Ҳажми | Нашриёт номи |
|---|---|---|---|---|
| 2. | «Мусиқамиз арбоби» (мақола) | 1990 №12 | 0,5 б.т. | «Санъат» |
| 1 | «Устоз ҳақида ўйлар» (мақола) | 1997 №10 | 0,5 б.т. | ЎзДКнинг«Мусиқа» |
| 2 | «Эшилиб, тўлғониб инграйди куй» | 1998 №15 | 0,5 б.т. | ЎзДКнинг«Мусиқа» |
| 3 | Ў.Х.Ч.ёш созанда-ижрочиларининг Республика кўрик-танлови | 2004 | 0,5 б.т. | ДП «Авлод» нашриёти |
| 4 | «Чанг сеҳри»(мақола) | 2004 | 0,5 б.т. | «Театр» журнали |
| 5 | «Чанг тарихи» (мақола) | 2005 №3 | 0,5 б.т. | «Гулистон» |
| 6 | мусиқа коллежи ҳамда акад лицей ёш ижрочилар респ. танловлари | 2005 | 0,25 б.т. | Танлов буклети |
| 7 | Некоторые вопросы методики переел-я скрипичных произведений для чанга и фортепиано. | 2006 | 0,5 б.т. | Проблемы совр-го муз-го исскуства Узбекистана |
| 8 | Проблемы передачи знании в процессе муз-го обучения в вузе. | 2008 | 0,5 б.т. | Муз-ное искусство и современность. |
| 9 | Ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги таълимидаги долзар масалалар. | 2008 | 0,5 б.т. | Халқаро ил.наз-й конф. мат.лари. |
| 1 | Ўз уйимдек қучоғига олар эди. | 2008 | 0,5 б.т. | “Жаннатмакон” |
| 1 | О роли методики как гл. проблемы системы подготовки специалистов по нар. инстр в свете совр. Треб-й | 2009 | 0,5 б.т. | Вопросы муз-ного исполнительства и педагогики |
| 1 | Исполнительское искусство на узб. нар.инстр-х в годы независимости. | 2009 | 0,5 б.т. | Процессы реформ. системы муз.образ. |
| 1 | Ёш авлодни тарбиялашда халқ чолғу-да ижро санъатининг ўрни. | 2009 | 0,5 б.т. | Ўзб. Мус. Мад-ти ривожи ва Тошкент. |
| 1 | Задачи уроков музыки в совокупности с элементами ритмики и танца. | 2010 | 0,5 б.т. | “Мус. Ижро. ёшлар фаоллигини ошириш ва рив-ш” Респ. конф. Мат. |
| 1 | Тошкентлик созанда Аҳмад Одилов ижодига чизгилар | 2010 | 0,5 б.т. | Мусиқа санъати ва пед-ка масалалари |
| 1 | Чанг чолғусида ижрочилик услубларини ўзлаштириш | 2011 | 0,5 б.т. | “Мус. Ижро. ёшлар фаоллигини ошириш ва рив-ш” Респ. конф. |
| 1 | Тошкентлик созанда Аҳмад Одилов ижодига чизгилар | 2011 | 0,5 б.т. | Мусиқа санъати ва пед-каси. тўплам. |
| 1 | Х. чолғуларида ўқитиш услубиёти (чанг ижрочилиги мисолида) | 2011 | 1,0 б.т. | Мус. ижрочилиги ва пед-каси. тўплам. |
| 20. | Ўзбек халқ чолғулари ижрочилиги таълимидаги долзарб масалалар | 2012 | 0,25 б.т. | Мус. ижрочилиги ва пед-каси тўплам. |

## А.Лутфуллаевнинг
## маъсул муҳаррирлик сифатидаги илмий фаолияти.

| № | Ижодий ишларнинг номлари ва муаллифи | Нашр йили | Ҳажми | Нашриёт номи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Р.Хожиева. «Дуторим – созим маним». ўқув қўлланма | 1999 | 4,0 б.т. | «Ўқитувчи» |
| 2. | М.Сафарова. Дутор мутахассислиги бўйича ўқув қўлланма | 2004 | 25,5 б.т. | МЧЖ «Кўҳи-нур» |
| 3. | А.Дадамуҳамедов. Рубоб-прима дарслиги | 2004 | 17,0 б.т. | «Мусиқа» |
| 4. | Р.Хожиева. Дутор тароналари. | 2004 | 10,0 б.т. | «Мусиқа» |
| 5. | Ш.Рахимов. Дутор | 2004 | 12,0 | Низомий номидаги ТДПУ нашриёти |
| 6. | З.Туропов. Ансамбл синфи | 2007 | 17,0 б.т. | ЎзДК Таҳрир-нашриёт бўлими |
| 7. | Қ.Назиров – Скрипка учун гаммалар ва арпеджиолар (А. Григорян) | 2011 | 7,5 б.т. | «Мусиқа» |
| 8. | М.тошмухамедов – Я.Сабзановнинг чолғу асарлари | 2013 | 18,0 б.т. | «Мусиқа» |

## А.**Лутфуллаевнинг ижро репертуаридан намуналар**

а) Ўзбек мумтоз мусиқалари
1. «Наврўзи ажам ва ажам тароналари»
2. «Хожиниёз I, II, III»
3. «Гулизорим»
4. «Кўча боғи I, II»
5. «Самои Дугоҳ»
6. «Мушкилоти Дугоҳ», «Мушкилоти Дугоҳ талқинчаси»
7. «Шароб»
8. Г.Собитов қайта ишлаган - «Муножат», «Савти Муножат», «Уфори Муножат»,
9. Б.Гиенко қайта ишлаган - «Гулбаҳор ва Тановар» ва бошқалар

б) Ўзбек бастакорларининг чанг учун махсус яратилган асарлари:
1. И.Ҳамраев - «Концерт» I, II
2. А.Отажонов - «Концерт»
3. Т.Тошматов - «Концерт рондоси»
4. С.Бобоев - «Концертино»
5. И.Зокиров - «Концерт фантазияси»
6. И.Халиков - «Концерт пьесаси»
7. М.Тожиев - «Шарқча рақс №1»
8. М.Тожиев - «Шарқ рапсодиялари» № 2, №3, №4, №5, №6, №7, №8
9. Г.қодиров - III қисмлик сюита
10. С.Юдаков - «Поэма» ва бошқалар.

в) МДХ бастакорларининг асарлари:
1. А.Хачатурян - «Концерт»
2. В.Калинкин - «Икки украин мавзусига фантазия»
3. Г.Нариманидзе - «Давлури»
4. Г.Ханмамедов - «Концерт»
5. Я.Сабзанов ва Ф.Ўлмасов - «Баҳориман» фантазияси
6. Б.Саксонский - «Икки беларусча рақс»
7. А.Кудрявцев - «Молдаванча рақс»
8. А.Кулиев - «Концертино»
9. Г.Свиридов - «Вальс»
10. М.Спендиаров - «Хайтарма» ва бошқалар.

г) Рус бастакорларининг асарлари:

1. П.Чайковский - «Русча рақс»
2. М.Глинка - «Руслан ва Людмила» операсига муқаддима
3. А.Алябьев - «Булбул» («Соловей»)
4. Римский-Корсаков - «Арининг парвози»
5. П.Чайковский - «Баркаролла»
6. М.Глинка - «Вальс фантазия» ва бошқалар.

д) Жаҳон мумтоз бастакорларининг асарлари:
1. Н.Паганини - «Кампонелла»
2. Ф.Лист - «Венгерча рапсодия» №2, №6, №13
3. М.Сарасате - «Концерт фантазияси»
4. Дж.Россини - «Интродукция ва тарантелла»
5. Де.Фалья - «Испанча рақс»
6. К.Сен-Санс - «Интродукция ва рондо каприччиозо»
7. В.Моцарт - Концерт «Аделаида»
8. И.С.Бах - «Концерт» a-moll, e-moll ва бошқалар.

# А.Лутфуллаев фаолиятига

ФИКРНОМАЛАР

Анвар Қудратович Лутфуллаевни мен унинг талабалик давриданоқ биламан. Таниқли устоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмад Одиловнинг синфида чанг чолғуси ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган давридаёқ, Анвар Лутфуллаев ўз иқтидори, қизиқиши, интилувчанлиги ва изланувчанлиги билан ажралиб тарар эди. Концертларда янги-янги асарларни ижро этиб, йил сайин маҳорати ошаётганлигини кузатганман. Табиийки, у консерваторияни имтиёзли дипломга муваффақиятли битиргач, "Халқ чолғуларида ижрочилик" кафедрасида қолдирилди ва ўқитувчилик, концерт-ижрочилик, илмий-ижодий, илмий-услубий ҳамда жамотчилик фаолиятларини бошлади.

Айнан мазкур кафедрада Анвар Лутфуллаев ўқитувчиликдан бошлаб, доцент ва, ниҳоят, профессор илмий лавозимларгача ўсди ва ҳозирги пайтда ўз соҳасининг билимдони, етакчи мутахассис сифатида эътироф этилмоқда.

Назаримда, А.Лутфуллаевнинг турли фазилатлари қаторидан унинг илмий-назарий ва илмий-услубий жиҳатлари алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг қаламига мансуб "Аҳмад Одилов", "Рустам Нигматов" монографик очерклари, "Чанг мактаби", "Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик санъати тарихи" каби ўқув қўлланмалар ва тўпламлар олий ва ўрта махсус таълим тизимида таянч услубий адабиётлар сифатида ўқув жараёнига татбиқ этилган. Қолаверса, унинг тажрибаси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё ва Россия миқёсида ҳам ўз самарасини бермоқда. Ишончим комилки, А.Лутфуллаевнинг чуқур касбий билими, тинимсиз изланишлари унга янги марталаларга эришишга асос беради.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,

санъатшунослик фанлари доктори, профессор Т.Б.Ғофирбеков

Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси профессори Анвар Қудратович Лутфуллаев фаолияти ҳақида

ФИКРНОМА

Маълумки, Шарқ мамлакатларда азалдан халқ орасида санъаткор-устозлар алоҳида эъзозланган. Чунки, касб эгаси бўлиш бу катта бахтдир. Ҳозирги замонда, менинг тасаввуримда, узбек халқ чолғучилари ижрочилик соҳасида чинакам устоз сифатида профессор Анвар Қудратович Лутфуллаевни тилга олишимиз лозим. Унинг фидокорона меҳнати, талабалар учун вақтни аямаслиги, ўта маданиятли муомиласи ва иқтидорли ёшларни тарбиялашда жонбозлиги хайратда қолдиради.

Анвар Лутфуллаев учун ўқитиш жараёни – бу масъулиятли ва катта эътибор талаб қилаётган фаолият, чунки, унинг фикрича, талаба ихтисослик дарсларида кенг қамровли билимга эга бўлиши талаб қилинади. Аниқроғи, ёш мусиқачини тарбиялашда мусиқий асарларнинг нота матнни ўзлаштириш билан чегараланмасдан, шогирднинг бадиий дидни шакллантириш, касбий сирларини ўзлаштириш, зиёлийларга хос маданиятли инсон бўлиш - пировард мақсад сифатида кўзланмоқда. Мана шундай педагогик услубиётига таянганлигининг ўзи, Анвар Қудратович Лутфуллаевни замонавий талабга жавоб берадиган, илғор педагогик технологияларни “Устоз-шогирд” тизимида мужассам этаётган “Устоз” сифатида эътироф этишимиз асослидир. Унинг қўлида таҳсил олган ўнлаб Халқаро ва республика танловлари совриндорлари фикримизнинг ёрқин далилларидир.

Анвар Лутфуллаев фаолияти серқирра. Унинг нашр юзини кўрган илмий-тадқиқий ва услубий дасрликлар, ўқув қўлланмалар маданият ва санъат соҳасидаги олий таълим муассасаларинингo ўқув жараёнида татбиқ этилмоқда. Талабаларнинг иқтидорини ўстириш ва парвариш қилиш методикаси – республика ва халқаро “Устоз сабоқлари” дарсларида намойиш қилиниб, мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. Унинг талабаларга бўлган самимий муносабати, оталик меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги – улар ўқишни битиргандан кейинроқ ҳам ришталар доимо сақланиб қолиши - ёш ўқитувчилар учун ибратомуз бўлган.

Анвар Лутфуллаевнинг катта потенциали, ундан келажакда янги зафардар кутишига асос беради .

Ўзбекистон Республикаси санъат

арбоби, профессор М.Махмудов

Отзыв

на профессора кафедры исполнительства на народных инструментах
Лутфуллаева Анвара Кудратовича

Деятельность А.К.Лутфуллаева многогранна. Но поражает не только её разнообразие, а качественные показатели. Как педагог-методист он создал теоретическую базу воспитания музыкантов-исполнителей на чанге. Принадлежаҳие его перу учебники, учебно-методические пособия, методические рекомендации имеют важное научно-методическое значение: они способствуют росту профессионального мастерства педагогического контингента, помогают молодым педагогам быстрее освоить секреты педагогического мастерства.

Как педагог-воспитатель молодых талантов, А.Лутфуллаев вырастил целую плеяду лауреатов международных и республиканских конкурсов, заставив, тем самым, признать узбекскую школу исполнительства на народных инструментах как высоко профессиональную и самобытную.

Наконец, как руководитель кафедры «Исполнительства на народных инструментах» он профессионально укрепил педагогический состав кафедры, создал условия для получения педагогами учёных званий профессора и доцента, способствовал разработке учебно-методической литературы, открыл дорогу для профессионального роста молодёжи.

Нельзя не признать, что на сегодняшний день А.Лутфуллаев олицетворяет плеяду педагогов нового поколения, в лице которых органично соединились традиции национальной системы воспитания «Устоз-шогирд» и современные требования, предъявляемые к облику педагога-воспитателя, призванного взрастить гармонично развитую личность.

Ректор Государственной консерватории

Узбекистана, профессор Д.Муродова

21 май 2011 г.

Отзыв

на деятельность профессора кафедры исполнительства на народных инструментах Государственной консерватории Узбекистана

Лутфуллаева Анвара Кудратовича

Считается, что первое впечатление от знакомство с человеком, оставляет неизгладимый след. Если согласиться с этим мнением, то с первой встречи Анвар Кудратович Лутфуллаев оставил у меня впечатление как человек чрезвычайно доброжелательный, объективный и человечный. Его отзывчивость, умение контактировать с людьми разных поколений снискали ему уважение в коллективе.

Особая тема – его педагогическая деятельность. Поражает его неустанное внимание к студентам, забота об их профессиональном росте, отеческое отношение к их нуждам, проблемам. В этом смысле Анвар Кудратович - настояҳий наставник молодёжи, Учитель с большой буквы.

Что же касается его научно-методической работы, то вышедшие из-под его пера книги, брошюры, учебные пособия, получили признание не только в Узбекистане, но и за рубежом. А его авторитет в этой сфере подтверждён присвоением ему Российской Академией наук высокого звания «Почётный профессор».

Считаю, что Анвар Кудратович Лутфуллаев обладает всеми качествами, которые предъявляются на сегодняшний день современному педагогу, руководителю-организатору и учёному-методисту высшей школы.

Заведуюҳий кафедры “Народных инструментов”

Российской Восточно-Сибирской Государственной

Академии культуры и искусств, профессор В.Ф.Мусихин

Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси доценти Анвар Қудратович Лутфуллаев фаолиятига

## ФИКРНОМА

Анвар Қудратович Лутфуллаев Ўзбекистон давлат консерваториясида 1980 йилдан бўён ишламоқда. Унинг серқирра фаолияти турли қатламларни ўзига қамраб олган: ижрочилик, илмий-услубий ва илмий-тадқиқий, ташкилотчилик ва маънавий-маърифий. Ўзбекистон давлат консерваториясининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда А.Лутфуллаев томонидан амалга оширилган ишларнинг барчаси мақтовга сазовор. Шу билан бирга ўқитувчилик фаолияти ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Анвар Лутфуллаев мисолида мусиқа соҳасида ўқитиш жараёни ва ёшларни тарбиялаш вазифалари фаҳрли ва масъулиятли бўлганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, унинг “чанг” чолғусида ижро этишни ўрганиш дарслари ҳақиқий “Устоз сабоқларига” айлангани, “Устоз-шогирд” тизими комил инсонни тарбиялашга йўналтирилгани, касбий билимлар ҳаётий кузатувлари билан бойитилгани – Лутфуллаев педагогикасининг асосий тамойиллари деб билишимиз мумкин. Ҳавас қиладиган томони яна шундаки, Анвар Қудратовичнинг синфини битирган талабалар ўз олдида турган муаммоларнинг ечимини устози ёрдамида топишга харакат қилиши, устозини касбий ота сифатида эътироф этиши анъанага айланган. .

Анвар Лутфуллаевнинг педагогик методикаси – бу ҳар бир ёш мусиқачини вояга етказиш жараёнида режа асосида иш тутиш, босқичма-босқич янги марраларни эгаллаш, бадиий ва техникавий мураккабликларни ўзлаштириш учун мустақил изланишларни олиб боришидан иборатдир.

Ўз тaржибасини А.Лутфуллаев нафақат Ўзбекистондаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига узатиб, балки хорижий мамлакатлардаги мутахассислар билан ҳам ўртоқлашмоқда. Унинг методик тавсиялар, “очиқ дарслар”, илмий-услубий нашрлар, илмий-амалий конференцияларида чиқишлари катта қизиқиш билан қабул қилиниб, турли мамлакатларнинг олий таълим муассасаларида татбиқ этилмоқда.

Халқ артисти “Академик хонандалик”

кафедраси профессори С.Қобулова

# СИЛА ПРИТЯЖЕНИЯ ЯРКОЙ ЛИЧНОСТИ

Профессор Государственной консерватории Узбекистана Анвар Кудратович Лутфуллаев – один из самых ярких представителей современной музыкальной культуры. Он принадлежит к тем деятелям искусства, которые в полной мере чувствуют огромную ответственность музыки в современном мире. Неутомимая творческая активность этого музыканта неотделима от консерватории, насыҳенной музыкально-обҳественной жизни данного образовательного учреждения. С именем Лутфуллаева – замечательного человека, вдохновенного музыканта, художественно богатой артистической натуры, компетентного специалиста в области музыкального искусства, авторитетного педагога, талантливого организатора и пропагандиста узбекской музыки связаны значительные достижения узбекской музыкальной культуры.

За долгие годы руководства кафедрой «Исполнительства на народных инструментах Лутфуллаев внёс неоценимый вклад в развитие музыкального образования, воспитал несколько поколений музыкантов-исполнителей, лауреатов международных и республиканских конкурсов и фестивалей, педагогов, исследователей народной инструментальной культуры. Научные, учебные и методические труды, монография о своём учителе – Заслуженном артисте Узбекистана, профессоре Ахмаде Адилове, школы игры на чанге, многочисленные статьи по вопросам музыкального образования Лутфуллаева пользуются в учебном процессе и научной деятельности как ценные методические и практические руководства.

Лутфуллаев обладает удивительной гражданской активностью. Он всегда в гуҳе жизни, среди людей, умеюҳий откликнуться на насуҳные запросы жизни и находить правильные и мудрые решения. На посту председателя профкома консерватории Лутфуллаев много делает для комфортной жизни коллектива, улучшения качества бытовых условий педагогов и студентов. Человек большой души, исключительно доброжелательный и отзывчивый, наделённый ценным даром обҳения с людьми, Анвар Кудратович пользуется непререкаемым авторитетом во всех вопросах музыкального искусства, образования и обҳественной жизни.

При всём многообразии сфер творческой, профессиональной и обҳественной, Анвар Лутфуллаев прежде всего человек, которому присуҳи уникальность позитивное, жизнеутверждаюҳее мировосприятие. Он стремится в выявлению прекрасного в музыке и жизни, самозабвенно любит родную природу, умеет глубоко чувствовать красоту мира, искренне любит

музыкальное искусство не только своего народа, но и других других народов. И в этом проявляется величие мудрости Анвара Лутфуллаева – человека-музыканта, опытного наставника молодёжи. Неустанный труд, совершенствование мастерства, проникновение в суҳность музыкального искусства, передача накопленного жизненного опыта молодому подрастаюҳему поколению – вот те основные принципы, которыми руководствуется Анвар Кудратович Лутфуллаев в своей плодотворной деятельности.

кандидат искусствоведения, профессор

кафедры «Истории музыки и критики»

Государственной консерватории Узбекистана

ГАЛУЩЕНКО И.Г.

19 мая 2014 г.

# Г Л О С С А Р И Й

Ушбу атамалар глоссарийсида маърузалар ва амалий машғулотларда келтирилган атамаларнинг қисқача изоҳи келтирилган.

**Харак:** чолғу декаси ёки териси устига жойлаштирилган торларни кўтариб турувчи махсус мослама.

**Шайтон харак:** чолғунинг бош қисмидаги қулоқларга тақилган торларни кўтариб турувчи махсус мослама.

**Гриф ёки даста:** чолғунинг бош ва қорин ёки косахона қисми ўртасидаги бўлаги.

**Мензура:** Дастали чолғуларда асосий харакдан шайтон хараккача бўлган масофа**.**

**Чолғунинг бош қисми:** бу чолғунинг қулоқларга торлар тақиладиган қисми ҳисобланади.

**Чолғунинг қорини ёки косахонаси:** бу чолғунинг ёғоч дека ёки тери тортиладиган қисми ҳисобланади.

**Мизроб ёки медиатор:** торли чертма чолғуларда товуш чиқариш воситаси.

**Нохун:** торли чертма чолғулар гурухига кирувчи танбур чолғусида товуш чиқариш воситаси.

**Ясама тирноқ ёки нохун:** торли тирнама чолғу бўлмиш қонунда товуш чиқариш воситаси.

**Камон:** ғижжаклар оиласи ҳамда сато чолғусида товуш чиқариш воситаси.

**Ижрочилик тамойиллари:**

1. Чолғу созида эришилган техник маҳоратни мусиқанинг бадиий мазмунини очиб беришга хизмат қилдириш.
2. Чолғу асбобида юксак бадиий ифодали ижро қилиш, «чолғуни куйлатиш».
3. Бадиий ижро, яъни композитор фикрига ҳамоҳанглик, белгиланган мақсаддан четлашмаслик.
4. Саҳнадаги ташқи кўринишда оддийлик, ҳар хил услуб ва йўналишларга эргашмаслик.

Ана шу тамойиллар келгусида шогирдлар етиштиришнинг асосий негизи бўлиб хизмат қила бошлади.

**Мусиқий асар:**

Маълум бир мусиқий асар Б.Асафьев таъбири билан айтганда уч хил кўринишда мавжуд бўлади.

1. Бу нота матни, яъни ёзув асосида.
2. Ижрочи томонидан талқин қилинган жонли ижрода.
3. Тингловчининг ҳаётий тажрибаси ва бадиий образларнинг у томонидан қабул қилиниши натижасида асарни ҳақиқий ижро жараёни амалга оширилади.

**Диққат:** мусиқа санъатида ижрочининг ҳиссий, интелектуал, ҳаракатга келувчи жараёнлардаги фаолият самарадорлигининг муҳим шартидир. Мусиқий фаолиятнинг барча турлари диққат билан боғлиқ бўлиб, айниқса жамоа бўлиб ижро қилишда у жуда муҳимдир. Яъни оркестрда чалишдан аввал дирижернинг кўтарилган қўллари, ауфтакт, яккахон ва жўрнавоз ўртасидаги ишора ва ҳаракатларнинг ҳаммаси мусиқада диққат деб аталади.

**Сезги** – инсон организми томонидан эшитиш, кўриш, ҳид билиш, тана сезгиси, таъм билиш ва ҳ.к. аъзолари орқали моддий дунёни англайди.

**Идрок:** Нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали онгимизда акс этишига идрок дейилади. Сезгида предметнинг алоҳида қисмлари, идрокда эса предметнинг барча таркибий қисмлари бир бутунликда ҳис қилинади. Ўз ижросини эшитган созанда тажрибасига таяниб уни таҳлил қилади ва умумлаштирган ҳолда хулоса ясаб хатоларини тузатиш учун қарши ҳаракатга шайланади.

**Тасаввур** билимнинг ибтидоси бўлиб, бош мияда (анализ ва синтез асосида) ҳосил бўлади ва тафаккурдан фарқли ўлароқ ижрочи ҳаёлида олдиндан акс этадиган тушунчалар тизими бўлиб, бадиий ижодиётнинг барча турларига хосдир.

**Ҳис, туйғу ва ҳаяжон (эмоция):** Инсон руҳиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, киши ўзининг ҳаётий фаолияти жараёнида атрофини ўраб турган моддий борлиқ билан доимо мулоқотда бўлади. Бунинг натиждасида шоду-хуррамлик, қайғу ва ғам, тўлқинланиш ва ҳаяжон, мағрурлик ва ифтихор, жаҳл ва ғазаб, ҳайратланиш, хафа бўлиш каби бошқа кўплаб майил ва туйғу (*объектив дунёга субъектив муносабат кечинмалари*)лар инсоннинг эмоционал ҳис-ҳаяжон ҳолатини ифодалайди.

Эмоция (*туйғу кечинмаларининг шакли*) ижобий ва салбий турларга бўлинади. Ижобийлари: шоду-хуррамлик, тўлқинланиш ва ҳаяжон, мағрурлик ва ифтихор, ҳайратланиш ва бошқалар. Салбийлари: қайғу ва ғам, жаҳл ва ғазаб, хафа бўлиш кабиларидан ташкил топади.

**Мусиқий ифода** воситалари: товуш ҳосил қилиш ва унинг акустик асослари, мусиқий товуш, сознинг тозалиги (интонация), товуш туси (тембр), нола (вибрато), усул (ритм), ўлчов, суръат, агогика, артикуляция, динамик белги ва бошқалар киради.

**Дамли чолғулар ижрочилик воситалари:** созанданинг лаб аппарати ёки амбушюр (французчада – ижрочи лабининг чолғу асбоби мунштугида

жойлашуви), ижрочилик нафаси, тил, бармоқлар ҳаракати, мусиқий эшитиш воситаларидан ташкил топади.

**Товуш:** физик ҳодиса бўлиб, таранг тортилган жисм (сим, ясси пластинка ва ҳ.к.)нинг ташқи таъсир натижасида механик ҳаракатга келиши - тебраниши натижасида ҳосил бўладиган жараёндир. Табиатда қулоғимиз илғайдиган турли хил товушлар мавжуд. Лекин уларниг ҳаммасини ҳам мусиқий товуш деб бўлмайди. Мусиқий товуш ўзининг тўрт хоссаси, а) бир-бирига нисбатан баланд пастлиги, б) туси (тембри), в) давомийлиги, яъни чўзими, г) кучи билан шовқинли товушлардан фарқ қилади.

**Интонация (лотинча - баланд, юқори):** Унинг тозалигига эришиш учун аввало созанданинг чолғу асбоби сифатли ишланган ва чалиниб тажрибадан ўтган бўлиши керак. Бундан ташқари товушнинг тоза чиқиши ижрочининг маҳоратига ва кайфиятига ҳам боғлиқ. Шунингдек, чолғудаги қўшимча пардалар (дополнительная аппликатура) ни қўллаш орқали ҳам товушни паст ёки баландлигини мувофиқлаштириш мумкин.

**Товуш тембри** (тембр фр. — товуш бўёғи, туси, характери) товуш сифатининг муҳим омилларидан бўлиб, ҳар бир инсон овози ва чолғу асбоби товушига хос хусусият.

**Вибрато – тўлқинлатиш, товуш ноласи:** товуш сифатини бойитувчи омиллардан бўлиб, у товушга ўзига хос жозиба бахш этади ва гўё уни қиздириб жонлантиради.

**Товуш кучи:** Тебраниш ҳаракатиниг кенглиги ва кучига боғлиқ. Яъни товуш ҳосил қилувчи мембрананинг тебраниш миқёси – амплитудаси қанча кенг ва кучли бўлса товуш ҳам шунча кучаяди. Динамик ўзгаришларни уч асосий гуруҳга тақсимланади:

а) турғун, яъни ўзгармайдиган;

б) аста-секин ўзгарувчан, поғонама-поғона кучайиб ёки пасайиб борувчи турлари мавжуд: кучсиздан (пастдан): ***pp-p-mp-mf-f-ff*** кучлига  ва аксинча кучлидан ***ff-f-mf-mp-p-pp*** сусайиб борувчи;

в) қарама - қарши - тафовутли (контрастный) ***p-f, pp-ff*** ва унга алоқадор урғулар товуш кучини ошириш ва пасайтириш белгилари сифатида асар моҳиятини очишда хизмат қилади.

**Ижрочилик техникаси:** Бармоқлар ҳаракати, ижрочилик нафаси, тил ва лабларнинг ҳаракатчанлиги, чап ва ўнг қўлларнинг мутаносиблиги каби омиллар киради.

**Ижрочилик ҳолати** (исполнительская постановка): чолғу созини қандай ушлаш, уни  чалишга ҳозирлаш ва чалиш учун (бутун тана, бош, қўллар, оёқлар, амбушюр) тайёр бўлиш тушунилади

«**Амбушюр**» (франц. embouchure -  bouche сўзидан олинган бўлиб, оғиз деган маънони билдиради) дамли чолғуларда лаб аппарати.

**Штрих** (немис. – чизиқча, чизги) рассомларда йўғон, ингичка, қалин, тўқ чизиқчалар муайан портрет образини очиб берганидек мусиқада ҳам образ яратиш учун штрихлар мавжуд. Штрихлар дастлаб торли - камонли чолғуларда, асосан скрипкачиларда камонни юргизишда турли услублар қўлланила бошлаган. Дамли чолғулар ижрочилари ҳам кўпчилик штрихларни скрипкачилардан ўрганганлар. Шунингдек, дамли чолғуларнинг ўзига хос штрихлари ҳам келиб чиқа бошлаган.

**Detache - деташе –** (французча detacer – алоҳида деган маънони билдиради) тил ёки ўнг қўлнинг зарблари иштирокида ҳар бир товуш етарли даражада чўзиб алоҳида ижро қилинади.

**Marcato – маркато** (италянча «marcare» - ажратиб кўрсатиш, урғу бериш)  -  камоннинг кескин зарблари иштирокида куч билан урғу берилган товушлар чалинади.

**Staccato – стаккато** (италянча алоҳида, қисқа-қисқа деган маъноларни билдиради) у тилнинг ёки ўнг қўлнинг кескин лекин тез ва енгил уриладиган зарблари натижасида ҳар бир товуш ярмигача қисқартириб чалинади.

**Staccatissimo – стаккатиссимо -** стаккатога қараганда ҳам қисқа (ёзилган товуш чўзимининг тўртдан бирига қисқаради) ва staccatissimo ёзуви билан ифодаланади.

**Martele – мартеле** (французча «marteler»-чўкичламоқ, зарб урмоқ) бунда товушлар камоннинг ўткир зарби ва кучли нафас босими билан бир хил динамикада алоҳида бўрттириб чалинади.

**Tenuto – тенуто –** ўнг қўл ёки тилнинг қаттиқ зарблари ёрдамида, аммо урғу бермасдан ҳар бир товуш охиригача чўзиб ижро қилинади.

**Non legato - нон легато -** тилнинг юмшоқ зарби натижасида товушлар бир-бирига боғланмасдан чалинади.

**Portato - портато** - камоннинг ёки тилнинг юмшоқ ҳаракати натижасида товушлар чўзиброқ бир-бирига боғланган ҳолда ижро қилинади.

**Portamento - портаменто** - вокал ижрочилиги тажрибасидан олинган штрих бўлиб, товушдан товушга енгил, нозик сирпаниб ўтишни ифодалайди.

**Frullato - фруллято** - Тилнинг ўзига хос бидратмаси (трели), яъни «трр» унсизларини талаффуз қилиниши натижасида амалга оширилади.

Бу штрих кўпчилик ўзбек тингловчиларга Ўзбекистон халқ артисти Абдуллахат Абдурашидов найда ижро этган миллий куйлар термалари (попуррилари) орқали яхши таниш.

**Қўш стаккато -** тилнинг учи ва ўрта қисмини бирга қўллаган ҳолда «ту», «ку» атамалари орқали ҳосил қилинадиган штрих қўш стаккато дейилади**. Legato – легато -** (италянча боғлиқ деган маънони билдиради). Бу штрихда тил биринчи зарбни бериб бошқаларида иштирок этмайди ва товушлар бир-бири билан узлуксиз боғланиб келади. Шунингдек торли

чертма ва торли камонли чолғуларда мизроб ва камонни узмай ижро этиладиган зарбдир.

**Legatissimo** – товушларнинг янада кўпроқ боғлиқлигини талаб қиладиган штрих.

**Glissando – глиссандо** –маълум бир нотадан кейинчи нотагача бўлган оралиқда куйнинг сирпанчиқ ҳаракати,.

**Артикуляция** барча штрих ҳаракатлари орқали (маълум куй жумласи ёки фразасида) эришилган натижалар йиғиндиси бўлиб, муайян штрихлар асосида куйнинг барча ифода воситалари (темп, ритм, динамика, регистр)нинг ҳам мутаносиб ва мувофиқ равишдаги иштирокини таъминлашига артикуляция дейилади.

**Ижрочилик нафаси:** ўпканинг тўлиқ ҳажмига олинади. Унинг асосан уч тури тури мавжуд бўлиб, булар:

а) **кўкрак нафаси**, бунда ўпканинг юқори қисми ҳавога тўлиши натижасида кўкрак қафаслари кенгаяди, қорин бўшлиғи (диафрагма)эса пассив ҳолатда бўлади;

б) **қорин нафаси**, бунда ўпканинг пастки қисми ҳавога тўлиши натижасида қорин бўшлиғи (диафрагма) кўтарилади. Кўкрак қафаслари эса пассив ҳолатда қолади;

в) **аралаш нафас**да ўпканинг бутун ҳажми ҳаво билан тўлади, бунда олинган нафас ўпканинг пастки қисмидан тўлишиб, қорин (диафрагма) кўтарилади ва юқори қисми ҳам тўлиши натижасида кўкрак қафаси кенгаяди. Бу кўкрак ва қорин нафасларининг аралашган тури бўлиб, ижрочиликда энг кўп қўлланиладиган самарали нафас ҳисобланади.

**Зарб** арабча - урмоқ, уриш маъносини билдиради ва мазкур чолғуларда асосан чўп, мизроб, нохун, камон ва таёқчалар ёрдамида зарб билан уриш,

бармоқ билан чертиш, силкитиш ва бошқа ҳаракатлар орқали товуш ҳосил қилинади.

**Мембранофон -** қопламали чолғулар, уларга махсус тери ёки пластик қопланган барабан, нағора, доира, том-том, литавраларнинг турлари киради.

**Идеофон -** ўзи товуш берувчи чолғулар бўлиб, уларнинг вужудига механик таъсир қилиш натижасида ўз танасидан товуш ҳосил бўлади. Булар: турли тарелкалар, қайроқ, сафойил, учбурчак (треугольник), қутича (коробка), ксилофон ва бошқалар.

**Ривожланувчи ёки қиёсий эшитиш қобилияти**: созандага бир товушни эшитгандан сўнг бошқалари билан таққослаган - қиёслаган ҳолда баландлигини аниқлайди.

**Мутлақ (абсолют) эшитиш қобилияти** бор созанда эса товуш баландлигини тўғридан - тўғри бошқалари билан таққосламасдан аниқ айта олади.

**Зоҳирий (ташқи) эшитиш** орқали яккахон созанда, ҳофиз, ансамбл ёки оркестр томонидан ижро қилинган асарни барча жиҳатлари: баландлиги, тембри, усули ва мусиқий матнини англаб олади. Маълумки бундай устозона услуб шарқ халқларида жуда кенг тарқалган бўлиб, қадимдан отадан болага, устоздан шогирдга айниқса мусиқий мерос намуналари оғзаки, яъни эшитиш-тинглаш орқали амалга оширилган ва бизгача етиб келган.

**Ботиний (ички) эшитиш:** Бунда инсоннинг ички туйғуси, яъни олдин эшитилган, қулоғига таниш бўлган ҳаёлидаги асар кўзда тутилади. Бу ҳиссиёт бешта жиҳатда намаён бўлади:

а) олдин кимнингдир ижросида эшитилган ва хотирага ўрнашиб қолган мусиқий образлар;

б) ўзи қачонлардир ижро қилган асар ёки куй қисмини хотирлаш;

в) асарни нотадан чолғу асбобисиз ўқиган ҳолда садоланишини тасаввур қилиш;

г) чалиш ёки ўқувчига тушунтириш учун асар ва унинг қисмлари композициясини ҳаёлда шакллантириш;

д) ижро жараёнида бирданига тайёргарликсиз (экспромт) бадиҳа (импровизация), намуд (кўриниш), авж, (гул партав) ёки янги қисмлар ижод қилиш.

Ботиний ва зоҳирий эшитиш йиллар ўтиши билан билим, тажриба, малака ошгани сайин ривожланиб, сайқалланиб боради. Шунинг учун ҳам таълимнинг биринчи қадамларидан бошлаб мусиқий эшитишни ва эшитиш назоратини ривожлантириш ўта муҳимдир.

**Мусиқий хотира** - инсон руҳий жараёнининг муҳим жиҳатларидан бири ёд олиш ва хотирада сақлаш бўлиб, унинг моҳияти эсда сақлаб қолиш ва зарур пайтда ўша хотирадагиларни маълум бир восита орқали юзага чиқариш-намаён қилиш ҳисобланади.

**Хотира турлари:**

а) товуш баландлиги, кучи, тембри, лад тизими, усули, оҳангдошлиги, куй ва қўшиқ шаклини эсда сақлаш билан боғлиқ хотира турлари;

б) инсон қиёфаси, табиат манзараси, буюм намунаси, бирор образ, нота ёзуви, уларнинг чўзими, туроқланиши ва бошқаларнинг қоғозда – ёзувда, экранда ифодаланиши кўзда муҳрланади ва кўриш хотирасига киради;

в) турли ҳаракатларни эслаб қолиш ва уни қайтариш (дирижерлик, рақс, пантомима ва ҳ.к.), чолғу асбобини тана сезги органлари (лаб, қўл ва бармоқлар, нафас органлари ҳаракати ва ҳ.к.) сезиб эслаб қолиниши сезги-ҳаракат хотираси;

г) эснаш, кулиш, йиғлаш, лаззатланиш, таъсирланиш, эмоция туйғуларини эсга олиб ўзида акс эттириш ҳис-ҳаяжон хотираси;

д) ҳикоя, роман, шеър, мақол, топишмоқ ва бошқалар сўз-мантиқ хотираси турларига киради.

Хотирани янада мустаҳкамлаш учун устоз созандалар (Г.Г.Нейгауз) томонидан мусиқий асарни ёд олишда қуйидагича йўл тутилиши уқтирилади:

а) асарни нота билан чолғу асбобида чалиб эсда сақлашга ҳаракат қилиш;

б) нотасиз чолғуда ёддан чалиш;

в) чолғу асбобисиз нотага қараб кўриш орқали кўз хотирасида мустаҳкамлаш;

г) нотасиз ва чолғу асбобисиз ҳаёлдан ўтказиш орқали мусиқий хотира мустаҳкамланади.

Мусиқий хотира мустаҳкам бўлиши учун нафақат ақлий хотира (қувваий ҳофиза), балки, «қалб хотираси» зарурлигини кўпчилик олимлар таъкидлашади.

**Усул сезгиси** мусиқий асарларнинг тузилишида энг асосий омиллардан бири бўлиб, ижрочилик жараёнида катта аҳамиятга эга. У инсон организми билан табиатдаги ўзаро ўлчов ва ритмик боғлиқлик ҳамда мутаносибликни ифодалайди. Бунда инсоннинг юрак уриши, нафас олиши, қадам ташлаши, ҳиссий (эмоционал) ҳаракат сезгилари табиатининг барча жиҳатлари билан боғлиқдир.

**Rubato** — лотинча – ўғирланган, ноталарнинг чўзим миқдори аниқ сақланмагани ҳолда ижрочининг хоҳиши бўйича кенгайтириб ёки қисқартириб ижро қилиш.

**Agogika** — лотинча - юргизиш, эргаштириш. Мусиқа ижрочилигидаги бадиий ниятни кўзлаб асар суръатини бироз ўзгартириш, яъни тезлатиш ёки секинлатишни билдиради.

**Дамли чолғуларда ижрочилик маҳоратига**:

а) ижрочи лаблари техникаси;

б) ижрочилик нафаси техникаси;

в) тилнинг ҳаракати;

г) бармоқлар ҳаракати ва уларни ривожлантирувчи омиллар киради.

**Гаммалар чалиш тамойиллари:**

а) гаммаларнинг турлари диатоник, мажор, минор, табиий, гармоник, мелодик, хроматик ва бутун тонлардан тузилганлари;

б) барча гаммаларнинг асосий пардаларидан тузилган уч товушликлари ва уларнинг айланмалари, Д7 ва унинг айланмалари, кичрайтирилган етакчи VII7 ва унинг айланмалари ҳамда уларнинг асосий тонликка ечилиши;

в) гамма чалишда чолғу асбобининг тўлиқ товуш кўлами (диапозони)ни қамраб олиниши;

г) ҳар хил ритмик кўринишда, яъни гамма икки октава чалинса квартоллар билан, икки ярим ёки уч октава чалинса триоллар билан шаклланади.

**Арпеджиолар** икки ва уч октава оралиғида триоллар билан икки ярим октава оралиғида квартоллар билан, D7 ва кич. VII7 лар икки ва уч октава оралиғида квартоллар (икки ярим октава оралиғида чалинмайди) билан чалинади.

Асосий тонлик арпеджиоси айланмалари триол ва квартол шаклида ҳам чалинади. D7 ва кич. VII7 лар эса квартол шаклида ижро қилинади;

д) гаммаларни detache, legato, staccato, marcato, portato каби турли штрихларда ифодалаш;

е) f, p, sf, fp каби ҳар хил динамик белгилар билан чалиш;

ж) турли аппликатурани қўллаган ҳолда ижро этиш билан ижрочилик маҳорати ривожлантирилади.

**Соната** чолғу мусиқасининг йирик шаклдаги асари сифатида буюк полифониячилар Г.Гендел ва И.С.Бах ижодида салмоқли ҳиссани ташкил қилади. Соната XVIII асрга келиб етилди ва ўз ўрнини топди.

Соната вена классиклари (Гайдн, Моцарт, Бетховен) чолғу асарларининг етакчи шаклларидан бири бўлиб қолди.

Сонатанинг кейинги ривожини Шуберт, Шуман, Лист, Брамс, рус композиторларидан Глинка, Чайковский, Бородин, Скрябин, Рахманинов ва шунингдек XX аср композиторларидан Онеггер, Барток, Пуленк, Хиндемит, Мясковский, Прокофьев, Шостакович, ўзбек композиторларидан Г.Мушель, Т.Қурбонов ва бошқаларнинг ижодида кузатамиз.

Соната тарихий ривожланиши давомида ўзининг мазмуни, гармоник тили, куй йўналиши, метроритми каби нафақат ички жиҳатлари балки, ташқи, яъни қисмлари ва шаклининг бутун тузилиши билан ҳам қисман ўзгаришларга учради.

**Концерт** мусиқий чолғу асбоби ифода воситаларининг турли жиҳатларини ва созанданинг маҳоратини яққол очиб берадиган жанрлардан ҳисобланади.

Концерт жанри XVII аср охирига келиб гомофон мусиқанинг пайдо бўлиши билан, яъни жўрнавоз оркестрга ҳамоҳанг яккахон чолғуни ҳам кўрсатиш зарурлиги натижасида ушбу жанрнинг энг ривожланган турлари яратила бошланди.

Классик ва замонавий концертларнинг энг яхшиларида фикрнинг кенг кўламлилиги, мусиқий образларнинг ёрқинлиги, куйнинг жозибаси, мавзунинг симфоник тарздаги ривожи, оркестр ва яккахоннинг бир бири билан юксак маҳоратли мулоқоти каби сифатлар кузатилади. Буларга

Бетховеннинг фортепиано учун бешта, скрипка учун битта концерти, Мендельсон, Чайковский ва Хачатурянларнинг фортепиано учун, Брамс, Лист, Шуман, Григ, Чайковский, Рахманинов ва Прокофьевларнинг виолончел учун, Дворжак ҳамда Шостаковичларнинг симфония-концертлари ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Абдураҳимова Ф. А.И.Петросянц – ўзбек халқ чолғулари замонавий ижрочилик мактабининг асосчиси «Ўзбекистонда мусиқа ижрочилиги». Т., 1985. тузувчи В.З. Плунгян.
2. Алимбаева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созандалари. Т., 1959
3. Алимбаева К., Аҳмедов М. Ўзбекистон халқ созандалари. Т., 1974
4. Ашрафий М. Мусиқа менинг ҳаётимда. Т., 1975
5. Беляев В. Ўзбекистон мусиқий чолғулари. М., 1933
6. Визго Т. Ўрта Осиё мусиқа чолғулари. Тарихий очерк. М., 1980
7. Гиенко Б. Чолғулаштириш. Т., 1970 (ўзбек халқ чолғулари оркестрига)
8. Жабборов А., Соломонова Т. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари. Т., 1975
9. Зиёев Ш. Қалб эҳсони. «Совет Ўзбекистони санъати» журнали 2-сони. 1989
10. Йўлдошева С. Ўзбекистонда мусиқа тарбиясини ва таълимотини тараққиёти. Т., 1979
11. Караматов Ф. Ўзбек чолғу мусиқаси. Мерос. Т., 1972
12. Лутфуллаев А. Концерт для чанга симфоническим оркестром А.Атаджанова как пример освоения новых исполнительских возможностей. Т., 1994
13. Лутфуллаев А. Концертино для чанга с оркестром узбекских народнўх инструментов С.Бабаева, как один из первых образцов концертного жанра для узбекского народного инструмента с оркестром (опыт исполнительского анализа). Т., 1994

14. Лутфуллаев А. Концерт №1 для чанга с оркестром узбекских народных инструментов И.Хамраева, как типичный образец жанровой концепции узбекского инструментального концерта. Т., 1994
15. Одилов А., Петросянц А. Чанг дарслиги. 1-нашри, Т., 1961
16. Одилов А. Чанг учун гаммалар, машқлар ва этюдлар. Т., 1968
17. Одилов А. Чанг таронаалари. Т., 1974
18. Одилов А., Петросянц А. Чанг дарслиги, 2-нашри. Т., 1976
19. Одилов А. Чанг чолғусида ижрочилик услубларини ўзлаштириш. Т., 1987
20. Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларида ижрочилик тарихи. Т., 1995
21. Одилов А., Назаров А. Ўзбек халқ чолғулари учун асарлар. (Ўзбекистон композиторлари ижодидан.) Т., 1997
22. Одилов А. Чанг тароналари. 2-китоб (қўлёзма). Тошкент давлат консерваторияси – 1998
23. Одилов А. Ўзбек халқ чолғулари фани бўйича дастур. Т., 1998
24. Одилов А. Махсус чанг синфи учун дастур. Т., 1998
25. Одилов А. Ўзбек халқ чолғуларини ўқитиш услубияти бўйича дастур. Т., 1998
26. Ҳамроев И. Биринчи концерт (Чанг ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун клавир.) Т., 1987
27. Хўжаев Р., Лутфуллаев А. Мусиқамиз арбоби., «Санъат». 12. 1990
28. Хўжаев Р. Дилкаш садолар соҳиби («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1988, 11 ноябрь сони)